



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI

ID-6883 (V-9)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг сифатини
баҳолашда янги тизимни жорий этиш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг сифатини баҳолаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 7 июлдаги ПФ–109-сон Фармонига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навдорлик ва экинбоплик сифатини баҳолаш ҳамда ёрлиқлаш бўйича хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **Қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навдорлик ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навдорлик ва экинбоплик сифатини баҳолашда уларни рақамли QR-кодли ёрлиқлаш, уруғликларни етиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари реестри ҳамда рейтингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Ўзагроинспекция”):

фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларига қулайликлар яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари реестри ҳамда рейтингини **Ҳар йили 1 мартга қадар** ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади;

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг наводорлик ва экинбоплик сифатини баҳолашда номувофиқ деб топилган уруғликлар тўғрисидаги маълумотларнинг **Ҳар йили 25 январга Қадар** тегишли тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритиб боради.

3. “Ўзагроинспекция” Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 январга Қадар** туман (Қувасой шаҳри) апробация комиссияси таркибига кирувчи апробаторларни ўқитиш ҳамда “Апробатор гувоҳномаси” бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда:

апробация жараёнларига жалб қилинадиган мутахассисларни халқаро нормаларга мувофиқ Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг наводорлик ва экинбоплик сифатига оид талаблар ва стандартлар бўйича ўқитиш ҳамда “Апробатор гувоҳномаси” бериш амалиёти жорий этилади;

2026 йил ҳосилидан бошлаб “Апробатор гувоҳномаси”га эга бўлмаган мутахассисларнинг апробация комиссияси таркибида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

4. . “Ўзагроинспекция”:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда **2026 йил якунига Қадар** амалдаги норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг наводорлик ва экинбоплик сифатини баҳолаш ҳамда уларни ёрлиқлаш бўйича қоидаларига мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.

5. . Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг [3-иловага](#) мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Белгилансинки, ушбу қарор 2026 йил 1 январь санасидан бошлаб кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг
навдорлик ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий Қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг (кейинги ўринларда – уруғликлар) наводорлиги ва экинбоплигини баҳолаш, наводорлик гувоҳномаси ва экинбоплик хулосаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ариза берувчи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уруғлик етиштирувчи, уларни реализация қилувчи ёки хориждан импорт қилувчи жисмоний ёки юридик шахс ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти;

апробация – ўсимликларнинг наводорлиги, зараркунандалар билан зарарланган-зарарланмаганини, касалликларга чалинган-чалинмаганини ва экиш учун мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг умумий ҳолатини аниқлаш учун далада ўтказиладиган жараён;

апробация далолатномаси – қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари сифатини баҳолашда ўсимликнинг морфологик белгиларига асосан уруғлик майдонидаги муайян нав ва авлодли ўсимликнинг наводорлигини, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган ёки зарарланмагани ҳамда кутиладиган ҳосилдорлиги бўйича дала шароитида ҳар бир контурда ўтказилган синовлар натижалари қайд этилган ва апробация комиссияси томонидан имзоланган расмий ҳужжат;

апробация комиссияси – туман (қувасой шаҳар)да қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари сифатини баҳолашнинг биринчи босқичида уруғлик майдонларида ўсимликнинг муайян тур, авлодли навни морфологик белгилари

бўйича навдорлигини, бегона ўсимлик аралашмалари миқдорини, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган ёки зарарланмаганини ва кутиладиган ҳосилдорликни дала шароитида баҳолаш ишларини ўтказишда ваколатли ташкилотлар ва илмий муассасалар вакиллари аъзоларидан иборат таркибда муайян муддатга жалб қилинган малакали мутахассислар гуруҳи;

билдактилоскопия – Қўл бармоқлари учини электрон (планшет) воситанинг махсус жойига босиш орқали Қўл бармоқлари учига тери изларини сканерлаш натижасида апробация комиссияси таркибида иштирок этаётган шахснинг ҳосил бўлган бармоқ изларини расмийлаштириладиган ҳужжатда акс эттириш (имзолаш) усули;

боғлам – муайян экиннинг нав ва авлодли ўсимликларидан навдорлик, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланганлик, шунингдек, карантин, заҳарли, зарарли ва бегона ўсимликлар аралашмалари мавжудлигини ҳамда ҳосилдорликни аниқлаш учун ҳар бир контурдаги уруғлик экин майдонининг бир қанча жойидан танлаб олинadиган намуналар йиғиндиси;

“E-urug’” ахборот тизими – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли Қишлоқ хўжалиги” ягона интеграциялашган платформаси таркибига кирувчи, электрон танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, мониторинг ва апробация тадбирлари учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари базасини шакллантириш, шунингдек, юридик шахсларнинг ушбу жараёнларда қатнашиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

навдорлик гувоҳномаси – апробация далолатномасига асосан Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари сифатини баҳолашнинг биринчи босқичида ўсимликнинг морфологик белгиларига асосан уруғлик майдонидаги муайян нав ва авлодли ўсимликларнинг навдорлигини баҳолаш ҳамда касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмагани, кутиладиган ҳосилдорлиги бўйича дала шароитида ўтказилган синовлар натижалари ижобийлигини тасдиқловчи “uzagroin.uz” ахборот тизимида расмийлаштирилган ҳужжат;

таҳлил натижаси – Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари сифатини баҳолашнинг иккинчи босқичида аккредитация қилинган лабораторияда ўтказилган синов натижаларига кўра экинбоплик сифати кўрсаткичлари бўйича

экиш учун яроқсиз ёки Ўзбекистон Республикаси Худудида экиш учун тавсия Қилинган Қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилиши мажбурийлиги талаб Қилинган навли уруғликлар киритилмаган деб топилганда “uzagroin.uz” ахборот тизимида расмийлаштириладиган Хужжат;

“uzagroin.uz” ахборот тизими – “Ўзагроинспекция” Қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси томонидан ариза берувчиларнинг аризаси ва унга илова Қилинган Хужжатлари асосида рақамли QR-кодли ёрлиқ бериш, уруғликларни икки босқичда навдорлик ва экинбоплик сифатини баҳолаш жараёнларини тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда юритиш, тегишли Хужжатларни расмийлаштириш ҳамда уруғликларга оид маълумотлар базасини шакллантиришга мўлжалланган ахборот тизими;

уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш – Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари сифатини баҳолашнинг биринчи босқичида ўсимликнинг морфологик белгиларига асосан уруғлик майдонидаги муайян нав ва авлодли ўсимликларнинг навдорлигини баҳолаш бўйича дала шароитида ўтказилган синовлар жараёни;

уруғлик пахта хомашёси – келгуси йил пахта ҳосили учун уруғлик чигит экиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларида етиштириладиган уруғлик пахта хом ашёси;

уруғликларнинг экинбоплик сифати – уруғликларнинг экиш учун яроқли ёки яроқсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

уруғликларнинг экинбоплигини баҳолаш – Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини белгиланган талабларга яроқли ёки яроқсизлигини тасдиқлашга оид фаолият;

уруғлик етиштирувчи субъект – “E-agric” ахборот тизимидан рўйхатдан ўтиб, электрон баённома шакллантирилган ва уруғлик етиштириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти;

уруғлик тайёрловчи субъект – уруғлик етиштирувчи субъектлардан ва ўз экин майдонларида етиштирган уруғликларни қабул қилиш,

жамҒариш, сақлаш, Қайта ишлаш ва реализация Қилиш ишларини амалга оширувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти;

уруғлик тўдаси – келиб чиқиши ва сифати бўйича бир хил бўлган уруғликларнинг муайян миқдори;

уруғлик майдони – уруғлик етиштирувчи субъектлар томонидан ўсимликнинг муайян тур, нав ва авлодли уруғликлари экилган ва келгусида уруғлик етиштиришга мўлжалланган экин майдони.

3. Апробация ва уруғликнинг навдорлик сифатини баҳолаш апробация комиссиялари томонидан “E-ugug’” ахборот тизимида реестрга киритилган ёки ариза билан “uzagroin.uz” ахборот тизими орқали мурожаат қилган уруғлик етиштирувчи субъектларнинг уруғлик майдонларида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги) Ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДМ) томонидан апробация комиссияларига “E-ugug’” ахборот тизимида реестрга киритилган ёки ариза билан мурожаат қилган уруғлик етиштирувчи субъектларнинг рўйхатлари тақдим этилади ва электрон шаклда расмийлаштирилган апробация далолатномалари ҳисоботлари юритилади.

Янги навларнинг уруғликларига (пахта чигити, бошоқли дон ва картошка) бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда “E-ugug’” ахборот тизимида реестрга киритилмаган уруғлик етиштирувчи субъектлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг рухсати билан ахборот тизимида реестрга киритилиши ва апробациядан ўтказилиши мумкин.

2-боб. Уруғлик майдонларида апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

1. Уруғлик майдонларида апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашнинг умумий шартлари

4. Уруғликларнинг апробацияси ва навдорлик сифатини баҳолаш ишлари уруғлик етиштирувчи субъектларнинг пахта, бошоқли дон, картошка, сабзавот,

полиз ва бошҚа (донли, дуккакли дон, мойли, эфир-мойли, техник, ем-хашак ва бошҚалар) уруҒликлар экилган уруҒлик майдонларида ўтказилади.

5. УруҒлик майдонларида етиштирилаётган уруҒликларни апробациядан ўтказиш ва навдорлик сифатини баҳолаш ишлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида ўтказилади.

6. Апробация ўтказиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Ўзагроинспекция”), Ўзбекистон фермерлар кенгаши ва илмий муассасаларнинг Қўшма Қарори билан ушбу Низомга 2, 2а ва 2б-иловаларига мувофиқ апробация комиссиялари ва ишчи гуруҳлари ташкил этилади.

Бунда апробация комиссияси таркибига киритиладиган мутахассислар манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда белгиланади.

7. Апробация ҳар йили пахта, бошоқли дон ва картошка экинлари уруҒлик майдонларида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳамда туман (Қувасой шаҳар) бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган режа асосида ўтказилади.

8. Апробация ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари зараркунандалар билан зарарланган ёки зарарланмагани, касалликларга чалинган ёки чалинмагани, бегона ўсимликлар аралашмалари мавжудлигини ва кутилаётган ҳосилдорликни аниқлаш ҳамда экишга мўлжалланган уруҒликнинг умумий ҳолатини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

9. Апробация ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш мулкчилик шаклидан қатъи назар, “E-ugug’” ахборот тизимида рўйхатдан ўтган ёки “uzagroin.uz” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали ариза билан мурожаат қилган уруҒлик етиштирувчи субъектларнинг уруҒлик майдонларида экин турларининг вегетация давридаги ўсимликнинг морфологик белгилари тўлиқ шаклланган даврда ўтказилади.

Ушбу Низомда назарда тутилмаган бошҚа қишлоқ хўжалиги экинларида навдорликни баҳолаш уруҒлик майдонларига мос равишда

келтирилган баҳолаш тартиби асосида ёки халқаро навдорликни баҳолаш Қоида ва нормалари асосида ахборот тизими орқали амалга оширилишига рухсат этилади.

10. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатларини баҳолаш ишларини ўтказиш учун уруғлик етиштирувчи субъектлардан ҳақ олинмайди.

11. Ўтказилган апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижаларига кўра, ҳар бир нав ва авлод бўйича “E-cug’” ахборот тизимида киритилган маълумотлар асосида апробация далолатномаси автоматик тарзда шакллантирилади ҳамда ҳар бир контурда ўтказилган синовлар натижалари қайд этилади.

12. Апробация далолатномасида яроқли деб топилган ҳар бир экин тури нави ва авлоди бўйича “Ўзагроинспекция” қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан ахборот тизимида навдорлик гувоҳномаси шакллантирилади ва тасдиқланади.

13. Навдорлик гувоҳномаси уруғлик етиштирувчи ва уруғлик тайёрловчи субъектлар ўртасида берилган ёки топширилган уруғлик учун ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловни амалга оширишга асос бўлади.

14. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларида уруғлик майдонларидаги уруғликларнинг экишдаги авлодини ушбу авлодга қайта баҳолаш ёки авлодини юқори авлодга расмийлаштириш тақиқланади.

Шунингдек, уруғлик майдонида экишдаги авлоди дурагай (F_1) бўлган авлоддан қайта дурагай (F_1) ва унинг кейинги авлодлари (F_2 ва бошқалар) ёки навли уруғлик олишга (ота-оналик шакллари бундан мустасно) навдорлик гувоҳномаси расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

2. Апробация комиссияси аъзоларининг вазифалари

15. Республика ишчи гуруҳи ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тузилади ҳамда қуйидагилар уларнинг вазифалари ҳисобланади:

Ҳар йили Ҳудудларда уруғликларни апробациядан ўтказиш ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш, уруғликларни сақлаш, тозалаш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича ўқув-дала семинарларини юқори даражада ташкил этади;

апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш ишлари ўтказиладиган Ғўза (пахта), бошоқли дон ва картошка экинлари уруғлик майдонларини Ҳудудлар, уруғлик етиштирувчи субъектлар, экилган нави ва авлодлари кесимида тасдиқлайди ҳамда “E-cug’” ахборот тизими орқали апробация комиссияларига тақдим қилади;

бошқа уруғликларни апробациядан ўтказиш ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш ишлари уруғлик етиштирувчи субъектларнинг аризалари асосида уруғлик майдонларида экин туридан келиб чиқиб, экилган нави ва авлодлари бўйича баҳолаш ишлари ва муддатлари апробация комиссиясига ахборот тизими орқали юборилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш ишларини, апробация комиссиялари фаолиятини доимий назорат қилиб боради, шунингдек, Ҳудудларга чиққан ҳолда апробация комиссиясининг баҳолаш ишлари устидан мониторинг ўтказиши ва фаолиятини мувофиқлаштиради;

апробация ўтказилган уруғлик майдонларини танлаб ўрганади ва ушбу Низом талабларига зид равишда апробацияда яроқли деб ўтказилган майдонларни яроқсизга чиқаради ва апробация комиссияси аъзоларига нисбатан тегишли интизомий ҳамда бошқа чоралар қўллаш бўйича таклиф киритади;

Ҳудудларда апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш жараёнларида келиб чиққан баҳсли ёки низоли ҳолатларда жойига чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказиши ҳамда низоли ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради.

16. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ишчи гуруҳи аъзолари ушбу Низомга 2а-иловага мувофиқ тузилади ҳамда қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

туман (Қувасой шаҳар)да ўтказиладиган апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишларини ҳамда апробация комиссиялари фаолиятини доимий назорат қилиб боради;

ўтказилган мониторинг натижалари асосида хато ва камчиликларга йўл қўйган комиссия аъзоларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ва комиссия таркибидан чиқарилиши бўйича Республика ишчи гуруҳига ёзма ахборот ва таклиф киритади;

апробация комиссияси таркибидан четлаштирилган ёки бошқа сабабларга кўра қатнаша олмаган мутахассиснинг ўрнини тўлдириш бўйича Республика ишчи гуруҳига таклиф беради;

туман (Қувасой шаҳар)да апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларида келиб чиққан баҳсли ёки низоли ҳолатларни ўрганади, холис баҳолайди ҳамда низоли ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради.

17. Туман (Қувасой шаҳар) апробация комиссияси (кейинги ўринларда – апробация комиссияси) аъзолари ушбу Низомга 2б-иловага мувофиқ тузилади ҳамда қуйидагилар уларнинг вазифалари ҳисобланади:

апробация ўтказиладиган майдонга экишда сарфланган уруғликларнинг бирламчи ҳужжатлари (экинбоплик хулосаси ёки таҳлил натижаси ва юк хати) билан экилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини ва ушбу ҳужжатлар бўйича экилган навнинг апробация режаси билан мослигини ўрганади;

апробация режаси билан ўрганилган ҳужжатлар бўйича экиш ёки хатолар ўрнига экиш учун фойдаланилган уруғликнинг нави, авлоди ёки навдорлик орасида фарқ аниқланганда, ушбу уруғлик экилган майдонни апробация режасидан чиқаради;

ҳужжатлар бўйича уруғлик майдонларида ўтказилган ўрганишларнинг ижобий натижалари юзасидан уруғлик майдонида ҳар бир контурда баҳолаш ишларини алоҳида амалга оширади;

Ҳар бир контурдаги уруғлик майдонининг экин турига Қараб намуна олиш нуқталарини ўсимликлардан ажралиб турувчи ёрқин ранг (қизил ва бошқа) бериш (сепиш) орқали намуна танлаб олиш жойларини белгилайди;

уруғлик майдонида экин турига Қараб ўсимлик намунаси (боғлам), ўсимлик тупи, ҳосил элементлари (кунгабоқар саватчаси, маккажўхори сўтаси ва бошқалар), туганак ва бошқалардан белгиланган тартибда танлаб олади ҳамда фракция, тур ва бошқа ажратишлар асосида жойида таҳлил қилади;

уруғлик майдонида ўсимликнинг морфологик белгилари тўлиқ намоён бўлган даврда баҳолаш ишларини ўз вақтида ўтказди;

уруғлик етиштирувчи субъектларнинг уруғлик майдонларига борган ҳолда ҳар бир контурдаги уруғлик майдонларида баҳолаш ишларини алоҳида ўтказди ва ҳар бир контур учун навдорлик таҳлил натижаларини электрон тарзда расмийлаштиради;

экин майдони режаси билан ўрганилган ҳужжатлар бўйича экиш ёки хатолар ўрнига экиш учун фойдаланилган уруғликнинг нави, авлоди ёки навдорлик орасида фарқ аниқланганда, ушбу уруғлик экилган майдонда навдорлик сифатини баҳолаш ишлари амалга оширилмаслигини таъминлайди;

муайян навнинг экин турига Қараб меъёрий ҳужжатларда авлодларга белгиланган меъёрлар ва талаблар бўйича апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларини амалга оширади;

уруғлик майдонларида уруғликларнинг ўртача ҳосилдорлигини ҳосил элементлари ва кўчат сонини ҳисоблаш орқали чамалайди, кутилаётган ялпи ҳосил миқдорини ҳамда ундан олинadиган уруғликнинг миқдорини аниқлайди;

илмий муассасалар (лицензиат, патент эгаси) томонидан навандан фойдаланиш ҳуқуқини уруғлик етиштирувчи субъектларга лицензия шартномаси асосида берилган ваколоти асосида уруғлик майдонларида етиштирилган уруғликларни кўпайтириш, навдорлик сифатини баҳолаш ишларини белгиланган тартибда оилалар бўйича алоҳида ўтказди;

баҲолаш жараёнида битта Ғўза навининг иккита авлоди экилган Ҳолат учраганда, энг Қуйи битта авлодга расмийлаштирилишини таъминлайди;

уруҒликларни нав ва авлодлар бўйича жамҒариш, Ҳужжатлаштириш ва уруҒлик тайёрловчи субъектларга топширишда юзага келадиган низоли Ҳолатларнинг бартараф этилишида иштирок этади;

уруҒлик майдонининг ўзида белгиланган тартибда апробация ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҲолаш натижаларини умумлаштиради, олинган маълумотларни белгиланган тартибда ахборот тизимига жойлаштиради;

белгиланган тартибда ахборот тизимига жойлаштирилган маълумотлар ва баҲолаш натижалари юзасидан якуний хулосани Қайд этади Ҳамда жараённи якунлаш учун апробация комиссияси аъзолари ва уруҒлик етиштирувчи субъект ўз имзолари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан тасдиқланишини таъминлайди;

апробация ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҲолаш жараёнида (уруҒлик майдонининг Ҳар бир контуридан тўрт донадан ва олинган намуналарда таҲлил ўтказиш жараёнидан уч донадан фотосуратлар, бир дақиқадан кўп бўлмаган видеолавҲа олади ва ахборот тизимига электрон восита (планшет) ёрдамида уруҒлик майдонининг жойлашуви (локацияси) билан бирга жойлаштиради.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги (Қувасой шаҲар) қишлоқ хўжалиги бўлими, “УруҒчиликни ривожлантириш маркази” ДМ ва Ўзбекистон фермерлар кенгашларининг апробация комиссиясига бириктирилган мутахассисларнинг вазифалари Қуйидагилар:

апробация комиссияси аъзоларини белгиланган муддатларда уруҒлик майдонининг жойлашуви (локацияси) бўйича тўлиқ йиҒилишини таъминлайди;

уруҒлик майдонига экишда сарфланган Қишлоқ хўжалиги экинлари уруҒликларининг бирламчи Ҳужжатлари (экинбоплик хулосаси ёки таҲлил натижаси ва юк хати) билан экилганини тасдиқлайдиган Ҳужжатлар мавжудлигини ва ушбу Ҳужжатлар бўйича экилган навнинг апробация режаси билан мослигини ўрганади;

Ўзбекистон Республикаси Худудида экиш учун тавсия Қилинган Қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилиши мажбурийлиги талаб Қилинган Ҳолларда, давлат реестрига киритилмаган Қишлоқ хўжалиги экинлари навлари экилганини ўрганади;

баҲолаш ишлари бошлангунга Қадар уруғлик майдонларининг Ҳар бир контурини бошқа майдонлардан ажралиб туриши учун белги сифатида уруғлик майдони ҲаҚидаги маълумотлар акс эттирилган дала паспорти мавжудлигини ўрганади;

уруғлик етиштириш ҲуҚуҚига эга бўлиш мажбурийлиги талаб Қилинганда, уруғлик майдонларининг Ҳар бир контури бўйича ўтказилган танлов натижалари ва режалаштирилган экин майдонлари, навлари ва авлодлари экилганини таҲлил Қилади.

19. Ўсимликлар карантини ва Ҳимояси агентлигининг туман (Қувасой шаҲар) бўлими томонидан апробация комиссиясига бириктирилган ўсимликлар Ҳимояси бўйича мутахассиснинг вазифалари Қуйидагилар:

уруғлик майдонларда ўсимликнинг касаллик ва зараркунандаларга биологик ва кимёвий Қарши курашилганлиги тўғрисида маълумотларни таҲлил Қилади;

уруғлик майдонларида карантин объектининг мавжудлиги ва зарарланиш даражасини ўрганади;

уруғлик майдонларида экин турига Қараб касалликлар (Қоракуя, занг, нематода, Қорасон, фузариоз, вилт, гоммоз ва бошҚалар) ва зараркунандалар (хасва, шиллиҚҚурт, куя, шира-трипс, ўргимчаккана, кўсак Қурти ва бошҚалар) мавжудлиги Ҳамда уларнинг ўсимликларга етказган зарарланиш даражасини аниҚлайди;

уруғлик майдонларида заҲарли (туяҚорин, кампирчопон, гелиотроп, споринья ва бошҚалар) ва зарарли (зарпечак, амброзия, какра, ёввойи кунгабоҚар ва бошҚалар) ўсимликларнинг мавжудлигини, зарарлаш даражасини аниҚлайди Ҳамда якуний хулосалар таҚдим этади.

20. Ўзбекистон Фанлар академияси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги тегишли илмий муассасалар томонидан апробация комиссиясига бириктирилган илмий ходимларнинг вазифалари Қуйидагилар:

нав оригинатори томонидан тақдим қилинган нав тавсифномаси асосида уруғлик майдонидаги навнинг морфобиологик белгилари бўйича навга хослигини, унинг тур ва туркумларини чуқур таҳлил қилади;

уруғлик майдонида етиштирилган навнинг биологик ўзгаришлари мавжудлигини аниқлайди;

таҳлил қилиш ва аниқлаш натижалари ҳамда навнинг морфологик кўрсаткичлари билан боғлиқ баҳсли ва низоли ҳолатлар бўйича илмий асосланган хулосалар беради.

21. “Ўзагроинспекция”нинг туман (Қувасой шаҳар) бўлими томонидан апробация комиссиясига бириктирилган мутахассис (назоратчи апробатор)ларнинг вазифалари Қуйидагилар:

апробация комиссияси аъзоларини уруғлик майдонининг жойлашуви (локацияси) бўйича тўлиқ иштирок этишини назорат қилади;

уруғлик майдонида навларнинг навдорлиги ва касалликлар билан зарарланганини аниқлаш учун намуналарнинг тўғри олинганини назорат қилади;

уруғлик майдонида апробация ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари тўғри ўтказилгани, камҳосил ва касалликлар билан зарарланган майдонлар яроқсиз деб топилгани, ҳосилдорлик ва кутилаётган уруғликлар ҳажми тўғри аниқланганини ўрганади;

апробация комиссияси аъзоларининг электрон восита (планшет)лар ва бошқа зарурий воситалар билан таъминланганини ҳамда сифатни баҳолашда юритиладиган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини назорат қилади;

навдорлик сифатини баҳолаш вақтида содир бўладиган барча баҳсли ва низоли масалаларни ҳал этади;

апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари электрон восита (планшет) орқали жойлаштирилгани, баҳолаш натижалари юзасидан якуний хулоса қайд этилгани, баҳолаш ишларини якунлаш учун апробация комиссияси аъзолари ҳамда уруғлик етиштирувчи субъект томонидан имзолари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан “E-ugug’” ахборот тизимида апробация далолатномаси тасдиқланганини назорат қилади.

22. Марказнинг туман (Қувасой шаҳар) бўлими томонидан апробация комиссиясига бириктирилган мутахассис (баҳоловчи апробатор)ларнинг вазифалари қуйидагилар:

уруғлик экин майдонларида ўтказиладиган апробация жараёнида қатнашади, ҳар бир контурдаги уруғлик майдонининг экин турига қараб намуна олиш нуқталарини белгилайди ҳамда намуна танлаб олишни таъминлайди;

уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларини (уруғлик майдонининг ҳар бир контуридан тўрт донадан ва олинган намуналарда таҳлил ўтказиш жараёнидан уч донадан фотосуратлар ҳамда бир дақиқадан кўп бўлмаган видеолар) суратга олади;

нав тавсифномаси ва ўсимликнинг морфологик белгиларига асосан уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашдан (низолари ҳолларда лаборатория генетик (нав) синови) ўтказиши;

барча олинган баҳолаш натижалари, маълумотлар, суратга олинган материаллар ва уруғлик майдони жойлашуви (локацияси)ни электрон восита (планшет) ёрдамида белгиланган тартибда ахборот тизимида жойлаштирилади ҳамда баҳолашнинг ижобий натижалари бўйича навдорлик гувоҳномасини расмийлаштирилади.

23. Уруғлик етиштирувчи субъектлар томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

“E-ugug’” ахборот тизимида асосий уруғликлар (пахта, бошоқли дон ва картошка экинлари) апробациясига оид тегишли ҳужжатларнинг киритилишини таъминлайди;

бошқа уруғликлар (сабзавот, полиз, донли, дуккакли дон, мойли, эфир-мойли, техник, ем-хашак ва бошқалар)нинг навдорлик сифатини баҳолаш

учун ахборот тизими орқали ариза билан мурожаат қилганда, аризага тегишли Ҳужжатларни (экиш олдидан берилган экинбоплик хулосаси, уруғликнинг харид қилингани ҳақидаги Ҳужжатлар ва бошқалар) илова қилади;

уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ва апробация жараёнларига уруғлик майдонларини тайёрлайди;

уруғлик майдонларини контурлар бўйича алоҳида чегарасини белгиловчи уруғлик майдони ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган дала паспортини ўрнатади;

апробация комиссиясининг уруғлик майдонида баҳолаш ишларини амалга ошириш ва синов учун олинган намуналарни баҳолаш учун жой тайёрлайди;

апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларига техник ишларни бажаришда ўз ишчиларини жалб қилади;

апробация жараёнида аниқланган камчиликларни апробация комиссиясининг кўрсатмаси асосида белгиланган муддатларда бартараф қилиш чораларини кўради; апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларида апробация комиссияси билан бирга ўз иштирокиниёки ишончли вакилининг тўлиқ қатнашишини ҳамда баҳолаш ишлари натижаларидан қатъи назар, ўз имзоси (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ахборот тизимида апробация далолатномаси тасдиқланишини таъминлайди.

3. Уруғлик майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

24. Апробация комиссияси томонидан “E-urug’” ахборот тизимига киритилган ёки ариза билан мурожаат қилган уруғлик етиштирувчи субъектларнинг тақдим этган Ҳужжатлари таҳлил қилинади.

Бунда Ҳужжатларда келтирилган маълумотларга уруғлик майдонининг контурлари бўйича умумий ҳолати (гектар ҳисобидаги майдони, ҳимоя (иҳота) оралиқлари сақлангани ва бошқалар) ва белгиланган талабларга жавоб бериши, шунингдек, уруғлик майдонидаги уруғликнинг туркуми, нави, экишдаги авлоди ва бошқа кўрсаткичлар мослиги ўрганилади.

Апробация комиссияси томонидан ўрганиш натижалари ижобий деб топилганда, апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари давом эттирилади.

25. Аprobация комиссияси аъзолари уруғлик майдонининг ҳар бир контурдаги экин майдонида экин турига қараб ўсимлик намуналаридан белгиланган тартибда танлаб олади ҳамда фракция (тур, бошқа ажратиш)лар асосида жойида олинган аprobация ва намуналарда навдорлик сифатини баҳолаш ишлари амалга оширилади.

26. “E-ug“ ахборот тизимида:

уруғлик ғўза майдонлари учун ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ;

бошоқли дон экинларининг уруғлик майдонлари учун ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ;

уруғлик шоли майдонлари учун ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ;

уруғлик картошка майдонлари учун ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ;

маккажўхори ва оқ жўхори экинларининг уруғлик майдонлари учун ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ;

сабзаёт ва полиз экинларининг уруғлик майдонлари учун ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ;

дурагай етиштирилдиган уруғлик майдонлари учун ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ;

бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг (донли, дуккакли дон, мойли, эфир-мойли, техник ва ем-хашак) уруғлик майдонлари учун ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ аprobация далолатномалари шакллантирилади.

Ушбу электрон ҳужжатлардаги маълумотлар тўғрилиги аprobация комиссияси томонидан кўриб чиқилади ҳамда масъул шахсларнинг электрон имзоси орқали аprobация далолатномалари тасдиқланади.

Аprobация далолатномаларининг ижобий натижалари асосида ахборот тизимида ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ автоматик шакллантирилган навдорлик гувоҳномаси тасдиқланган ҳолда уруғлик етиштирувчи субъектларга тақдим қилинади. Салбий натижалар билан қайд этилган аprobация далолатномаларига эса навдорлик гувоҳномаси расмийлаштирилмайди.

27. Апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг наводорлигини баҳолаш натижалари бўйича ахборот тизимларида электрон ҳисобот шакллантирилади.

3-боб. Уруғлик Ғўза майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш

1. Апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолашнинг умумий шартлари

28. Навдорлик сифатини баҳолаш келгуси йил Ғўза экиладиган майдонларни генетик соф, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган уруғлик чигит билан таъминлаш мақсадида, уруғлик Ғўза экиладиган майдонларида Ҳар йили август ойдан бошлаб ўтказилади.

29. Навдорлик сифатини баҳолаш ишлари мулкчилик шаклидан Қатъи назар, уруғлик етиштирувчи субъектларнинг уруғ кўпайтириш кўчатзори (суперэлита), элита, биринчи (R-1), иккинчи (R-2) ва учинчи (R-3) авлодли серҲосил Ғўза майдонларида ўтказилади.

30. Уруғликларнинг наводорликга белгиланган меъёрлар 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал

Наводорлик, камида, фоизда					
Уруғ кўпайтириш кўчатзори авлоди (суперэлита)да	Элита авлодида	Биринчи (R-1) авлодида	Иккинчи (R-2) авлодида	Учинчи (R-3) авлодида	Дурагай авлоди (F₁)да
100	100	99	98	96	96

31. Уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруғликларнинг экишдаги авлодлари (учинчи (R-3) ва дурагай (F₁) авлодлари бундан мустасно) 1-жадвалда Қайд этилган кўрсаткичлар бўйича авлоди мос равишда белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаган Ҳолларда, уруғликларнинг авлоди ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ келадиган Қуйи авлоди бўйича баҳоланади.

Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруғликларнинг экишдаги барча авлодлари 1-жадвалда Қайд этилган кўрсаткичлар бўйича белгиланган энг Қуйи меъёрдан паст натижа билан баҳоланган, шунингдек, карантин аҳамиятидаги касалликлар ва зараркунандалар аниқланган уруғлик майдонлари яроқсиз деб топилади.

Уруғлик пахта хомашёси (техник Қайта ишлаш учун мўлжалланмаган) етиштириш учун камҳосил ва сувдан Қолган, шунингдек, икки ёки ундан ортиқ селекция нави экилган уруғлик майдонлари апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш даврида уруғлик учун яроқсиз деб топилади ҳамда уруғлик ҳисобидан чиқарилишига асос бўлади.

32. Навдорлик сифатини баҳолаш натижаларига кўра, Ғўза навининг софлиги, кутилаётган умумий, уруғлик пахта хомашёси Ҳажми ва ундан олинадиган уруғлик чигитнинг Ҳажми аниқланади. Шунингдек, Ғўзанинг касалликлар билан Қай даражада зарарланганига Қараб, белгиланган меъёрлар бўйича уруғлик учун экилган майдонлар иккита – 1-дала гуруҳи ва 2-дала гуруҳига ажратилади.

33. Районлаштирилган ва янги навларнинг бирламчи уруғлик материалларини уруғлик етиштирувчи субъектлари томонидан етиштириладиган уруғлик пахта хомашёси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган методик Қўлланма (кейинги ўринларда – методик Қўлланма) асосида уруғликнинг Ҳар бир оиласи бўйича алоҳида таҳлил қилинади ва белгиланган меъёрларга жавоб берганда, танлаб олинади.

34. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифати Қуйидагича ўтказилади ва баҳоланади:

районлаштирилган ва истиқболли Ғўза навларининг элита ва кейинги авлодлари экилган уруғликларнинг зарур бўладиган миқдордаги уруғлик майдонларида;

янги навларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ишчи гуруҳларининг ёзма мурожаати асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг рухсати билан зарурий Ҳажмдаги уруғликларга бўлган талабни Қаноатлантириш ва уруғлик чигитни кўпайтириш

Ҳамда ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш учун зарур бўлган миқдордаги майдонларда;

Ўза навининг элита, биринчи, иккинчи ва учинчи авлодли уруғлик чигитни керакли миқдорда тайёрлаш имконияти бўлмай қолган ҳолларда, истисно тариқасида, амалдаги меъерий ҳужжатлар талабига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг рухсати билан районлаштирилган Ўза навларининг тўртинчи (R-4) авлоди етиштирилган майдонларда (нав тозалиги 96 фоиздан кам бўлмаганда).

35. Уруғлик етиштирувчи субъектлар томонидан уруғлик тайёрлаш учун олинган майдонларда шартнома асосида режадаги уруғлик пахта хомашёси териб олиниб топширилгунга қадар, ушбу уруғлик Ўза майдонларида чилпиш (чеканка) ўтказиш ва дефолиация қилиш тақиқланади.

2. Аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишларини ташкил этиш

36. . Қишлоқ хўжалиги вазирлиги аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари бошлангунга қадар, пахта толасига бўлган ички бозор талаби ҳамда пахтачиликни истиқболда ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда Ўза навларини кейинги йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритиш ва уларни навлар бўйича жойлаштириш таклифларини ишлаб чиқади.

37. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ҳамда Марказнинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда:

“E-urug” ахборот тизимига киритилган уруғлик етиштирувчи субъектларида экилган Ўза майдони, нави, экишдаги авлоди ва навдорлик сифатини баҳолаш муддатлари кўрсатилган ҳолда баҳолашни ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

3. Аprobацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

38. Апробация комиссиялари томонидан уруғлик етиштирувчи субъектларда ҳар бир нав ва авлодда контурлар бўйича алоҳида баҳолаш ишлари амалга оширилади.

39. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнида навга хослигини аниқлашга тўсқинлик қилувчи ўсиш шароитларининг кучли таъсирининг олдини олиш мақсадида, чилпиш (чеканка) ишлари уруғлик майдонларида ўсимликнинг биологик ривожланишидан келиб чиқиб, баҳолаш жараёнлари ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

40. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш учун уруғлик майдонининг бир хил ривожланган жойидан бир-биридан камида 20 метр масофа узоқликда жойлашган, Ғўзалар ривожини бир хил бўлган икки қатор параллел равишда танлаб олинади. Ҳар қайси қатордан 100 тупдан яхши ривожланган Ғўза ўсимлиги кўриб чиқилади. Бунда касалланган ҳамда айри шох Ғўзалар ҳисобга олинмайди.

41. Ҳисобга олинган ўсимликлар яхшилаб кўриб чиқилиб, навдорлик сифатини баҳолаш ўтказилаётган навнинг типик, нотипик ва ҳосилсиз ўсимликлар фоизи ҳар бир қатор бўйича алоҳида таҳлил қилинади. Икки қатордан олинган натижаларнинг ўртача арифметик қиймати аниқланаётган уруғлик майдонининг нав тозаллигини белгилайди.

42. Ғўзанинг навдорлигини, аралашмалар таркибини ва ҳосилсиз ўсимликларни аниқлашда асосий морфологик белгилари қуйидагилар:

Ғўза баргининг катта-кичиклиги, шакли, ранги, юзасининг текислиги ёки тўлқинсимонлиги;

бош пояннинг шакли, ранги, туклилик даражаси;

ҳосил шохининг типи ва ўсимлик тупининг шакли;

гултожибаргнинг ранги;

кўсақларнинг катта-кичиклиги, шакли, юзасининг силлиқлиги, тумшуғининг шакли.

Шунингдек, ингичка толали Ғўза навларида юқорида келтирилган белгилардан ташқари гултожибаргининг ранги ва ундаги “антацион” доғларнинг бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

43. Уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолашда Ғўзанинг ўсиш шароити ва бу шароитнинг баҳоланаётган навнинг морфологик белгиларига қандай таъсир кўрсатгани ҳисобга олиниши зарур. Асосий морфологик белгилари билан навга берилган тавсифномадан кескин фарқ қиладиган ўсимликлар, шунингдек, дурагай ва ҳосилсиз ўсимликлар навга хос бўлмаган ўсимликлар қаторига киритилади.

44. Уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолашнинг тўғрилигини текшириб кўриш учун икки жойдан белгилаб олинган параллел равишда танлаб олинган қаторлардаги ўсимликларнинг наводорлик фоизлари ўзаро солиштирилади.

45. Ҳар бир қатордаги биринчи ўсимликка “1” рақами ёзилган, юзинчи ўсимликка эса “100” рақами ёзилган ёрлиқ осиб қўйилади.

Асосий морфологик белгилари нав тавсифномасига тўғри келмаган ўсимликлар тегишли саноқдаги тартиб рақами ёзилган ёрлиқ билан алоҳида белгиланади ва умумий намунадаги ўсимликка нисбатан фоиз ҳисобида уларнинг умумий улуши аниқланади.

46. Намуналардаги наводорлик сифатини баҳолашнинг тўғри ўтказилганини иккита кузатув ўртасидаги фарқдан ажратиш мумкин.

Бунда Ҳар бир намунанинг иккита кузатувдаги нав тозалиги орасида йўл қўйиладиган тафовутлар чеклови:

нав тозалиги 95 – 100 фоиз бўлганда, тафовут кўпи билан 1 фоиз;

нав тозалиги 90 – 94 фоиз бўлганда, тафовут кўпи билан 2 фоиз;

нав тозалиги 90 фоиздан паст бўлганда, тафовут кўпи билан 4 фоиз.

47. Нав тозалигининг икки параллел кузатувдаги тафовути белгиланган чекловлардан юқори бўлганда, қўшимча равишда учинчи қатор танлаб олиниши ва таҳлил ўтказилиши лозим.

Иккита ёки учта кузатувнинг ўртача арифметик қиймати ушбу уруғлик майдонидаги нав тозалигини белгилайди.

48. Ҳар бир нав ва авлод бўйича навдорлик кўрсаткичи яхлит сон ҳолатига келтирилади.

4. Ғўзанинг вилт, гоммоз ва бошқа касалликлар билан зарарланганлик даражасини аниқлаш

49. Барча навдорлиги баҳоланаётган уруғлик майдонларида (кам ҳосил, чанқатиб қўйилган, навдорлиги 1-жадвалда қайд этилган меъёрлардан паст бўлган ва уруғлик тайёрлашга яроқсиз деб топилган майдонлардан ташқари) ўсимликларнинг вертициллёз ёки фузариоз вилт ҳамда гоммоз билан зарарланганлик даражаси аниқланади.

50. Ўсимликларнинг қайси қисми (барги, кўсаги ва бошқалар) гоммоз билан зарарланганидан қатъи назар, умумий зарарланиш ҳисобида ҳамда ҳосил элементларининг (кўсак, гул-мева ёнлиги, кўсак банди) зарарлангани эса алоҳида фоиз ҳисобида аниқланади.

51. Ғўзанинг вертициллёз ёки фузариоз вилт ҳамда гоммоз билан зарарланиш даражаси аниқлаш қуйидаги усуллар орқали аниқланади:

элита ва биринчи авлодли уруғлик экилган уруғлик майдонларининг вертициллёз ёки фузариоз вилт ҳамда гоммоз билан зарарланиш даражаси шахмат усулида намуналар олиш орқали аниқланади, бунда бир гектардаги уруғлик майдонидан ҳар бирида ўнта ўсимликдан иборат ўнта намуна олинади;

иккинчи ва ундан кейинги авлодлар экилган Ғўза майдонларининг ҳар бир гектаридан ўнта ўсимликдан иборат битта намуна олинади.

52. Ғўзанинг вертициллёз ёки фузариоз вилт ҳамда гоммоз ва бошқа касалликлар билан зарарланиш даражаси намунадаги ҳамма ўсимликларда ўрганиш орқали аниқланади.

53. Ҳосил элементларининг гоммоз билан зарарланиш даражаси ҳар қайси намунадаги охириги икки туп ўсимликдаги соғлом ва зарарланган

Ҳосил элементларини (кўсаклар, мева-гул ёнлиги ва мева банди) санаб чиқиш орқали аниқланади.

54. Уруғлик етиштирувчи субъектларда Ғўза бир-биридан алоҳида ажратилган бир неча контурда экилган Ҳолларда, Ҳар Қайси контур учун зарарланиш даражаси алоҳида аниқланади.

55. Ғўзанинг вертициллёз ёки фузариоз вилт ҳамда гоммоз касалликлари билан Қай даражада зарарланганига Қараб, уруғлик майдонлари икки гуруҳга бўлинади:

биринчи гуруҳга – вертициллёз вилт ҳамда гоммоз билан 5 фоизгача зарарланган уруғлик майдонлари киритилади. Ушбу гуруҳга фузариоз вилт ва Ҳосил элементлари гоммоз билан зарарланган уруғлик майдонлари киритилмайди;

иккинчи гуруҳга – фузариоз вилт билан 3 фоизгача, вертициллёз вилт билан 5,1 фоиздан 15 фоизгача, гоммоз билан 5 фоиздан 10 фоизгача ва Ҳосил элементлари 1 фоизгача зарарланган уруғлик майдонлари киритилади.

Уруғлик майдонларида биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи вертициллёз ёки фузариоз вилт ҳамда гоммоз билан зарарланган уруғлик майдонларидан уруғлик пахта жамғаришга рухсат этилмайди. Бундай уруғлик майдонлари яроқсизга чиқарилиб, уруғлик майдони Ҳисобидан чиқарилади.

Ғўза навининг элита, биринчи, иккинчи ва учинчи авлодли уруғлик чигитини керакли миқдорда тайёрлаш имконияти бўлмай Қолган Ҳолларда, истисно тариқасида, амалдаги меъёрий Ҳужжатлар талабига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг рухсати билан районлаштирилган Ғўза навларининг тўртинчи (R-4) авлоди етиштирилган (нав тозалиги 96 фоиздан кам бўлмаган) майдонларда касалликлар билан зарарланиш даражаси бўйича биринчи гуруҳга кирувчи уруғликлар келгусида алоҳида уруғлик тўда сифатида жамғарилишини таъминлаган Ҳолда уруғлик сифатида олиниши мумкин.

5. Кутилаётган Ҳосилдорликни чамалаб Ҳисоблаш (прогноз Қилиш)

56. Уруғлик майдонларида кутилаётган Ҳосилдорлик навдорлик сифатини баҳолаш жараёнида олинган Қатордаги намуналарда сўнгги икки ўсимликдаги кўсақлар сонининг Ҳар бир майдон учун алоҳида ўртача арифметик кўрсаткичи олиниб, олинган натижани иккига бўлиш орқали бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони аниқланади.

57. Ҳар бир майдондаги 1 туп ўсимликдан кутилаётган пахта Ҳосили ушбу майдондаги кўчат сонига кўпайтирилиб, 1 гектардан кутилаётган ялпи Ҳосилдорлик аниқланади.

Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш жараёнида чамалаб Ҳисобланган ялпи Ҳосилнинг 40–45 фоизи уруғлик пахта хомашёсини ташкил этади.

Уруғлик майдонларида кўчат Қалинлиги уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш билан бир вақтда аниқланиши учун баҳолаш учун намуналар олинганда, элита ва биринчи авлодли майдонлардан Ҳар ўнта намунада иккита ва кейинги авлодли майдонлардан Ҳар намуна олинган жойдан биттадан, Қатор ораси 60 см бўлган майдондан 16,6 метрдаги, Қатор ораси 76 см бўлган майдондан 13,1 метрдаги, Қатор ораси 90 см бўлган майдондан 11,1 метрдаги кўчатлар саналади Ҳамда уруғлик майдонидаги ўртача кўчат Қалинлиги саналган кўчатлар арифметик рақамини 1 000 сонига кўпайтирилиб аниқланади.

Масалан, ўртача 80 тупни 1 000 сонига кўпайтиришдан 80 000 туп натижа Ҳосил бўлади.

Дўза навининг R-1 авлоди экилган 8 гектар майдондан олинган 80 туп намунадаги 2 тупнинг ўртача кўсақлари сони 22 донани, кўчат Қалинлиги эса 80 000 тупни ташкил этган Ҳолда аниқланган 22 (дона) сонини 2 (туп) сонига бўлиш орқали бир тупдаги кўсақлар сони 11 донани Ҳамда кўсақнинг ўртача оҒирлиги 4 грамм бўлганда 1 тупдаги Ҳосил миқдори 11 (дона) сонини 4 (грамм) сонига кўпайтириш натижасида 44 граммни ташкил этади.

Бунда 1 гектардаги ялпи Ҳосилни аниқлаш учун кўчат Қалинлиги 80 000 (туп) сонини 1 тупдан кутилаётган Ҳосилга, яъни 44 (грамм) сонига

кўпайтириш орқали 3 520 000 грамм ёки 3 520 кг ёхуд 35,2 центнер натижа келтириб чиқарилади.

Уруғлик пахта ҳажмини аниқлаш учун кутилаётган ялпи ҳосилнинг 40 – 45 фоизи қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\begin{array}{l} \text{Кутилаётган} \\ \text{уруғлик пахта} \end{array} = \frac{35,2 \times 40}{100} = \frac{1408}{100} = 14,08 \text{ ц/га}$$

Бунда:

35,2 – 1 гектардаги ялпи ҳосил, ц/га;

40 – ялпи ҳосилдан кутилаётган уруғлик пахта ҳажмини аниқлаш миқдори, фоиз;

100 – натижани ц/га бирлигига айлантириш коэффициенти.

Ҳисоблаш натижасида олинган 14,08 ц/га яхлитланади ва 1 гектардан кутилаётган уруғлик пахта ҳосилдорлиги 14,1 центнерга тенг бўлади.

58. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш билан бир пайтда зараркунандалар билан зарарланиш даражасини ҳамда айри шох ўсимликлар сони аниқлаш учун бир-биридан камида 20 метр масофада жойлашган параллел икки қатор танлаб олинади. Ҳар қайси қатордан 100 туп ўсимлик санаб чиқилади.

Ушбу санаб чиқилган ўсимликларда асосий ҳосил элементлари зараркунандалар билан зарарланган ва айри шох ўсимликлар сони фоиз ҳисобида аниқланиб, чамалаб ҳисобланган умумий ҳосилдорлик кўрсаткичидан зараркунандалар билан зарарланган ва айри шох ўсимликлар миқдори айрилган ҳолда чамалаб кутилаётган уруғлик пахта ҳосили яқуний ҳисоблаб чиқилади.

6. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш

59. Аprobация комиссияси уруғлик майдонларида ўтказилган аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари якуни бўйича уруғлик етиштирувчи субъектлар кесимида баҳолаш натижаларини электрон тарзда ахборот тизимига жойлаштиради, таҳлил қилади, белгиланган аprobация далолатномаларини расмийлаштиради ва тасдиқлайди.

Ахборот тизимида аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари бўйича туманлар (Қувасой шаҳар) кесимида умумий ҳисобот автоматик тарзда шаклланади ва ахборот тизимидан фойдаланувчиларга кўриш имконини беради.

Бунда аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари асосида ҳар бир уруғлик майдони учун алоҳида аprobация далолатномаси электрон шаклда расмийлаштирилади ва ахборот тизимига жойлаштирилади ҳамда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон шаклда аprobация далолатномаси тузилади.

60. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ишчи гуруҳлари аprobация комиссиялари билан биргаликда аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари асосида уруғлик чигит тайёрлашнинг дастлабки режасига мувофиқ равишда уруғлик тайёрловчи субъектлар бўйича уруғлик пахта ва чигит тайёрлаш режасини ғўза нави ва баҳолашдан сўнг белгиланган авлодлари бўйича тайёрлайди.

61. . Республика ишчи гуруҳи уруғлик пахта хомашёси ва уруғлик чигит тайёрлаш режасини белгилайди ҳамда ҳар йили 1 сентябрдан кечиктирмай ушбу режани Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасига, туман (Қувасой шаҳар) Қишлоқ хўжалиги бўлимига ҳамда уруғлик тайёрловчи субъект (пахта-гўқимачилик корхоналари ва кластерлари, уруғчилик кластерлари, элита ва хусусий уруғчилик хўжаликлари)ларга етказди.

62. Туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими аprobация комиссияси билан биргаликда тақдим этилган уруғлик пахта тайёрлаш режасини уруғлик етиштирувчи субъектларга етказди.

7. Уруғлик пахта хомашёсини териб олиш ва уруғлик тайёрловчи субъектларга топшириш

63. Элита ва кейинги авлодли уруғлик пахта хомашёси териб олинади. Бунда уруғлик пахта хомашёси бир марта (биринчи терим) терилади, пахта терими ҳар туп ғўзада камида 10–12 дона кўсак тўлиқ пишиб очилгандан кейин бошланади.

64. Вертициллёз вилт ёки фузариоз вилт, гоммоз ва бошқа касалликлар билан ҳамда зараркунандалар билан кучли даражада зарарланмаган ўсимликларда пишиб етилган, соғлом кўсакларда тўлиқ очилган пахта уруғлик майдонларининг дала гуруҳлари бўйича алоҳида териб олинади ва уруғлик тайёрловчи субъектларга уруғлик пахта хомашёси сифатида топширилади.

65. Уруғлик пахта хомашёсини йиғиб-териб олишга киришишдан олдин вертициллёз вилт ёки фузариоз вилт, гоммоз ва бошқа касалликлар билан зарарланган уруғлик майдонлари ҳосили алоҳида йиғиб-териб олиниши ҳамда уруғлик тайёрловчи субъектларга техник пахта сифатида топширилиши шарт.

66. Уруғлик пахтанинг намлиги амалдаги давлат стандарти талабларида белгиланган меъёрлардан кўп бўлганда, очиқ майдонда қуёш нури остида қуритган ҳолда белгиланган миқдордаги намлик билан уруғлик тайёрловчи субъектларга топширилиши керак.

67. Юқори сифатли уруғлик тайёрлаш учун уруғлик пахта хомашёси имкон қадар эрта муддатда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида 10 октябрдан кечиктирмай, қолган барча вилоятларда 1 октябргача йиғиб-териб олиниши ва уруғлик тайёрловчи субъектларга топширилиши лозим.

68. Илмий муассаса ва элита уруғчилик хўжаликларида суперэлита ва элита авлоди етиштирилаётган уруғлик майдонларида ғўзанинг ҳар тупида ўрта толали навларда қўл теримида 3–8-ҳосил шохларининг 1-, 2-ўринларидан, ингичка толали навларда 3–13-ҳосил шохларининг тўлиқ пишиб очилган кўсакларидан уруғлик пахта ҳосили териб олиниши керак.

Келгусида териб олинган уруҒлик пахта хомашёси маълум муддат сақлангандан сўнг, уруҒлик тайёрловчи субъектлар томонидан ушбу уруҒликлар фото-сепаратор ускунасида сара уруҒлик олингунга Қадар тозалаш, саралаш ва калибрлаш шарти билан кейинги репродукция уруҒлик майдонларида кўсаклар 60–65 фоиз очилганда махсус терим машиналари ёрдамида уруҒлик пахта Ҳосили териб олиншига рухсат этилади.

69. УруҒлик пахта хомашёсини териш ва тайёрлаш муддатлари Ҳар Қайси Ҳудуд ва уруҒлик етиштирувчи субъектлар бўйича туман (Қувасой шаҲар) Қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан белгиланади.

4-боб. УруҒлик бошоқли дон майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҲолаш

1. Апробацияни ўтказиш ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҲолашнинг умумий шартлари

70. УруҒлик майдонларида апробация ва уруҒликларнинг навдорлик сифатини баҲолаш ишлари ўсимликнинг сут-мум пишиш ва мум пишиш фазаларида ўтказилади.

71. Навдорлик сифатини баҲолаш ишлари мулкчилик шаклидан Қатъи назар, уруҒлик етиштирувчи субъектларнинг кўпайтириш кўчатзори, оригинал, элита, биринчи (РУ-1), иккинчи (РУ-2) ва товар маҲсулот етиштириш учун мўлжалланган репродукция уруҒлар (РУ-т) авлодли серҲосил уруҒлик майдонларида ўтказилади.

УруҒликларнинг навдорлик сифатини баҲолаш уруҒликнинг нав муаллифи тақдим қилган нав тавсифномасида келтирилган морфологик белгилари асосида амалга оширилади.

72. Буғдой, арпа ва сули экинларининг уруҒлик майдонларида Қорақуянинг чанг ва Қаттиқ тури билан зарарланиш бўйича меъёрлари 2-жадвалда келтирилган:

2-жадвал

Экин тури	Чанг Қорақуя / Қаттиқ Қорақуя, кўпи билан, фоиз
------------------	--

	Кўпайтириш кўчатзори ва оригинал уруфларда	Элита уруфларда	Репродукция уруфлар (РУ-1, РУ-2)да	Товар маҳсулот етиштириш учун репродукция уруфлар (РУ- т)да
Буғдой	0 / 0	0,1 / 0	0,3 / 0,1	0,5 / 0,3
Арпа	0 / 0	0,1 / 0	0,3 / 0,3	0,5 / 0,5
Чанг Қоракуя, кўпи билан, фоиз				
Сули	0	0,1	0,3	0,5

Изоҳ. “0” (нол) белгиси ушбу ва бошқа жадвалларда “Йўл қўйилмайди” белгисини билдиради.

73. Уруфликларнинг нав тозалигига белгиланган меъёрлар 3-жадвалда келтирилган:

3-жадвал

Экин тури	Нав тозалиги, камида, фоизда				
	Кўпайтириш кўчатзорлари (оилалари бўйича)да	Оригинал уруфларда	Элита уруфларда	Репродукция уруфлар (РУ-1, РУ-2)да	Товар маҳсулот етиштириш учун репродукция уруфлар (РУ- т)да
Буғдой	100	99,7	99,7	98,0	95,0
Арпа	100	99,7	99,7	98,0	95,0
Сули	100	99,7	99,7	98,0	95,0
Тритикале	100	99,5	99,2	98,0	95,0
Тариқ	100	99,8	99,8	99,5	98,0

74. Апробация ва уруфликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруфликларнинг экишдаги кўпайтириш кўчатзори, оригинал ва элита авлодлари 2 ва 3-жадвалларда келтирилган кўрсаткичлар

бўйича авлоди мос равишда белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаган ҳолларда, уруғликларнинг авлодлари ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ келадиган Қуйи авлоди бўйича баҳоланади.

Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, 2 ва 3-жадвалларда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланган энг Қуйи меъёрдан паст натижа аниқланган уруғликлар яроқсиз деб топилади.

75. Уруғликларнинг ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси 2 фоиздан ҳамда ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимликлар билан ифлосланиш даражаси 3 фоиздан юқори бўлганда, уруғлик майдонлари яроқсиз деб топилади.

2. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишларини ташкил этиш

76. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўзагроинспекция” билан биргаликда апробация бошлангунга қадар, бошоқли донга бўлган ички бозор талаби ҳамда Ғаллачиликни истиқболда ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда бошоқли дон навларини кейинги йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган Қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритиш ва уларни навлар бўйича жойлаштириш таклифларини ишлаб чиқади.

77. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, “Уруғчиликни ривожлантириш маркази”нинг таркибий тармоқлари ҳамда Марказнинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда:

“E-cug‘” ахборот тизимига киритилган ёки ариза билан мурожаат қилган уруғлик етиштирувчи субъектларда экилган бошоқли дон майдони, нави, экишдаги авлоди ва навдорлик сифатини баҳолаш муддатлари кўрсатилган ҳолда баҳолашни ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

3. Апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

78. Уруғлик етиштирувчи субъектларнинг кўпайтириш кўчатзори, оригинал ва элита авлодлардан бири экилган уруғлик майдонининг ҳар бир контуридан иккита диагонали белгилаб олиниб, шу диагоналларнинг ҳар бири геометрик тўғри чизиқ бўйлаб 150 тадан умумий иккита намуна олиш нуқтаси ранг бериш ёки рангли тасма ёрдамида ажратиб олиш орқали белгиланади.

Ҳар бир белгиланган нуқтадан 10 тадан кам бўлмаган ўсимликлар олинади. Бунда умумий ўсимлик намуналари сони 1 500 тадан кам бўлмаган иккита параллел равишда намуна (боғлам)лар тайёрланади ва алоҳида баҳолаш ўтказилади.

79. Уруғлик етиштирувчи субъектларнинг кейинги репродукция уруғлари (РУ-1 ва РУ-2 авлодди) экилган уруғлик майдонининг ҳар бир контуридан катта диагонали белгилаб олиниб, шу битта диагонал геометрик тўғри чизиқ бўйлаб 150 та намуна олиш нуқтаси ранг бериш ёки рангли тасма ёрдамида ажратиб олиш орқали белгиланади.

Ҳар бир нуқтадан 10 тадан кам бўлмаган ўсимликлар олинади. Бунда умумий ўсимликлар сони 1 500 тадан кам бўлмаган битта намуна (боғлам) тайёрланади.

80. Уруғлик майдонларининг ҳар бир контурида диагонал бўйлаб 150 та нуқтада ўсимликлардан ажралиб турувчи ёрқин ранг (қизил ва бошқалар) бериш (сепиш) ёки рангли тасма (лента) ёрдамида 10 тадан кам бўлмаган ўсимликларни бошқаларидан ажратиб олиш орқали намуна олиш жойлари махсус белгиланади ва апробация комиссияси томонидан айнан шу жойлардан намуна (боғлам)лар олинади.

81. Боғламларнинг ҳар бирига намуна олинган уруғлик майдонининг ўзида иккитадан ёрлиқ ёзиб боғланади. Ёрлиқларнинг бири намунанинг ички томонига ва иккинчиси эса намунанинг ташқи томонига боғлаб қўйилади ҳамда ушбу намуна олинган куннинг ўзида тўлиқ баҳолашдан ўтказилади.

82. Апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижаларига асосан, кузги ва баҳорги буғдой, арпа, сули ҳамда тритикале

экинларининг уруғлик майдонларидан олинган намуналар Қуйидаги фракцияларга ажратилади:

1-фракция – апробация Қилинаётган навнинг яхши ривожланган соғлом ўсимликлари;

2-фракция – апробация Қилинаётган навга аралашган бошқа нав ва тур ўсимликлари;

3-фракция – ажратилиши Қийин бўлган маданий ўсимликлар (кузги буғдойда – жавдар, арпа, баҳорги буғдойда – арпа, арпада – буғдой, сули, сулида – арпа);

4-фракция – ажратилиши Қийин бўлган бегона ўтлар (буғдойда – мохобел, татар маржумаги, беданабош бегона ўти, тухмак, бўтакўз, арпа ва сулида – Қоракўза, Қилсимон сули, арпада – тухмак, ёввойи турп, тариқда – кўк ит-Қўноқ, Ғумай);

5-фракция – энг хавфли (карантин аҳамиятидаги) бегона ўтлар билан ифлосланиши (какра, амброзия ва зарпечакнинг барча турлари, ёввойи кунгабоқар, бурган);

6-фракция – зарарли бегона ўтлар билан ифлосланиши (Ғумай, тухмак, пиёзўт, печак, буғдойиқ, бўзтикан, бақажўхори, Қоракўзалар);

7-фракция – заҳарли бегона ўтлар билан ифлосланиши (кампирчопон ва туяқорин);

8-фракция – асосий экиннинг касалланган (чанг Қоракуя, Қаттиқ Қоракуя, спора шохчалари ва бошқа) ва зараркунандалар (хасва, Ғалла поя арракаши ва бошқалар) билан зарарланган ўсимликлари;

9-фракция – асосий экиннинг яхши ривожланмаган ўсимликлари.

83. Олинган намуналарда карантин аҳамиятидаги зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар аниқланганда, ушбу уруғлик майдони яроқсиз деб топилади.

Ушбу уруғлик майдони карантин ҳудуди деб белгиланиб, белгиланган тартибда чоралар кўрилади ҳамда бундай уруғлик майдонларида

етиштирилган уруғликлардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

84. Уруғликларнинг навдорлик сифати кўрсаткичи 1-фракциядаги асосий навнинг яхши ривожланган соғлом ўсимликлар сонининг 1 ва 2-фракциялар йиғиндисига нисбати бўйича аниқланади.

85. Ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси 4-фракциядаги бегона ўтлар сонининг 1, 2 ва 4-фракциялар йиғиндисига нисбати бўйича аниқланади.

Ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимликлар билан ифлосланиш даражаси 3-фракциядаги ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимликлар сонининг 1, 2 ва 3-фракциялар йиғиндисига нисбати бўйича аниқланади.

86. Олинган ҳар бир намунада ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимликларнинг аралашмаси 3 фоиздан ҳамда ажратилиши қийин бўлган бегона ўтларнинг аралашмаси 2 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим.

87. Олинган намуналар 5, 6, 7 ва 9-фракциялардаги ўсимликлар сони дона ҳисобида аниқланади.

88. Қорақуя касаллиги билан зарарланиш даражаси 8-фракциядаги Қорақуянинг чанг ва қаттиқ тури бўйича алоҳида касалланган ўсимликлар сонининг 1, 2 ва 8-фракциялар йиғиндисига нисбати бўйича аниқланади.

4. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашда олинган намуна (боғлам)ларни таҳлил қилиш

89. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашда юмшоқ буғдой экини бўйича олинган намуна таҳлил қилинади:

а) танлаб олинган намунада фракциялар бўйича қуйидагилар аниқланади, мисол тариқасида:

1-фракция бўйича навнинг асосий ўсимликлар сони – 1 387 та;

2-фракция бўйича бошқа нав ва турга мансуб ўсимликлар сони – 33 та (эритроспермум – 7 та, ферругинеум – 7 та, грекум – 11 та, қаттиқ буғдой – 8 та);

3-фракция бўйича ажратилиши Қийин бўлган маданий ўсимликлар сони – 31 та (арпа – 27 та ва жавдар – 4 та);

4-фракция бўйича ажратилиши Қийин бўлган бегона ўтлар сони – 11 та (татар маржумаги – 3 та, тухмак – 6 та ва беданабош бегона ўти – 2 та);

5-фракция бўйича энг хавfli (карантин аҳамиятидаги) бегона ўтлар сони – 2 та (зарпеча – 2 та);

6-фракция бўйича зарарли бегона ўтлар сони – 13 та (Ғумай – 4 та, печак – 6 та, буҒдойиқ – 2 та, бўзтикан – 1 та);

7-фракция бўйича заҳарли бегона ўтлар – учрамади;

8-фракция бўйича Қорақуя билан касалланган ўсимликлар сони – 7 та (чанг Қорақуя – 4 дона, Қаттиқ Қорақуя – 3 дона);

9-фракция бўйича асосий экиннинг яхши ривожланмаган ўсимликлари сони – 23 та;

б) уруғликнинг нав тозалиги Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{нав} \\ \text{тозалиги} \end{array} = \frac{1\ 387 \times 100}{1387+33} = \frac{138700}{1420} = 97,7 \text{ фоиз}$$

Бунда:

1 387 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

33 – бошқа нав ва турларга мансуб ўсимликлар сони;

в) ажратиб олинishi Қийин бўлган маданий ўсимликлар билан ифлосланиш даражаси Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{ажратиб} \\ \text{олинishi} \\ \text{Қийин бўлган} \end{array} = \frac{31 \times 100}{1387+33+31} = \frac{3100}{1451} = 2,1 \text{ фоиз}$$

маданий
ўсимликлар
Бунда:

31 – ажратиб олиниши Қийин бўлган маданий ўсимликлар сони;

100 – фоизга айлангириш коэффициенти;

1 387 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

33 – бошқа нав ва турларга мансуб ўсимликлар сони;

г) ажратиб олиниши Қийин бўлган бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{ажратиб} \\ \text{олиниши} \\ \text{Қийин бўлган} \\ \text{бегона} \\ \text{ўтлар} \end{array} = \frac{11 \times 100}{1387+33+11} = \frac{1100}{1431} = 0,8 \text{ фоиз}$$

Бунда:

11 – ажратиб олиниши Қийин бўлган бегона ўтлар сони;

100 – фоизга айлангириш коэффициенти;

1 387 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

33 – бошқа нав ва турларга мансуб ўсимликлар сони;

д) уруғликлар таркибида аниқланган карантин аҳамиятидаги энг хавфли бегона ўтлардан зарпечакнинг номи ва миқдори дона ҳисобида 2 та деб қайд этилади;

е) уруғликлар таркибида аниқланган зарарли бегона ўтларнинг номлари ва миқдори дона ҳисобида қайд этилади, мисол тариқасида:

Ғумай – 4 та, печак – 6 та, буғдойиқ – 2 та, бўзтикан – 1 та;

ж) уруғликлар таркибида заҳарли бегона ўтлар учрамаганда, “учрамади” деб қайд этилади;

з) уруғликларнинг чанг Қорақуя билан зарарланиш даражаси Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{Чанг Қорақуя} \\ \text{билан} \\ \text{зарарланиш} \end{array} = \frac{4 \times 100}{1\ 387+33+4} = \frac{400}{1424} = 0,3 \text{ фоиз}$$

Бунда:

4 – чанг Қорақуя билан зарарланган ўсимликлар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициентини;

1 387 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

33 – бошқа нав ва турларга мансуб ўсимликлар сони;

и) уруғликларнинг қаттиқ Қорақуя билан зарарланиш даражаси Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{Қаттиқ} \\ \text{Қорақуя билан} \\ \text{зарарланиш} \end{array} = \frac{3 \times 100}{1\ 387+33+3} = \frac{300}{1423} = 0,2 \text{ фоиз}$$

Бунда:

3 – чанг Қорақуя билан зарарланган ўсимликлар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициентини;

1 387 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

33 – бошқа нав ва турларга мансуб ўсимликлар сони;

к) асосий экиннинг яхши ривожланмаган ўсимликлар сони дона (та) ҳисобида аниқланади ва натижа 23 та деб қайд этилади.

Олинган натижалар асосида апробация далолатномаси тузилади.

5. Уруғлик майдонларида кутилаётган ҳосилдорликни чамалаб (прогноз қилиб) ҳисоблаш

90. 90. Уруғлик майдонининг диагонали бўйлаб бешта жойидан Ҳар бири 1 м² ўлчамдаги майдончадаги бошоқлар сони алоҳида Ҳисоблаб чиқилади.

Мисол учун, махсус ўлчагичда 1 м² майдончадаги бошоқлар сони 450 дон ва битта бошоқдаги дон 35 дон бўлганда, олинган 450 сонини 35 сонига кўпайтириш орқали жами 15 750 та дон сони аниқлаб олинади.

Уруғликнинг навига қараб 1 000 дон дон оғирлиги 36 грамм бўлганда, 1 гектардаги Ҳосилдорлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\chi = \frac{15\,750 \times 36}{10\,000} = \frac{567\,000}{10\,000} = 56,7 \text{ ц/га}$$

Бунда :

χ – 1 гектардаги ўртача Ҳосилдорлик центнер Ҳисобида;

15 750 – махсус ўлчагичда аниқланган 1 м² даги донлар сони;

36 – 1 000 дон дон оғирлиги, грамм;

10 000 – 1 гектарнинг м² даги Ҳисоби.

6. Аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш

91. Аprobация комиссияси томонидан уруғлик майдонларида ўтказилган аprobация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари ахборот тизимига жойлаштирилади, таҳлил қилинади, баҳолашнинг ижобий (яроқли) ёки салбий (яроқсиз) натижалари асосида Ҳар бир нав ва авлодли уруғлик майдони учун алоҳида ушбу Низомга [4-иловага](#) мувофиқ аprobация далолатномаси тузилади.

Аprobация далолатномаси аprobация комиссияси аъзолари ва уруғлик етиштирувчи субъектнинг раҳбари томонидан ўз имзолари билан тасдиқланади.

92. БаҲолаш ишлари яқунлангандан сўнг, намуналардаги ёрлиққа уруғлик етиштирувчи субъект номи ва раҳбарининг исми-шарифи, контур рақами, экин майдони, экин тури, авлоди, ўтмишдош экин, бегона ўт билан ифлосланиш даражаси, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиш даражаси, майдоннинг ўртача ҳосилдорлиги, намуна олинган сана, нав тозаллиги, апробация далолатномасининг рақами ва санаси ёзилади ҳамда апробация комиссияси аъзолари ўз имзолари билан тасдиқлайди.

93. Ахборот тизимида апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари бўйича туманлар (Қувасой шаҳар) кесимида умумий ҳисобот автоматик тарзда шаклланади ва ахборот тизими фойдаланувчиларига кўриш имкони яратилади.

94. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ишчи гуруҳлари апробация комиссиялари билан биргаликда апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижалари асосида уруғлик бошоқли дон тайёрлашнинг дастлабки режасига мувофиқ равишда уруғлик тайёрловчи субъектлар бўйича уруғлик бошоқли дон тайёрлаш режасини нави ва баҳолашдан сўнг белгиланган авлодлари бўйича тайёрлайди.

95. Республика ишчи гуруҳи уруғлик бошоқли дон тайёрлаш режасини белгилайди ҳамда ҳар йили 20 июндан кечиктирмай ушбу режани Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасига, туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимига ҳамда уруғлик тайёрловчи субъектларга етказди.

96. Туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими апробация комиссияси билан биргаликда тақдим этилган уруғлик бошоқли дон тайёрлаш режасини уруғлик етиштирувчи субъектларга етказди.

7. Уруғлик бошоқли донлар ўрим-йиғими ва уларни уруғлик тайёрловчи субъектларга топшириш

97. Уруғлик майдонлар учун ажратилган ўрим отрядларида ўриш комбайнлари ва автотранспортлар товар ёалла майдонларини ўриш ишларига жалб қилинмайди.

Уруғлик майдонларида ўрим-йиғим жараёнида уруғ сифати бузилиши, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди.

98. Уруғлик ўриш отрядлари бир уруғлик майдонидан иккинчи уруғлик майдонига ўтганда (бир селекция навидан бошқа селекция навига ёки муайян авлодли уруғликдан бошқа авлоддаги уруғликларга ўтишда) навлар ва авлодлар ўзаро аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши ҳамда ўриш комбайнларининг барча қисмлари дон қолдиқларидан тўлиқ тозаланиши талаб этилади.

99. Уруғлик ўриш отрядларига бириктирилган ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларининг олдинги дон қолдиқларидан тўлиқ тозаланишини таъминлаш лозим.

100. Уруғлик майдонининг дала четлари товар дон учун ўриб топширгандан сўнг уруғлик майдонида уруғлик сифатида бошоқли донлар ўрилади.

5-боб. Уруғлик шоли майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

1. Апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашнинг умумий шартлари

101. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари бошланишидан олдин уруғлик етиштирувчи субъект уруғлик шоли экилган майдонларнинг нав ва авлодлари бўйича рўйхатини илова қилган ҳолда ариза билан ахборот тизими орқали мурожаат қилади.

102. Уруғлик етиштирувчи субъект томонидан уруғлик майдонларида нав тозалаш ишлари икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич – уруғликнинг сут пишиш даврида;

иккинчи босқич – ҳосилни ўрим-йиғимидан (уруғликлар ётиб қолмасдан) олдин ўтказилади.

103. Уруғлик майдонида бегона ўтлар билан ифлосланганлик белгиланган меъёрдан ортиқ бўлганда, бу уруғлик майдони бегона ўтлардан ва ажратиб олиниши қийин бўлган маданий ўсимликлардан тозалаш

учун аниқ муддат кўрсатилган ҳолда уруғлик етиштирувчи субъектга тавсия ҳамда кўрсатмалар берилади.

104. Уруғлик етиштирувчи субъект апробация комиссияси аъзоларини уруғлик майдонида баҳолаш жараёнларини амалга ошириши учун махсус кийимлар, этиклар ва бошқа ёрдамчи воситалар билан таъминлайди.

105. Уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш уруғликнинг наводорлик тақдим қилган наводорлик сифатномасида келтирилган морфологик белгилари асосида амалга оширилади.

106. Уруғликларнинг айрим сифатларига белгиланган меъёрлар 4-жадвалда келтирилган:

4-жадвал

Кўпайтириш кўчатзори ва оригинал уруғларда	Оригинал уруғларда	Элита уруғларда	Репродукция уруғлар (РУ-1, РУ-2)да	Товар маҳсулот етиштириш учун репродукция уруғлар (РУ-т)да
Наводорлиги, камида, фоизда				
100	99,8	99,5	98,0	97,0
Қизил донли шакллари мавжуд ўсимликлар аралашмаси, кўпи билан, фоизда				
0	0	0	0,5	1,0
Қорақуя билан зарарланганлиги, кўпи билан, фоизда				
0	0	0	0	0

107. Апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруғликларнинг экишдаги оригинал, элита ва репродукция авлодлари 4-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича авлоди мос равишда белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаган ҳолларда, уруғликларнинг авлодлари ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ келадиган қуйи авлоди бўйича баҳоланади.

Апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, 4-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланган энг қуйи меъёрдан паст натижа аниқланган уруғликлар яроқсиз деб топилади.

108. Уруғлик майдонларида қуйидагилар аниқланганда яроқсиз деб топилади ва ушбу уруғлик майдонларидан уруғлик олиш тақиқланади:

экин майдонлари пирикуляриоз ҳамда фузариоз касалликлари билан 10 фоиздан кўп миқдорда зарарланганда;

ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар билан 3 фоиздан кўп, ажратилиши қийин бўлган ўсимлик турлари билан 5 фоиздан кўп даражада ифлосланганда.

2. Уруғлик майдонларининг бегона ўтлар билан ифлосланганини аниқлаш

109. Уруғлик майдонида бегона ўтларнинг бўлиши уруғликларнинг ҳосилдорлигини 8–10 фоизгача камайтириб, дон ҳосилининг сифат кўрсаткичларини кескин пасайтиришини инобатга олиб, уруғлик майдонининг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражаси аниқланади.

Бунда уруғлик майдонини бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасини аниқлаш учун бегона ўтларни санаш, санаб-тортиш ва кузатиш усули қуйидагича тартибда амалга оширилади:

саноқли ҳисоблаш уруғлик майдонининг диагонали бўйлаб бир-бирига тенг масофадаги майдонни кузатиш орқали бегона ўтлар квадрат шаклида ясалган тўрт бурчакли (0,25 м², 0,5 м², 1 м²) рамка қўйилиб, уларнинг ичидаги бегона ўтлар турлари бўйича алоҳида сонини санаш орқали аниқланади;

Ҳар бир уруғлик майдонида 5–10 та ҳисоб майдонча (квадрат, нуқталар)ларда саналади. Уруғликнинг 1 м² майдондаги бегона ўтлар сонига асосланган ҳолда 1 гектар майдондаги бегона ўтларнинг ўртача сони ҳисоблаб чиқилади;

кўп йиллик ўтлар майдончаларда турларга ажратилиб саналади ва ҳўл ҳолатидаги вазни аниқланади ҳамда бегона ўтлар илдиз бўғинидан ажратилиб, ҳар бир қисми алоҳида тортилади;

кўп йиллик бегона ўтлар билан зарарланган уруғлик майдонларида ҳисоб майдончалари ажриқ, қамиш, чирмовиқ, ғумай босган ерлардан танланади ва ажриқни ҳисоблаш унинг тарқалган жами майдони ўлчаниб, 3 балли даража бўйича баҳоланади;

далани Ғумай ёки чирмовиқ босганда 1 м² майдондаги уялар сони Ҳисобланади.

110. Уруғлик майдонларида бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўт турлари, миқдорини аниқлаш ва баҳолаш Қуйидаги 5-жадвалда келтирилган:

5-жад

Бир йиллик бегона ўтлар, дона, м ²	Кўп йиллик бегона ўтлар, дона, м ²			Ўт босганлик, балл	Ўт босганлик даражаси	Уруғлик тозалиги баҳолаши
	чирмовиқ уя, салом-алайкум	Ғумай	ажриқ			
20 дан кам	3 гача	0	25 гача	1	кучсиз	яхши
21 дан 80 гача	4 дан 10 гача	4–10	100 дан кўп	2	ўртача	Қониқарл
80 дан кўп	10 дан кўп	10 дан кўп	200 дан кўп	3	кучли	Қониқарс

111. Кўп йиллик бегона ўтлар илдизпоялари сони тупроқнинг 0–10,10–20 ва 20–40 см даги қатламларини ковлаб олиб аниқланади.

112. Бегона ўтлар тўп бўлиб ўсган (ажриқ, Ғумай, Қамиш) ердан 0,25 м² майдонча танланиб, илдизлар ковлаб олинади, тупроқдан ажратилади ва тортилади. Тўданинг ҳар 200 м² майдонидан бештадан намуна олинади ва чуқурлиги бўйича илдизпояларнинг ўртача вазни аниқланади.

Илдизбачкисимон (какра, бўзтикан, Қўйпечак, балиқкўз) ва илдизпояли (Қамиш, ажриқ, Ғумай) бегона ўтлар катта майдонда мавжуд бўлганда, улар орасидаги бир йиллик бегона ўтлар сонидан қатъи назар, уруғлик майдонининг ўт босганлиги 3 балл билан баҳоланади.

113. Уруғлик майдонларида бегона ўтлар билан ифлосланганлик 3 балл даражада баҳоланганда, ушбу уруғлик майдонларини бегона ўтлардан тозалаш имкони бўлмаганлиги сабабли яроқсиз деб топилади.

3. Уруғликларда учрайдиган касалликларни аниқлаш

114. Уруғликнинг энг хавfli касаллиги – пирикуляриоз касаллиги билан зарарлангани, аниқлаш асосан рўвак чиқариш даврида аниқланади. Касаллик уруғлик майдонларининг жойлашувига, Ҳудудларнинг иқлим шароитига, экиш агротехникаси ва шоли навларининг хусусиятларига қараб турли муддатларда кузатилиши мумкин.

Уруғликларнинг пирикуляриоз касаллиги билан зарарланганини аниқлаш учун энг қулай давр гуллаш (июль ойининг учинчи, август ойининг биринчи ўн кунлиги) даври ҳисобланади.

115. Пирикуляриоз ва фузариоз касалликлари аниқланган уруғлик майдони диагонал бўйлаб ўн жойдан 10 тадан ўсимлик намунаси олинади. Ушбу намуналарда касалликлар билан зарарланган уруғликлар фоизи, касаллик ривожининг интенсивлиги аниқланади.

116. Оқ бошоқ касаллиги ўчоқларини аниқлаш учун ўтказилган баҳолаш жараёнларида бир неча йил давомида сурункасига шоли экилиб келинаётган майдонларга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Баҳолаш ишлари (рўваклаш даврида) касалликнинг ташқи аломатлари яққол кўзга ташланган вақтда ўтказилади.

117. Уруғликларнинг касалликлар билан зарарланиш даражаси қуйидаги балли шкала бўйича таҳлил қилинади:

0 – касалликлар билан зарарланиш мавжуд эмас;

0,1 – касалликлар билан зарарланиш даражасининг ташқи аломатлари бўйича доғлар жуда кам, ҳар бир ўсимликда 5 тадан ошмайди (шартли зарарсиз ҳисобланади);

1 – ўсимликлар ерусти қисми (яшил юзаси)нинг касалликлар билан зарарланиш даражасининг ташқи аломатлари бўйича доғ билан қопланиши ҳар бир ўсимликда 10 фоиздан ошмайди;

2 – ўсимликлар ерусти қисми (яшил юзаси)нинг касалликлар билан зарарланиш даражасининг ташқи аломатлари бўйича 10–25 фоизи доғ билан қопланган;

3 – касалликлар билан зарарланган жой ўсимликлар ерусти Қисми (яшил юзаси)нинг 25 фоиз ва ундан кўп Қисмини ташкил этади;

4 – касалликлар билан зарарланиш натижасида ўсимликлар Қуриган.

118. Уруғликлар най ўраган даврда текширилганда, уруғликнинг рўвак Ҳолати Ҳам аниқланади.

Уруғликлар (ўсимлик) баргларининг зарарланишига боғлиқ бўлмаган Ҳолларда уруғликларда пуч донлар жуда кам бўлганда, зарарланиш даражаси 1 балл деб баҳоланади.

Пуч донлар 50 фоизгача бўлганда 2 баллгача, пуч донлар 75 фоизгача бўлганда 3 балл, бўш рўваклар эса 4 балл деб баҳоланади.

119. Зарарланиш фоизи касалликлар билан зарарланган уруғликнинг ўсимликлари сонига нисбатан аниқланади, касалликнинг интенсив ривожланиши Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R = \frac{A + B \times 100}{B \times 4}$$

Бунда:

R – аниқланаётган касалликнинг интенсив ривожланиш улуши, фоиз;

A+B – баллар йиғиндиси жами ўсимликлар сонини касалликлар билан зарарланиш даражаси баллини кўпайтириш орқали топиладиган миқдор;

B – ҳисобга олинган ўсимликлар сони;

4 – касалликлар билан зарарланиши натижасида ўсимликнинг ерусти Қисми (яшил юзаси)нинг доғ билан Қопланиши жуда кучли.

4. Уруғлик майдонларида уруғликларнинг ётиб (эгилиб)

Қолиш даражасини аниқлаш

120. Уруғликларнинг ётиб Қолганини аниқлаш муҳим аҲамиятга эга бўлиб, уларнинг ётиб Қолиш даражаси 5 баллик даражада аниқланади:

5 балл – ўсимликларнинг Ҳаммаси тик ўсган;

4 балл – ўсимликлар кам миқдорда ётиб қолган (баъзи жойларда);

3 балл – ўсимликлар ўртача ётиб қолган (ўсимликлар 45⁰ даража эгилган);

2 балл – ўсимликларнинг жуда кўп қисми ётиб қолган (ҳосилни комбайнда ўриб-йиғиш жуда қийин);

1 балл – ўсимликларнинг жуда кўп қисми ётиб қолган (ҳосилни комбайнда ўриб-йиғишнинг имкони йўқ).

121. Уруғликларнинг ётиб қолганлиги 1 балл ва 2 балл деб аниқланганда, ушбу уруғлик майдонлари апробация ўтказилмасдан яроқсиз деб топилади ва алоҳида ёзув билан апробация далолатномасида қайд этилади.

5. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

122. Апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш учун уруғлик тўлиқ пишиш бошланиши даврида уруғлик майдонида диагонали бўйлаб, уруғлик майдон шакли бошқача шаклда бўлганда, энг узун диагонали бўйича намуналар олинади.

Кўпайтириш кўчатзори, оригинал ва элита уруғлиги олиш учун экилган уруғлик майдонларида 50 гектаргача бўлган майдонлардан ҳар бир намунада ўсимликлар ўртача 1 500 тадан кам бўлмаган 2 та, биринчи ва кейинги авлодли уруғликлар етиштириладиган уруғлик майдонларда 100 гектаргача бўлган майдондан диагонал бўйича ўнта жойидан ўсимликлар 1 500 тадан кам бўлмаган битта намуна олинади.

Намуналар ҳар хил нав экилган уруғлик майдонларининг ҳар бир контуридан ва ҳар бир нави ва авлодидан алоҳида олинади.

123. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашда олинган намуна таҳлил қилинади ва қуйидаги фракцияларга ажратилади:

1-фракция – навнинг асосий ўсимликлари;

2-фракция – бошқа тур ва навга мансуб ўсимликлар;

3-фракция – навнинг асосий ўсимликларидаги қизил донли ўсимликлар;

4-фракция – энг хавfli ва зарарли бегона ўтлар (курмак – *Echinochloa phyllopogon* Stapf ex Kossenko (*Echinochloa oryzoides*), шамак – *Echinochloa crus-galli* (L) ва ёввойи шоли – *Leersia oryzoides* (L) SW);

5-фракция – асосий навнинг пирикуляриоз, Қоракуя ва нематода билан касалланган ўсимликлари;

6-фракция – асосий навнинг яхши ривожланмаган ўсимликлари.

124. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашда олинган намуна таҳлил қилинади:

а) танлаб олинган намунада фракциялар бўйича қуйидагилар аниқланади, мисол тариқасида:

навнинг асосий ўсимликлари сони – 1 350 та;

бошқа тур ва навга мансуб ўсимликлар сони – 19 та (дихроа – 2 та, италика – 3 та, субвульгарис – 5 та);

навнинг асосий ўсимликларида қизил донли ўсимликлар сони – 7 та;

энг хавfli ва зарарли бегона ўтлар сони – 92 та;

Қоракуя билан касалланган ўсимликлар сони – 3 та;

асосий навнинг яхши ривожланмаган ўсимликлари сони – 30 та;

б) нав тозалиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{нав тозалиги} = \frac{1350 \times 100}{1350+19} = \frac{135000}{1369} = 8,6 \text{ фоиз}$$

Бунда:

1 350 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

19 – бошқа тур ва навларга мансуб ўсимликлар сони;

в) навнинг асосий ўсимликларида Қизил донли ўсимликлар мавжудлиги Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\frac{\text{навнинг асосий ўсимликларида Қизил донли ўсимликлар}}{1350+19+7} = \frac{7 \times 100}{1376} = \frac{700}{1376} = 0,5 \text{ фоиз}$$

Бунда:

7 – навнинг асосий ўсимликларида Қизил донли ўсимликлар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

1 350 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

19 – бошқа тур ва навларга мансуб ўсимликлар сони;

г) энг хавfli ва зарарли бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\frac{\text{энг хавfli ва зарарли бегона ўтлар}}{1350+19+92} = \frac{92 \times 100}{1461} = \frac{920}{1461} = 0,6 \text{ фоиз}$$

Бунда:

92 – энг хавfli ва зарарли бегона ўтлар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

1 350 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

19 – бошқа тур ва навларга мансуб ўсимликлар сони;

д) уруғликларнинг Қорақуя билан зарарланиш даражаси Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\frac{\text{Қорақуя билан зарарланиш}}{1350+19+3} = \frac{3 \times 100}{1372} = \frac{300}{1372} = 0,2 \text{ фоиз}$$

Бунда:

3 – чанг Қорақуя билан зарарланган ўсимликлар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

1 350 – навнинг асосий ўсимликлари сони;

19 – бошқа тур ва навларга мансуб ўсимликлар сони;

е) асосий экиннинг яхши ривожланмаган ўсимликлар сони дона ҳисобида аниқланади ва натижа 30 та деб қайд этилади.

125. Фракциялар бўйича аниқланган баҳолаш натижалари таҳлил қилиниб, йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлар билан таққосланади ҳамда таҳлил натижалари бўйича ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ ахборот тизими орқали апробация далолатномаси тузилади.

126. Баҳолаш жараёнида ўтказилган таҳлил натижасида курмаксимон бегона ўтлар миқдори кўплиги аниқланиб, бегона ўтлар билан 3 балл даражада ифлосланганда уруғлик майдон яроқсиз деб топилади.

Баҳолаш натижасида бегона ўтлар билан 3 балл даражада ифлосланган уруғлик майдонидан ўриб-йиғиб олинган уруғликларни уруғлик тайёрловчи субъект томонидан алоҳида уруғлик тўдага жамғарилиши ҳамда кондицияга етгунга қадар фотосепаратор ускунаси ёрдамида тозалаш имкони бўлган ҳолларда шартли равишда апробация комиссиясининг ҳулосаси билан уруғлик сифатида фойдаланишга рухсат берилиши мумкин.

Бунда 3 балли даражада бегона ўтлар билан ифлосланган уруғликлар келгусида фотосепаратор ускунаси ёрдамида тозаланиши шартлиги апробация далолатномасида алоҳида қайд этилади.

127. Баҳолаш жараёнида олинган ва таҳлил қилинган намуналар боғлам қилинган ҳолда апробация далолатномаси билан бирга уруғлик етиштирувчи субъектга топширилади ва намуналар бир йил давомида сақланиши лозим. Зарурат туғилганда апробация комиссияси аъзолари билан бирга ушбу намуналарни уруғликдан фойдаланувчиларга кўрсатиши мумкин.

128. Уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш жараёнларида навларнинг морфологик белгилари ва ботаник турларини баҳолаш учун илмий муассасалар томонидан берилган нав тавсифномаси асос бўлади.

129. Ўзбекистонда экишга тавсия этилган шולי навларининг бошланҗич морфологик белгилари ва ботаник турлари 6-жадвалда кўрсатилган:

6-жадвал

Нав номи	Морфологик белгилари	Ботаник тури
Хитой–Япон кендзо турига мансуб бўлиб, шולי дони бўйининг энига нисбати 3:1 дан кам		
“Уз РОС 7-13”, “Мустақиллик”, “Тарона”, “Тантана”	Барча рўваклари қилтиқли эмас, қобиқлари ва қилтиқлари сарғиш сомон рангли	Субвულгарис
“Искандар”	Барча рўваклари қилтиқли, қобиқлари сарғиш сомон рангли ва қилтиқлари қизғиш (олов) рангли	Эритроцерос
“Гулзор”	Рўвақда донлари қилтиқли, дон қобиқлари ва қилтиқлари сарғиш сомон рангли	Вулгарис
Нукус 2”	Донлари қилтиқли, қобиқлари икки хил рангли ёки сарғиш сомон рангли, қирралари қўнғир сариқ, қилтиғи сарғиш сомон ранг	Дихроа
“Жайхун”, “Интенсив”, “Тарона”, “Тантана”	Донлари қилтиқсиз (айримларида кичик қилтиқ (ўрни) бор), гул қобиқлари сарғиш сомон рангли	Италика
Ҳинд кендзо турига мансуб бўлиб, шולי дони бўйининг энига нисбати 3:1 га тенг ёки ундан кўп		
“Лазурный”	Дони қилтиқсиз, дон қобиқлари сарғиш сомон рангли	Гиляника
“Арпа шולי”	Дони оқ, бошоқчалари ва қилтиқлари оч сариқ рангда	Вулгарис

130. Уруғликнинг Қизил донли турлари ва уларнинг морфологик белгилари 7-жадвалда кўрсатилган:

7-жадвал

Номи	Қилтиқли ёки қилтиқсиз	Қилтиқ ранги	Гул Қобиғининг ранги	Гуруч ранги
Пирокарпа	Қилтиқли	Сарғиш сомон рангли	Сарғиш сомон рангли, Қўнғир доғли	Сарғиш Қизил
Дезвокси	Қилтиқли	Тўқ бинафша Қўнғир	Сарғиш сомон рангли	Қизғиш Қўнғир
Субпирокарпа	Ҳамма донлари қилтиқли эмас	Сарғиш сомон рангли	Сарғиш сомон рангли, Қўнғир доғли	Сарғиш Қизил
Феавоациес	Қилтиқли	Сарғиш сомон рангли	Икки хил рангли ёки сарғиш сомон рангли, Қирраси Қизғиш Қўнғир сариқ	Қизғиш Қўнғир
Сундензис	Қилтиқсиз	-	Сарғиш сомон рангли	Қора Қўнғир
Қозоғистон	Қилтиқсиз	-	-	Қизил Қўнғир
Субдезвокси	Ҳамма донлари қилтиқли эмас	Тўқ бинафша Қўнғир	Сарғиш сомон рангли	Қизғиш Қўнғир
Кавказ	Қилтиқли	Қўнғир	Қўнғир	Қизғиш Қўнғир

6. Уруғликларнинг Ҳосилдорлигини аниқлаш

131. Уруғликларнинг Ҳосилдорлиги Қуйидаги икки усулда аниқланади:

а) биринчи усул – шоли майдонининг диагонал бўйлаб камида 10 та жойидан махсус ўлчагич ёрдамида Ҳар бир 1 м^2 даги ўсимликлар саноқдан ўтказилади:

махсус ўлчагич (1 м^2)даги ўсимлик (рўвак)лар сони аниқланади;

1 та рўвакдаги мавжуд донлар санаб чиқилади;

1 000 дона шоли дони оғирлиги граммда Ҳисобланади;

кутилаётган Ҳосилдорлик эса Қуйидаги формула бўйича 1 гектарда центнер Ҳисобида аниқланади.

$$X = \frac{A \times B \times C}{10\,000}$$

Бунда:

X – Ҳосилдорлик гектаридан центнер Ҳисобида;

A – махсус ўлчагичда аниқланган 1 м^2 даги рўваклар сони;

B – 1 та рўвакдаги донлар сони;

C – 1 000 дона дон оғирлиги, грамм;

10 000 – 1 гектарнинг м^2 Ҳисоби;

олинган натижадан 15–20 фоиз чегириб ташланиб, Қолгани Ҳосилдорлик деб белгиланади;

б) иккинчи усул – уруғлик майдонининг диагонали бўйлаб камида 10 та жойидан махсус ўлчагич ёрдамида Ҳар бир 1 м^2 даги ўсимликлар саноқдан ўтказилади:

махсус ўлчагич (1 м^2)даги ўсимлик (рўвак)лар сони аниқланади;

1 та рўвакдаги мавжуд донлар санаб чиқилади;

1 дона шоли дони оғирлиги граммда Ҳисобланади;

кутилаётган Ҳосилдорлик эса Қуйидаги формула бўйича 1 гектарда килограмм Ҳисобида аниқланади.

$$\chi = \frac{A \times B \times C \times 10\,000}{1\,000}$$

Бунда:

χ – Ҳосилдорлик гектаридан килограмм Ҳисобида;

A – махсус ўлчагичда аниқланган 1 м² даги рўваклар сони;

B – 1 та рўвакдаги донлар сони;

C – 1 дона шоли донининг оҒирлиги, грамм;

10 000 – 1 гектарнинг м² даги Ҳисоби;

1 000 – граммни килограммга айлантириш коэффициентини.

6-боб. Уруғлик картошка майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

1. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашнинг умумий шартлари

132. Уруғлик майдонларида баҳолаш жараёнлари гуллаш даврида ўтказилади. Зарурат бўлганда уруғликларнинг туганаклари тўлиқ шаклланган даврда ўтказилиши мумкин.

133. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш ишлари бошланишидан олдин уруғлик етиштирувчи субъект томонидан уруғлик картошка экилган майдонларни нав ва авлодлари бўйича рўйхатини илова қилган ҳолда ариза билан ахборот тизими орқали мурожаат қилади.

134. Зарурат бўлганда уруғлик картошка майдонларида навдорлик сифатини баҳолаш бўйича халқаро нормалар асосида амалга оширишга рухсат этилади.

135. Уруғлик майдонларида ўсимлик туплари ва туганакларининг кўпи билан ташқи кўриниши бўйича мавжуд хавфли касалликлар ва нав тозалиги

бўйича келгусида экишга рухсат этиладиган меъёрлар 8-жадвалда белгиланган:

8-жадвал

Кўрсаткичлар номланиши	In-vitro уруфлар	Мини-туганаклар	Оригинал уруфлар	Элита уруфлар	Репродукция уруфлари (РУ ₁₋₂)
Апробация вақтида келгусида экишга рухсат этиладиган ўсимликларнинг улуши (фоизи), кўпи билан					
Бегона навлар аралашмаси	0	0	0	0	0,5
Вирусли касалликлар*	0	0	0,4	1	2
Қорасон (<i>Dickeya / Pectobacterium spp.</i>)	0	0	0	0	1
*o-Ғир турдаги мозаика (ҮВК) касаллик белгилари ва картошка барглари бурма вируси (ВСЛК) ҳисобга олинади.					

136. Апробация ва уруфликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруфликларнинг экишдаги авлодлари (in-vitro уруфлар ва мини-туганаклар бундан мустасно) 8-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича авлоди мос равишда белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаган ҳолларда, уруфликларнинг авлодлари ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ келадиган қуйи авлоди бўйича баҳоланади.

Апробация ва уруфликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, 8-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланган энг қуйи меъёрдан паст натижа аниқланган ёки йўл қўйилмаслиги белгиланган кўрсаткичларда натижалар аниқланганда, уруфликлар яроқсиз деб топилади.

2. Апробацияни ўтказиш ва уруфликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

137. Апробация комиссияси навдорлик сифатини баҳолаш ишлари ўтказилишидан олдин экилган уруғликларнинг бирламчи Хужжатлар (экинбоплик хулосаси, юк хати ва бошқалар) ҳамда бегона навдан тозалаш ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномани ўрганади.

138. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш уруғлик майдонида намуналар танлаб олиш орқали амалга оширилади.

Уруғлик майдони ўлчами бўйича қуйидагича намуна олинади:

5 гектаргача бўлганда – 15 та жойдан ҳар бирдан 20 тупдан кетма-кетликда, жами 300 туп;

6–10 гектар бўлганда – 20 та жойдан ҳар бирдан 20 тупдан кетма-кетликда, жами 400 туп;


11–15 гектар бўлганда – 25 та жойдан ҳар бирдан 20 тупдан кетма-кетликда, жами 500 туп;


15 гектардан кўп бўлганда – 15 гектардан кейинги ҳар 5 гектар уруғлик майдони учун қўшимча равишда 2 та жойдан ҳар бирдан 20 тупдан кетма-кетликда намуна олинади ҳамда таҳлил қилинади.

139. Уруғлик майдонининг барча жойидан намуналар бир текисда олинади. Бунинг учун қаторлар сонини ёки майдонининг узунлиги аниқланиб, намуналар олиш сони белгиланади.

Уруғлик майдонининг барча жойидан намуналар бир текисда олинади. Бунда қаторлар сонини ёки уруғлик майдонининг эни узунлиги аниқланиб, намуналар олиш тартиби белгиланади.

140. Уруғлик майдонида навдорлик сифатини баҳолаш учун қуйидаги схема асосида намуналар олинади:





Намуна олинадиган Қатор узунлиги, ме

Мисол учун, уруғлик майдони ўлчамининг эни – 300 метр, узунлиги – 500 метр бўлган 15 гектардан 25 та жойидан, Ҳар бир жойдан 20 тупдан, жами 500 та туп ўсимлик текширилади.

141. Уруғлик майдонининг эни бўйлаб Ҳар 24 метрдан ($300:25 \times 2$), яъни 34-Қатордан, узунлиги бўйлаб Ҳар 40 метрдан ($500:25 \times 2$) диагональ бўйлаб намуналар олинади.

142. Апробация комиссияси текширилаётган намунадаги ҳар бир ўсимликни нав тавсифномаси асосида морфологик белгилари (гули, барги, асосий пояси ва бошқалар), туганакларнинг ранги ва шакли бўйича навдорлиги баҳоланаётган навга хослигини ва касалликлар билан зарарланганини аниқлайди.

Баҳолаш натижалари ушбу Низомга 12-иловага мувофиқ дала дафтариغا қайд этиб борилади.

143. Касалликлар билан зарарланган ўсимликларнинг мавжудлиги навдорлиги текширилаётган навда ва бегона нав аралашмаларида ҳам аниқланади.

Баҳолаш жараёнида қорасон, ҳалқали чиришдан сўлиган, Ғадир-будур ва чизиқли мозаика, барг буралиш, жингалак (кудряш), готика каби касалликлар билан зарарланган ўсимликлар ҳисобга олинади. Фитофтороз касаллиги билан зарарланиш даражаси кўз билан чамалаб аниқланади.

144. Қуйидагилар уруғликларда касалланиш даражасининг кўрсаткичлари ҳисобланади:

айрим ўсимлик баргларида учрайдиган доғлар кам бўлганда, касалланиш даражаси кучсиз;

барча ўсимликларнинг барги сезиларли даражада зарарланган бўлиб, барглари яшил рангда бўлганда, касалланиш даражаси ўртача;

барча ўсимликда барглари зарарланганда, касалланиш даражаси кучли.

145. Апробация комиссияси томонидан баҳолаш жараёнида уруғлик майдони ҳолати қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

уруғлик майдонидаги барча ўсимликлар нормал ривожланган ва экин қаторларини тўлиқ ёпиб олганда, “яхши” деб баҳоланади;

уруғлик майдонидаги ўсимликларнинг 25 фоизи кучсиз ривожланганда “ўртача” деб баҳоланади;

уруғлик майдонида ўсимликларнинг ривожланиши ўта нотекис бўлганда, “ёмон” деб баҳоланади.

146. Уруғлик майдони учун агротехник тадбирлар ўз муддатида тўғри ўтказилиши ҳосилнинг сифати ва кутилаётган миқдорини белгилайди.

Уруғлик майдонида кутилаётган ҳосилдорлик ўртача 1 та тупдаги туганаклар сони ва уларнинг вазнини чамалаган ҳолда аниқланади. Олинган ўртача кўрсаткични 1 гектардаги ҳақиқий туплар сонига кўпайтирилади.

147. Дала дафтаридаги қайд этилган натижалар асосида нав тозалиги ва касалликлар билан зарарланган ўсимликлар миқдори фоиз ҳисобида аниқланади.

Баҳолаш ўтказилаётган уруғликнинг навига хос бўлмаган бошқа навга мансуб шакли ва ранги бўйича қизил ва оқ рангли туганаклар аралашмалари дастлаб алоҳида ва кейинги босқичда қўшиб ҳисобланади.

Мисол учун, текширилган 500 та ўсимликдан 2 таси оқ туганакли аралашма нав ўсимлиги, яъни $2 \cdot 100 : 500 = 0,4$ фоиз, 3 таси эса қизил туганакли аралашма нав ўсимлиги, яъни $3 \cdot 100 : 500 = 0,6$ фоиз, жами ифлосланиш $0,4 + 0,6 = 1,0$ фоизни ташкил этиб, навдорлиги аниқланган нав тозалиги 100 фоиздан олинган 1,0 фоизни айириш орқали 99 фоиз ҳисоблаб чиқарилади.

148. Касалликлар билан зарарланган ўсимликларнинг фоизи ҳам ҳар бир касаллик тури учун алоҳида ҳисобланади. Аниқланган касалликлар фоизи қўшилади ва умумий касалланиш даражаси ҳисоблаб чиқарилади.

Мисол учун, текширилган 500 та ўсимликдан қорасон касаллиги билан 2 та ўсимлик ёки $2 \cdot 100 : 500 = 0,4$ фоиз, енгил вирусли касалликлар билан 30 та ўсимлик ёки $30 \cdot 100 : 500 = 6,0$ фоиз, оғир вирусли касалликлар билан 5 та ўсимлик ёки $5 \cdot 100 : 500 = 1,0$ фоиз касалликлар билан зарарланиб, умумий касалланиш даражаси $0,4 + 6,0 + 1,0 = 7,4$ фоизни ташкил қилади.

149. Апробация комиссияси томонидан баҳолаш даврида уруғлик майдонида фитофтороз билан касалланган ўсимликлар аниқланганда, уруғликда баҳолаш ишлари ўтказилмасдан тўхтатилади ҳамда ушбу уруғлик майдонида зудлик билан касалликка қарши курашиш чораларини кўриш юзасидан уруғлик етиштирувчи субъектга кўрсатмалар берилади.

Ушбу уруғлик майдонида фитифтороз касаллигига Қарши кураш чоралари кўрилмаган тақдирда, келгусида уруғлик майдонида баҳолаш ишлари амалга оширилмайди ва уруғлик учун яроқсиз деб топилади.

150. Уруғлик майдонида карантин аҳамиятидаги касалликлар (картошка раки ва бошқалар) ва зараркунандалар (картошка нематодаси, колорадо қўнғизи ва бошқалар) бўлишига йўл қўйилмайди.

151. Уруғлик майдонларининг навдорлик сифатини баҳолашда қуйидаги 9-жадвалда келтирилган баҳолаш меъёрларининг ўзгариши (латитудалар) қўлланади:

9-жадвал

Нав тозалиги, фоиз	Меъёрлар ўзгариши, фоиз
100–99	0,5
98,9–98	1,0
97,9–97	2,0
96,9–95	3,0
94,9–93	4,0
92,9–90	5,0
89,9–85	6,0
84,9–80	7,0
79,9–75	8,0

152. Уруғлик майдонларини баҳолашда аниқланган меъёрларнинг ўзгариши апробация комиссияси томонидан белгиланади.

Масалан, уруғлик майдонидан олинган биринчи намуна бўйича нав тозалиги 97 фоизни ва иккинчи намуна бўйича нав тозалиги 93 фоизни ташкил қилганда, 4 фоизли меъёрларнинг ўзгариши қўлланиши мумкин.

Нав тозалиги меъёрларнинг ўзгариш чегарасида фарқланганда, баҳолаш тўғри ўтказилган деб топилади. Меъёрларнинг ўзгариши меъёрдан кўп бўлганда эса қўшимча баҳолаш ўтказилади.

3. Уруғликларни нав белгилари бўйича фарқлаш

153. Уруғликларнинг асосий нав белгилари Қуйидагича таърифланади:

а) ўсимлик гули – шингил гултўплам бўлиб, унинг шакли, гул банди узунлиги ва ранги асосий нав белгилари ҳисобланади.

Гултўплам ғуж ва сочма (тарқоқ) бўлади. Гулбанди узун ёки қисқа, ингичка ёки йўфон бўлиши мумкин. У ёппасига, фақат юқори ёки қуйи қисми рангли (яшил) бўлади. Гулбандда майда яшил баргчалар ҳам бўлиши нав белгисига киради. Гуллаш даражаси ва давомийлиги ҳам нав белгиси ҳисобланади.

Гуллаш даражаси ёппасига ва қисман гуллар ҳосил қилиши, давомийлиги эса узун ва қисқалиги билан аниқланади. Бундан ташқари навлар бир-биридан резавор мева ҳосил қилиши (кўп ёки камлиги) билан ҳам фарқланади;

б) ғунча (шопа) шакли, туклангани ва ранги.

Ғунча юмалоқ, овал ёки узунчоқ шаклларда: кучсиз ёки кучли тукланган ва тукланмаган бўлади. Рангланишининг тақсимланиши ғунчанинг ёппасига, фақат юқори қисмида бўлиши билан фарқланади;

в) гул – гулкоса, гултож, уруғчи ва чангчидан ташкил топган. Гулкосанинг рангланиши, туклангани, шакли навларнинг асосий белгилари ҳисобланади. Гулкоса ранги бўйича яшил, қисман ва тўқ рангда, кучли ва кучсиз тукланган, унинг барг учлари бигизсимон ва баргсимон бўлади.

Гултож унинг тузилиши, ранги ва қат-қатлиги навга хос белгилар ҳисобланади. Гултож ранги оқ, қизил-бинафша, кўк-бинафша, кўк ва ҳоказо бўлади. Гултожибаргнинг қат-қатлиги ички ва ташқи бўлиши билан бир-биридан фарқланади.

Картошка гулида 5 та чангчи бўлиб, ранги сариқ, оч-сариқ, сарғиш-яшил ва тўқ-сариқ ёки апельсинга ўхшаш, шакли тўғри конус, цилиндр ёки ноксимон, айрим навларда нотўғри шаклда, йириклиги бўйича йирик (катта) ва майда чангчи гулларга бўлинади.

Уруғчи-тугунча, найча ва тумшуқчадан ташкил топган. Уруғчи тугунчаси шакли ва ранги бўйича картошка навлари кескин фарқланади.

Тугунча овал, ноксимон ва оралиқ шаклларда бўлиб, унинг ранги тугунакнинг ранги билан тўғри боғланишда (боғлиқ), яъни тугунча рангсиз бўлганда, тугунак ҳам оқ рангда бўлади;

г) картошка барги — муҳим нав белгиси ҳисобланади. У чуқур кесилган тоқ патсимон бўлиб, барг банди, ўқи, унда жойлашган охирги (учки) бўлак, 3–7 жуфт ён бўлаклар ва улар орасида жойлашган оралиқ бўлакчалардан ташкил топган. Баргнинг охирги ва ён бўлаклари йириклиги, шакли, ён бўлаклар сони, уларнинг жойлашиши ва ранги муҳим белги ҳисобланади.

Барг бўлаклари йирик, майда ва ўрта катталиқда, шакли эса овал, кенг (барг бўйи билан эни тенг), чўзинчоқ, яъни қисқа, барг эни узунлигидан 2 марта кам, тухумсимон ва турли оралиқ кўринишларда бўлади.

Охирги (учки) барг бўлаги асосининг шакли юраксимон, понасимон ва оралиқ кўринишда бўлиши ҳам нав белгиси ҳисобланади. Картошка навлари биринчи жуфт ён бўлаклар пластинкасининг эни бўйига нисбати (барг индекси) бўйича ҳам фарқланади. Барг бўлакчалари йириклиги, шакли, жойлашиши бўйича навлар фарқ қилади.

Барг бўлакчалари йирик ва майда, кўриниши юмалоқ, чўзинчоқ ва оралиқ шаклда, жойлашиши ўққа ёки ўтроқ бўлиб, барг ўқига нисбатан тўғри, бурчакли ва аралаш бўлиб ўрнашган бўлади. Барг кесилганлик даражасига, яъни бўлак ва бўлакчалар сони ҳамда жойлашиши ҳам нав белгисидир. Агар баргда бўлак ва бўлакчалар кўп бўлса, кучли кесилган, аксинча, кам бўлса, кучсиз кесилган, ўта зич жойлашган бўлса, зич барглаган дейилади, аксинча эса сийрак барглаган деб юритилади. Барг ранги оч ва тўқ яшил рангда ялтироқ ёки ялтироқсиз оддий бўлади. Картошканинг барг банди асоси баргчаларга эга бўлиб, унинг шакли ўроқсимон, баргсимон ва оралиқ кўринишда бўлади;

д) поя – сони, қирралилиги, баландлиги, шохланиши ва рангланганлиги билан тавсифланади. Поя сони бўйича навлар кўп ва кам пояли, уч ва кўпқиррали, шохланмайдиган, кучсиз, ўртача ва кучли шохланувчан пояли навлар бўлади;

е) картошка тупи – барглаганлигига Қараб кучли, ўртача ва кучсиз баргланган бўлади. Кўриниши бўйича картошка ўсимлиги уюм, ярим тарҚоқ ва тарҚоқ (сочма) тўп шаклга эга;

ж) туганак – энг муҳим нав белгиси бўлиб, туганак ранги, шакли, пўстининг характери, кўзчалар сони ва чуқурлиги, этининг ранги кабилар билан навлар таърифланади. Туганак ранги оқ, қизил, бинафша, сарғиш, кўк-бинафша, шакли юмалоқ, овал, узунчоқ, тухум, юмалоқ-овал, узунчоқ-овал кўринишда бўлади. Туганак пўсти силлиқ, тўрсимон, эти эса оқ, сариқ, оқ-сарғиш каби рангларда бўлиши билан тавсифланади.

Туганаклар кўзчалар сони кам ва кўп бўлиши ҳам нав белгиси ҳисобланади.

Туганакларнинг уяда жойлашиш таърифи бўйича туганак узунлигига Қараб уяда ғуж ва тарҚоқ жойлашади. Бу эса муҳим нав белгиси ҳисобланади;

з) ўсимталар – навларни аниқлашда туганаклар қоронғи ва ёруғда нишланиб, ўсимта ранги, шакли ва туклангани бўйича таърифланади.

Туганаклар навига Қараб қоронғи жойда кўк ва қизил ўсимталар ҳосил қилади.

Ёруғликда эса ҳосил бўлган ўсимталар асосининг шакли шарсимон, яримшарсимон, овал, чўзинчоқ-овал кўринишда, ўсимта учи эса ўткир, ўтмас, тарҚоқ бўлади. Ўсимтанинг туклангани кучли, кучсиз ва ўрта бўлади.

Картошка навларининг белгиларини ўрганиш натижасида унинг айрим белгилари (гул, туганак ва ўсимталар ранги) ўртасида тўғри боғланиш мавжудлиги аниқланган.

Картошка нави туганаги қизил бўлганда, ўсимтаси қизил-бинафша, гули ҳам қизил-бинафша ва оқ бўлади. Нав туганаги оқ рангда бўлганда, ўсимтаси кўк-бинафша ёки қизил-бинафша ва оқ рангда бўлиши мумкин.

154. Уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш жараёнларида навларнинг морфологик белгилари ва ботаник турларини баҳолаш учун нав муаллифлари томонидан берилган нав тавсифномаси асос бўлади.

4. Уруғликларнинг Ҳосилдорлигини аниқлаш

155. Ҳосилдорликни чамалаб аниқлаш учун асосан Қуйидаги 3 та кўрсаткични аниқлаш керак бўлади:

уруғлик майдонидаги Ҳақиқий туп сони;

бир тупдаги Ҳосил элементлари сони;

битта Ҳосил элементининг ўртача вазни.

156. Уруғлик майдонидаги кутилаётган Ҳосилдорлик Қуйидаги формула бўйича 1 гектарда центнер Ҳисобида аниқланади:

$$X = \frac{A \times B \times C}{10\,000}$$

Бунда:

X – Ҳосилдорлик гектаридан центнер Ҳисобида;

A – 1 гектар майдондаги жами ўсимликлар сони;

B – 1 та тупдаги туганаклар сони;

C – 1 та туганакнинг оғирлиги, грамм;

10 000 – 1 гектарнинг м² даги Ҳисоби.

5. Уруғлик майдонларини яроқсиз деб топиш ва уруғлик Ҳисобидан чиқариш

157. Уруғлик майдонлари Қуйидаги салбий Ҳолатлар аниқланганда уруғлик Ҳисобидан чиқарилади:

уруғлик майдонида агротехник тадбирлар бажарилмаслиги оқибатида ўсимликлар кучли даражада сувдан Қолдирилиб, ўсимликлар Қуриб Қолганда;

зараркунандалар ўсимликларнинг баргларига кучли даражада зарар етказганида, туганаклар белгиланган шаклда, рангда ва ўлчамда бўлмаганда, баҲолаш имконияти бўлмаган бошқа салбий Ҳолатларда;

уруғлик майдонини касалликлар ёппасига зарарлаганда;

зарур бўлган бирламчи ва бошқа Хужжатлар (экишдаги экинбоплик хулосаси, уруғлик харид Қилингани тўғрисидаги юк хати, инвойс ва бошқалар) тўлиқ бўлмаганда;

уруғлик картошка майдонида бегона навдан тозалаш, парваришlash тадбирлари, касаллик ва зараркунандаларга Қарши кураш ишлари ўтказилмагани аниқланганда;

касалликнинг тарқалишида оралиқ Ҳимоя (иҳота) масофаси меъёрига амал Қилинмаганда.

6. Аprobация ва уруғликларнинг наvdорлик сифатини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш

158. Баҳолаш натижалари бўйича ахборот тизими орқали ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ аprobация далолатномаси тузилади ва жараёнда Қатнашувчилар ўз имзолари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

159. Аprobация далолатномасига наv тозалиги – бошқа наvга мансуб рангдаги ва шаклдаги уруғликларнинг туганаклари аралашмаси, касалланган ўсимликларнинг умумий сони, вирусли касалликлар ҳамда Қорасон ва ҲалҚали чириш касалликлари билан зарарланган ўсимликлар фоизларда Қайд этилади.

7-боб. Уруғлик маккажўхори ва оқ жўхори майдонларида аprobацияни ўтказиш ва уруғликларнинг наvdорлик сифатини баҳолаш

1. Аprobация ва уруғликларнинг наvdорлик сифатини баҳолашнинг умумий шартлари

160. Навларда, ўз-ўзидан чангланадиган тизма (линия)ларда ва дурагай популяцияларда мум пишиш даврида, фақат наvdорлик белгилари (доннинг бирхиллиги (консистенция), ранги, сўта ўзагининг (мардак) ранги) аниқ намоён бўлгандан кейин баҳолаш жараёнлари ўтказилади.

161. Баҳолаш жараёнлари бошланишидан олдин уруғлик етиштирувчи субъект уруғлик майдонлари, нав ёки дурагайлар рўйхатини апробация комиссиясига тақдим этади ёки ариза билан ахборот тизими орқали Марказга муурожаат қилади.

162. Апробация ўтказиш жараёнида олинadиган намуналарни боғлаш, ташиш учун керакли бўладиган қоп, ип, ўроқ ва керакли воситалар ҳамда махсус кийимлар билан апробация комиссия аъзолари уруғлик етиштирувчи субъект томонидан таъминлаб берилади.

163. Зарур бўлганда уруғликларнинг нав тозалиги ва бошқа сифат кўрсаткичларини аниқлашда халқаро нормалар, усуллар ва қоидалардан фойдаланишга рухсат этилади.

164. Уруғликлар навли экинлар уруғини олиш мақсадида эмас, балки ем-хашак учун экилганда наводорлик сифати баҳоланмайди.

165. Навдорлик сифатини баҳолашдан олдин уруғлик майдонларининг (ота-оналик шакллари, нав ва дурагайлар) турдош экинлардан белгиланган масофада ҳимоя чегараси билан ажратилган бўлиши лозим.

166. Уруғликларнинг наводорлигини баҳолашда ўсимликларни таҳлил қилиш бўйича алоҳида аниқлашлар [10-жадвалда](#) кўрсатилган:

10-жадвал

Экин тури	Наводорлик сифатини баҳолаш вақти	Наводорлик сифатини баҳолаш учун максимал майдон, га	Намуна олиш нуқтаси сони	Бутун майдон бўйича текшириладиган ўсимликлар сони (кам бўлмаган)	Ҳимоя (ихота) масофаси, м
Ота-оналик шакллари (навлар, дурагай)	Тўлиқ пишишнинг бошланиши	50	25	250	500

популяциялари, ўз-ўзидан чангланадиган тизмалар, оддий ва уч тизмали дурагайлар), оригинал ва элита авлодлари*					
Икки, уч ва кўп тизмали дурагайлар**	Сўта гуллашининг бошланиши	50	20	200	300
Навли тизмалар ва оддий дурагайлар	Оммавий гуллаш даврида	50	20	1000	300

Изоҳ.*кейинги репродукцияли уруфлар авлоди учун ҳимоя масофаси камида 300 метр;
**уруфлантирмайдиган тизмаларда 200 та ўсимлик, чанглантирувчи уруфлантирадиган
тизмаларда 1 000 та ўсимлик текширилади.

167. Уруфликларнинг нав тозалиги ва донлари бошқа рангларга ўзгарган (ксений) донлар миқдори сифатларига белгиланган меъёрлар 11-жадвалда келтирилган:

11-жадвал

Авлоди	Нав тозалиги (типиклиги), камида, фоиз		Донлари бошқа рангларга ўзгарган донлар сони, 100 сўта/дона, кўпи билан	
	Навдорлик сифатини баҳолаш натижалари асосида			
	далада	омборда	далада	омборда
ўз-ўзини чанглайдиган тизмалар				
ОУ	99,5	100	20	0
ЭУ	99,5	100	20	10
РУ	98	99	50	30
дурагайлар ота-оналик шакл (тизма)лари				
ЭУ 1	98	99	50	30
ЭУ 2*	98	99	400	200
товар мақсадлари учун дурагайлар (1-авлод)				

РУТ (F ₁)	-	98	0	600
нав ва дурагай популяциялари				
ОУ	99,5	100	20	0
ЭУ	99,5	100	20	10
РУ	99	100	100	30
РУТ (F ₁)	98	99	300	100

Изоҳ. *фақат ота-оналик шакллари учун.

168. Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруғликларнинг экишдаги авлодлари 11-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича авлоди мос равишда белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаган Ҳолларда, уруғликларнинг авлодлари ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ келадиган Қуйи авлоди бўйича баҳоланади (РУТ (F₁) авлоди бундан мустасно).

Апробация ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, 11-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланган энг Қуйи меъёрдан паст натижа аниқланган уруғликлар яроқсиз деб топилади.

169. Уруғликлар сўталари омборда сақлаш даврида омборда нав тозалиги (типиклиги) ва донлари бошқа рангларга ўзгарган донлар миқдорини баҳолаш 11-жадвалда белгиланган меъёрлар асосида ўтказилади.

2. Уруғлик маккажўхори майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

170. Навдорлик сифатини баҳолаш учун 50 гектаргача бўлган уруғлик майдонининг диагонали бўйлаб 25 та нуқтадан камида 10 тадан жами бўлиб 250 та маккажўхори сўтаси олинади ва таҳлил қилинади.

171. Уруғлик майдони 50 гектардан кўп бўлганда, таҳлил учун асосий намунага Қўшимча равишда Ҳар 5 гектар майдондан диагонал бўйлаб 25 тадан Қўшимча маккажўхори сўтаси олинади.

Оригинал ва элита уруғлик майдонларидан икки диагонал бўйича намуналар олинади ва кўпайтириш кўчатзорларида сўталар олинмайди,

Ўсимлик турган жойда таҳлил Қилинади.

172. Оригинал, элита, репродукция (РУ-1 ва РУ-2) уруғликлар авлоди тозаланган тизмалар ва навлардан таҳлил Қилиш учун намуналар уруғлантормаидиган (стерил) тизмалар Қаторидан ва уларни чангланттирувчи уруғлантирадиган (фертил) ўхшаш тизмалардан олинади.

173. Оддий ва уч тизмали дурагай уруғлик майдонларидаги уруғлантормаидиган ҳамда уруғлантирадиган ота-оналик шаклларида 250 тадан сўта (25 жойдан 10 тадан сўталар ҳар қайси шаклдан) олиниб таҳлил Қилинади.

174. Асосий тип сўталарга шу типга мос бўлган соғлом ва касалликлар билан зарарланган сўталар, шунингдек, бошқа экиндан чангланиб Қолган, маккажўхори донининг Қизил, кўк ва бошқа рангларга ўзгарган донлар ҳамда сўталарнинг ривожланиши ўзгарган шаклдагилари киради.

Бошқа навдан чангланиш натижасида донларнинг ранги ўзгариб Қолган сўталарни таҳлил Қилиш вақтида ҳисобга олинади ва алоҳида кўрсатилади.

175. Бошқа экиндан чангланиб Қолган нотипик сўталар асосий тип сўталарига киритилмайди.

176. Навдорлик сифатини баҳолашда навнинг бирхиллиги, дон шакли ва ранги, ўзагининг ранги ҳамда сўталар шакли таҳлил Қилиш орқали аниқланади.

177. Доннинг бирхиллиги сўтанинг ўрта қисмидаги донларни таҳлил Қилиш орқали аниқланади. Бунда сўтанинг юқори ва қуйи қисмидан 3–5 см Қолдириб, асосий қисмидан аниқланади.

178. Маккажўхори сўталари таҳлил Қилинганда икки гуруҳга бўлинади:

асосий нав, тизмалар, дурагай, дурагай популяциясининг асосий тип сўталари гуруҳига ривожланиш даражасидан қатъи назар, соғлом сўталар билан биргалиқда шу навга мос сўталарнинг касалликлар билан зарарланган сўталари, чангланган маккажўхори донининг Қизил, кўк ва бошқа рангларга ўзгарган донлари мавжуд сўталари киради;

бошқа типдаги аралашмаларга нотипик сўталар ҳамда бошқа навадан чангланиш натижасида маккажўхори донларининг ранги ўзгариб қолган сўталари киради.

179. Асосий нав, тизма ёки дурагайларнинг асосий тип сўталарининг бирхиллиги, шакли, ранги, ўзагининг ранги ва унинг шакли бўйича аниқланади. Ўзидан чангланадиган тизмаларда сўталарнинг ўлчами билан белгиланади.

180. Ноқулай шароит таъсирида маккажўхори донининг бирхиллиги тишсимон шаклдан шишасимон шаклга ўзгариши мумкин. Бу ҳолатда ўзининг тишсимон шакли ўзгарганда, ушбу нав донининг ранги ва пўстлоғи (чешуя) асосий типга мансуб бўлади.

181. Шишасимон шаклдаги асосий типга дон бирхиллигига эга бўлган шишасимон сўталарнинг юқори қисмидаги донлар ранги ёрқин бўлмаган ва доннинг тепа қисмида чуқурчага эга бўлмаган донли сўталар ҳам киради.

Доннинг рангини аниқлашда унинг юзасида мавжуд пушти ёки бинафша рангли доғлар ҳисобга олинмайди. Бу қўзиқорин касалликлари ёки сўта қобиғида сувда эрийдиган ўсимлик “антацион” доғлари билан доннинг рангланиши натижасида юзага келади.

182. Ширин маккажўхорига оқ донли ва сариқ донли навларга мансуб донлар киради.

183. Баҳолашда асосий типда бошқа типлар аралашмасига қуйидагилар киради:

асосий типдан маккажўхори донининг ранги ёки сўтанинг юқори қисмидаги донларнинг жойлашиши бирхиллиги билан фарқ қиладиган сўталар;

дон таркибидаги крахмал моддаси юқори ёки шишасимон шаклдаги донининг ярим қисмида таркибидаги крахмал моддаси юқори, ярим қисми шишасимон бўлган сўталар.

184. Аprobация комиссияси баҳолаш жараёнида пуфак ва чанг Қоракуя, фузариоз, Қизил чириш, кулранг чириш, оҚ, диплодиоз ва нигроспороз касалликлари билан зарарланган сўталарни алоҳида ажратиб олади ҳамда касалликлар билан зарарланган сўталарнинг улушини ҳисоблайди.

185. Баҳолаш жараёнида асосий тип сўталари, касалликлар билан зарарланган сўталар ва бошқа типга хос бўлган аралашмалар алоҳида фоизларда ҳисобланади.

186. Асосий типдаги сўталар фоизини ҳисобга олишда фақат Қоракуя билан тўлиқ зарарланган сўталар ҳисобга олинмайди. Маккажўхори донининг бошқа рангларга ўзгарганини ҳисобга олишда асосий типдаги сўтанинг бошқа рангларга ўзгаргани ва кемирувчилар билан зарарланганлари сўтанинг юқори ($\frac{1}{4}$) қисми ҳисобга олинмайди.

187. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашда олинган 250 та сўталар қуйидаги босқичларда таҳлил қилинади:

а) танлаб олинган намунада нав тозалиги 2 та фракцияда аниқланади:

1-фракция – асосий навга (типик) хос бўлган (асосий навдаги дони бошқа рангларга ўзгарган ва ўзгармаган) сўталар;

2-фракция – бошқа типга мансуб (асосий типдан дони ва сўта ўзаги (мардак)нинг шакли ва рангидан фарқ қиладиган) сўталар;

б) 1-фракцияга ажратилган асосий навга (типик) хос бўлган сўталар таркибидан донлари бошқа рангларга ўзгарган ва ўзгармаган сўталар бўйича 2 та гуруҳга ажратилади:

1-гуруҳ – асосий навга (типик) хос бўлган донлари бошқа рангларга ўзгармаган сўталар;

2-гуруҳ – донлари бошқа рангларга ўзгарган сўталар;

в) 1 ва 2-фракцияларга ажратилган сўталардан касаллик билан зарарланган донли сўталар миқдори алоҳида касаллик турлари бўйича аниқланади;

г) баҳолашда фракцияларга киритилмайдиган асосий типдаги яхши ривожланмаган сўталар алоҳида аниқланади ва фоизларда ифодаланади.

188. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолашда олинган намуна Қуйидагича фракциялар бўйича таҳлил қилинади:

а) танлаб олинган намунада фракциялар бўйича Қуйидагилар аниқланади:

асосий навга (типик) хос бўлган (асосий навдаги дони бошқа рангларга ўзгарган ва ўзгармаган) сўталар – 243 та;

бошқа типга мансуб (асосий типдан дони ва сўта ўзаги (мардак)нинг шакли ва рангидан фарқ қиладиган) сўталар – 7 та;

$$\text{нав тозалиги} = \frac{243 \times 100}{250} = \frac{24300}{250} = 97,2 \text{ фоиз}$$

Бунда:

250 – навдорлик сифатини аниқлаш учун жами олинган сўталар сони;

243 – асосий навга (типик) хос бўлган сўталар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

б) 1-фракцияга ажратилган асосий навга (типик) хос бўлган сўталар таркибидаги мавжуд донлари бошқа рангларга ўзгарган сўталар Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\frac{\text{донлари бошқа рангларга ўзгарган сўталар}}{243} = \frac{60 \times 100}{243} = \frac{6000}{243} = 24,7 \text{ фоиз}$$

Бунда:

243 – 1-фракцияга ажратилган асосий навга (типик) хос бўлган жами сўталар сони;

60 – 2-гуруҳга ажратилган донлари бошқа рангларга ўзгарган сўталар сони;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

в) баҳолашда 1 ва 2-фракцияларга ажратилган жами сўталар таркибидаги пуфак қоракуя касаллиги билан зарарланган донли сўталар

миқдори Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\frac{\text{касалликлар билан зарарланган донли сўталар}}{250} = \frac{8 \times 100}{250} = \frac{800}{250} = 3,2 \text{ фоиз}$$

Бунда:

250 – баҳолашда 1 ва 2-фракцияларга ажратилган жами сўталар сони;

8 – касалликлар билан зарарланган донли сўталар;

100 – фоизга айлантириш коэффициенти.

Қолган касалликлар билан зарарланган донли сўталар касаллик турлари бўйича ҳамда фракцияларга киритилмайдиган асосий типдаги яхши ривожланмаган сўталар ушбу формула ёрдамида шу тарзда алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

189. Сўталарни ажратиш даврида бошқа типга мансуб бўлган, дони бошқа рангларга ўзгарган ҳамда яхши пишмаган, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган сўталар уруғликдан алоҳида олиб ташланади.

190. Омборда навдорлик сифатини баҳолаш ҳар бир тўдадан ўртача танлаб олинган сўталарда ўтказилади. Омборда уюм ҳолатдаги уруғлик тўданинг 10 тоннагача бўлган бир назорат бирлигидан ўртача 200 та сўта танлаб олинади. Бунда ҳар хил чуқурликдан 5 жойидан 40 тадан сўта танлаб олинади.

Омборда уруғлик тўдасининг ҳажми 10 тоннадан кўп бўлганда, ҳар қўшимча 3 тонна уруғлик учун 10 та сўта танлаб олинади.

191. Олинган намуналарни таҳлил қилишда уруғликларнинг нав тозалиги ва донлари бошқа рангларга ўзгарган донлар ҳамда касалликлар билан зарарланган сўталар миқдори аниқланади.

Омбор апробацияси бўйича нигроспороз, кулранг чириш, қизил чириш, фузариоз ва бель билан зарарланган маккажўхори донининг миқдори йиғиндиси 100 та сўтада оригинал ва элита уруғларда 300 тадан,

репродукция (РУ-1 ва РУ-2) ва товар маҳсулот олиш учун мўлжалланган (РУТ ва F₁) авлоди уруғларда 500 тадан ошмаслиги лозим.

192. Зарур бўлганда уруғликларни дала шароитида ёки омборда нав тозалиги ва бошқа сифат кўрсаткичларини аниқлашда халқаро усуллар ва Қоидалардан фойдаланишга рухсат этилади.

3. Уруғликларнинг Ҳосилдорлигини аниқлаш

193. Уруғлик майдонининг қатор оралари 60 см бўлганда 16,6 метр, қатор оралари 76 см бўлганда 13,1 метр ва қатор оралари 90 см бўлганда 11,1 метр ўлчанади ҳамда шу ўлчанган масофада ўсимликлар санаб чиқилади.

194. Уруғлик майдонида уруғликларнинг Ҳосилдорлиги Қуйидагича босқичларда аниқланади:

а) намуналар танлаб олинади:

уруғликларнинг қатор оралари 90 см бўлганда 5 та ҳар хил (уруғлик майдоннинг бошланиш юқори қисми, кейингиси ўрта қисми ва қуйи қисми) жойидан 11,1 метр ўлчаб олинган масофаларда ўсимликлар саналади ва улардаги сўталар териб олинади ҳамда алоҳида қопга солинади;

қопга намуна рақами қўйилади ҳамда уруғлик майдони, контур рақами, нав номи, экишдаги авлоди, ўсимлик ва олинган сўталар сони кўрсатилган алоҳида ёзувлар қоп ичига солинади, қоп оғзи ёпилади;

б) намуналар оғирлиги ўлчанади:

ҳар бир намуна алоҳида электрон тарозида тортилади ва уларнинг ўртача оғирлиги аниқланади. Намуналар оғирлигини ўлчашда сўталарнинг ўзак қисми (мардак) сўтанинг умумий оғирлигининг 4 – 12 фоизини ташкил этиши ҳисобга олинади;

намуналардаги сўталарнинг ўртача оғирлиги – 12 килограммни ташкил этганда, сўтадаги дон оғирлигини ҳисоблаш учун ушбу 12 килограмм сўтанинг оғирлигидан ўртача 10 фоиз сўтанинг ўзак қисми қуйидаги формула ёрдамида чегириб ҳисобланади:

$$\begin{array}{l} \text{сўталарнинг ўзак} \\ \text{Қисми (мардак)} \\ \text{оҒирлиги} \end{array} = \frac{12 \times 10}{100} = \frac{120}{100} = 1,2 \text{ кг}$$

Бунда:

12 – намунадаги сўталарнинг ўртача оҒирлиги, кг;

10 – сўталарнинг оҒирлигига нисбатан чегириладиган сўталарнинг ўзак Қисми миқдори, фоиз;

100 – килограммга айлантириш коэффициенти;

сўталарнинг ўртача оҒирлиги – 12 килограмм миқдордан сўталарнинг ўзак Қисми (мардак) оҒирлиги – 1,2 килограмм миқдори айириш орҚали сўталардаги дон оҒирлиги – 10,8 килограмм эканлиги Ҳисоблаб чиҚилади;

в) сўталардаги доннинг ҲаҚиҚий оҒирлиги аниҚланади:

дала шароитида Қуритилмаган сўталардаги маккажўхори донларининг намлиги 20 фоиздан 32 фоизгача бўлишини Ҳисобга олганда, донларнинг намлиги Ҳосилдорликни аниҚлашда муҲим Ҳисобланади;

олинган намуналардаги сўталарнинг дон оҒирлигидан намлик учун ўртача 15 фоиз миқдор Қуйидаги формула ёрдамида чегириб Ҳисобланади:

$$\begin{array}{l} \text{сўталардаги} \\ \text{доннинг} \\ \text{йўҚотиладиган} \\ \text{массаси} \end{array} = \frac{10,8 \times 15}{100} = \frac{162}{100} = 1,62 \text{ килограмм}$$

Бунда:

10,8 – сўталарнинг ўзак Қисми чегириб Ҳисобланган сўталардаги дон оҒирлиги, кг;

15 – сўталарнинг дон оҒирлигидан чегириладиган намлик миқдори, фоиз;

100 – килограммга айлантириш коэффициенти;

сўталардаги дон оҒирлиги – 10,8 килограмм миқдордан сўталардаги доннинг йўҚотиладиган массаси – 1,62 килограмм миқдори айириш орҚали

сўталардаги доннинг Ҳақиқий оғирлиги – 9,18 килограмм, яъни яхлитланиб 9,2 килограмм эканлиги ҳисоблаб чиқилади;

г) ўртача Ҳосилдорлик 1 гектар Ҳисобида аниқланади:

сўталардаги доннинг Ҳақиқий оғирлиги олинган якуний натижа бўйича 1 гектардаги кутилаётган Ҳосилдорлик Қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Ҳосилдорлик}_{\text{кг/га}} = \frac{9,2 \times 10\,000}{10} = \frac{92\,000}{10} = 9\,200 \text{ килограмм}$$

Бунда:

9,2 – сўталардаги доннинг Ҳақиқий оғирлиги, килограмм;

10 000 – 1 гектарнинг м² даги ҳисоби;

10 – намуна олинган уруғлик майдонининг м² даги бирлиги.

Кутилаётган Ҳосилдорлик 1 гектарда ўртача 9 200 килограмм, яъни 9,2 тоннани ташкил этиб, уруғлик майдонидан олинган қолган намуналар ҳам худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади ва олинган барча натижаларнинг ўртача ҳисоби юритилади.

4. Уруғлик оқ жўхори майдонларида апробацияни ўтказиш ва уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

195. Уруғлик майдонларида уруғликларнинг пишиш фазаси олдида оқ жўхори экинларида баҳолаш ишлари ўтказилади.

196. Донли оқ жўхори экинларини ҳимоя (иҳота) масофаси – 250 метр ва қанд жўхорида – 350 метр, супурги жўхорида – 500 метр бўлиши лозим. Оқ жўхори экини очиқ жойда етиштирилганда, уларнинг ҳимоя масофаси – 500 метр қилиб белгиланади.

197. Уруғликларнинг нав тозаллиги намуна олинмасдан ўсимлик ўсиб турган жойида кўрилади.

Уруғлик майдони 50 гектаргача бўлганда, уруғлик майдонининг диагонали бўйлаб жами 500 та ўсимликларда, яъни 50 та жойдан Ҳар бирдан 10 тадан ўсимлик танланмасдан кетма-кет таҳлил қилинади. Ушбу 500 та ўсимлик таркибига уруғлик майдонида 50 та жойдан саноқдан ўтказилганда аниқланган оқ жўхорининг бошқа тур ва навлари ҳам киради.

198. Баҳолаш жараёнида асосий навга хос бўлган ўсимликлар нав тавсифномасида қайд этилган морфологик белгилар орқали аниқланади ҳамда бошқа тур ва навлар аралашмаси асосий навдан ташқи кўринишлари ва рўвақларининг морфологик белгилари, ҳосил берадиган дон қобиғи ва дони, уларнинг асосий пояси ва баргининг ўртасидаги томирларга қараб ажратилади.

199. Уруғликларни баҳолаш жараёнида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

асосий нав;

бошқа нав ва оқ жўхори турлари;

судан ўти.

200. Уруғликларни қорақуя ёки бошқа касалликлар билан зарарланганлиги уруғлик майдонида саноқдан ўтказилган 500 та ўсимликда аниқланади ва уларнинг миқдори фоизларда ифодаланади.

201. Уруғликларнинг айрим сифатларига белгиланган меъёрлар [12-жадвалда](#) келтирилган:

12-жадвал

Кўпайтириш кўчатзори ва оригинал уруғларда	Оригинал уруғларда	Элита уруғларда	Репродукция уруғлар (РУ-1, РУ-2)да	Товар маҳсулот етиштириш учун репродукция уруғлар (РУ-т)да
Нав тозалиги, камида, фоизда				
100	100	99,0	98,0	95,0
Қорақуя билан зарарлангани, кўпи билан, фоизда				
0	0	0,1	0,3	0,5

202. Аprobация ва уруфликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, уруфликларнинг экишдаги авлодлари 12-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича авлоди мос равишда белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаган ҳолларда, уруфликларнинг авлодлари ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ келадиган қуйи авлоди бўйича баҳоланади.

Аprobация ва уруфликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижасига кўра, 12-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланган энг қуйи меъёрдан паст натижа аниқланган уруфликлар яроқсиз деб топилади.

203. Аprobация комиссияси томонидан баҳолаш натижалари бўйича электрон восита (планшет) ёрдамида ахборот тизими орқали ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ аprobация далолатномаси тузилади ва жараёнда қатнашувчилар ўз имзолари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

**8-боб. Уруфликка экилган сабзавот ва полиз экинлари
майдонларида аprobацияни ўтказиш ва уруфликларнинг
наводорлик сифатини баҳолаш**

**1. Аprobация ва уруфликларнинг наводорлик
сифатини баҳолашнинг умумий шартлари**

204. Уруфлик учун экилган сабзавот ва полиз экинларини наводорлиги наводорлик сифатини таҳлил қилиш усулида аниқланади. Бунда икки йиллик экинларнинг наводорлигини баҳолаш учун қўшимча равишда наводорлик сифат таҳлиллари ўтказилади.

205. Уруфлик етиштирувчи субъектлар томонидан уруфлик учун олинадиган ўсимлик ва мева намуналарининг, қишда сақланадиган ва баҳорда экиладиган илдизмева намуналарининг ҳар бир навга хос бўлган нусхаларини аprobация комиссиясига тақдим этади ёки ариза билан ахборот тизими орқали Марказга мурожаат қилади.

206. Агар уруфлик етиштирувчи субъектда наводорлик сифат таҳлил натижаси ўтказиладиган уруфлик майдонларида бир хил тоифали уруфликлар

экилганда, олинган намуналарнинг навдорлик фоизи умумлаштирилиб, ўртача фоизи олинади:

уруғлик майдони 5 гектар, навдорлиги 98 фоиз $\times 5 = 490$;

уруғлик майдони 3 гектар, навдорлиги 97 фоиз $\times 3 = 291$;

уруғлик майдони 2 гектар, навдорлиги 99 фоиз $\times 2 = 198$.

Умумий ҳисобланган 979 сонини умумий 10 гектар майдонга (979:10) бўлиш орқали уруғликнинг ўртача 97,9 фоиз навдорлиги олинади.

207. Уруғлик етиштирувчи субъектларнинг уруғлик майдонларида карантин аҳамиятидаги касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлар аниқланганда, улар механик ва кимёвий воситалар ёрдамида йўқ қилинади.

208. Апробация комиссияси томонидан уруғлик майдонларида навдорлик сифатини баҳолаш вақтида карантин аҳамиятидаги касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлар аниқланганда, навдорлик сифатини баҳолаш натижаларида қайд этилади ҳамда уруғлик майдони яроқсиз деб топилиб, апробация далолатномаси тузилади.

2. Уруғликларни бегона навлардан тозалаш ва танлаш

209. Бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик экинларнинг ўсиш даврида доимий равишда бегона навлар аралашган ва касалликлар билан зарарланган ўсимликлардан тозалаш ишлари олиб борилади.

210. Бир йиллик сабзавот ва полиз экинларида нав танлаш навдорлик сифат таҳлил натижаси ўтказилгандан кейин, мева ва ўсимликларни йиғиш вақтида ҳамда қайта ишлаш (уруғларни ажратиш) даврида ўтказилади.

Икки йиллик экинларда нав танлаш навдорлик сифатини баҳолашдан кейин йиғиш ва қишга сақлашга қўйиш вақтида, илдизмевалилар кўчириб экиш вақтида ўтказилади.

211. Навнинг навдорлик хусусиятларини яхшилаб боришда, икки йиллик уруғликларни баҳорда экишдан аввал касалланган ва совуқдан зарарланган яроқсизларини ажратиб ташлаш учун баҳорги мавсумда амалга оширилади.

212. Уруғлик етиштирувчи субъект томонидан Ҳар Қандай нав тозалаш ишларини олиб бориш (навдорлик сифатини баҳолашдан олдин ёки кейин) ва оналик уруғликларини танлаш вақтида апробация комиссияси ушбу Низомга 13 ва 14-иловаларга мувофиқ шаклда бирламчи Ҳужжатлар расмийлаштиради. Бунда нав тозалаш вақти, танлаш, ўсимликлар Ҳолати, олиб ташланган бегона навлар турлари, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган ўсимликлар миқдори Қайд этилади.

3. Уруғликларни гуллашдан олдинги кузатишлар

213. Карам, илдизмевалилар, пиёз ва бошқа икки йиллик экинлар Ҳамда редисканинг гуллашдан олдинги кузатув вақтида Қуйидагиларни ўрганиш талаб этилади:

Ҳақиқий уруғлик майдони ва Ҳолати;

навлараро масофаларининг сақланиши ёки сақланмагани;

уруғлик майдони атрофида ушбу экин билан чангганиши мумкин бўлган бир оилага мансуб ўсимликлар ва ёввойи ўсимликлар бўлмаслиги;

агротехник тадбирларнинг бажарилиши ёки бажарилмагани (экиш муддати ва схемаси, бегона ўтларга Қарши курашиш ва бошқалар);

уруғликларнинг зараркунанда ва касалликлар билан зарарлангани.

214. Уруғлик майдонларида ушбу Низомнинг 213-бандида кўрсатилган салбий Ҳолатлар аниқланганда, мазкур уруғлик майдони яроқсиз деб топилади.

4. Уруғликларнинг Ҳимоя (иҲота) оралиқ масофалари

215. Бир-бири билан енгил чангланувчи навлар Ҳамда ёввойи ўсимликлар билан ўзаро чанганиб Қолмаслиги учун навдор уруғликлар орасидаги Ҳимоя масофалари Қуйидаги келтирилган 13-жадвалга мувофиқ белгиланади:

13-жадвал

Экин турлари	Ҳимоя оралиқлари, м	
	очиқ ерда	ёпиқ ерда

Тарвуз, Қовун, Қовоқ, бодринг	1000	500
БаҚлажон, ширин Қалампир	300	100
Помидор	100	50
Четдан чангланувчи бошҚа экинлар (карам, шолҒом, турп, пиёз, сабзи, ош лавлаги, редиска ва бошҚалар)	2000	600

Изоҳ. а) хўраки тарвуз билан хашаки тарвуз экинлари Ҳимоя оралиқлари, ширин Қалампир билан аччиқ Қалампир экинлари оралиқлари очиқ ерда 2000 м ва ёпиқ ерда 1000 м;

б) ош лавлаги билан қанд ва хашаки лавлагилар Ҳимоя оралиқлари очиқ ерда 10 000 м, ёпиқ ерда 5 000 метр этиб белгиланган.

216. Бир хил навнинг оралиқ Ҳимоялари белгиланган Ҳимоя масофасини экин тури учун тенг ярми Қолдирилишига рухсат этилади.

Қовоқ ва полиз экинларининг Ҳар хил ботаник турлари бўйича Ҳимоя оралиқлари очиқ ерда 50 метр ва ёпиқ ерда 20 метр бўлади. Бир навнинг элита билан биринчи авлодли экинзорлари орасида оралиқ масофалари сақланмайди.

217. Уруғлик етиштиришда навлараро оралиқ масофалари сақланмаган Ҳолатлар аниқланганда, навдорлик сифатини баҳолаш жараёнларида уруғлик авлоди Қуйи авлодга туширилади ва “Навдорлиги Ҳимоя оралиқлари сақланмагани учун бир Қуйи авлодга пасайтирилади” ёзуви киритилади.

5. Уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш

218. Навдорлик сифатини баҳолаш вақтида нав тозалаш ишлари ўтказилгани, навлараро Ҳимоя майдонларига амал қилингани, касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлов бериш чоралари ўтказилгани, уруғлик майдони Ҳолати Ҳамда кутилаётган Ҳосилдорлик аниқланади.

219. Навдорлик сифатини баҳолаш Қуйидаги муддатларда ўтказилади:

оқбош карам, гулкарам, брокколи – карам бошлари тўлиқ ўрай бошлаганда (кўз билан кўриб, Қўл билан ушлаб кўрилади);

лавлаги, сабзи, шолҒом, турп, редиска, петрушка, сельдерей – тўлиқ техник пишган даврда;

пиёз ва саримсоқпиёз – тўлиқ етилиб, пиёз устидаги ҚобиҚлари Қуриганда;

бодринг – тўлиқ мевалар етилиб, Қисман уруҒликлар пайдо бўлганда;

помидор, баҚлажон, ширин Қалампир ва аччиҚ Қалампир – мевалари 50 фоиз етилиб пишган ваҚтда;

тарвуз, Қовун, ҚовоҚ – мева устки Қисмлари ва уруҒлари тўлиқ биологик пишган ваҚтда;

ҚовоҚча, патиссон – техник пишган ва уруҒлик мевалари пайдо бўлган ваҚтда;

шивит (укроп) – техник пишиб, марказий уруҒ бандларида уруҒлар пишган ваҚтда.

220. УруҒлик майдонларидан навдорлик сифатини баҚолаш ваҚтида олинган уруҒликларнинг намуналари ташҚи белгилари бўйича икки гуруҒга ажратилади:

биринчи гуруҒ – Ҳар бир нав белгиларига хос бўлган, соҒлом ривожланган, илдизмевалари, бошқарамлари ёрилмаган, касаллик ва зараркунандалар билан Қисман зарарланган ва меваларда Қисман ёриҚлари бўлган, лекин асосий нав белгилари саҚланган ўсимликлар;

иккинчи гуруҒ – асосий нав белгиларини йўҚотган, шу жумладан, айниган, ёрилган, гуллаб кетган, касаллик ва зараркунандалар билан кучли зарарланган Ҳамда етилмаган (асосий нав белгиларини ажратиш Қийин бўлган майда ўсимлик мевалари) ўсимлик ва мевалар.

221. УруҒликлар навдорлигини аниҚлашда фаҚат биринчи гуруҒга мансуб уруҒликлар инобатга олиниб, бундай уруҒлик майдонларида ўсимликларнинг нав тозалиги ва бегона навлар аралашмаси аниҚланади.

Бунда иккинчи гуруҒга мансуб ўсимликларнинг умумий сони ва фоизи Ҳам кўрсатилади.

222. Навдорлик сифатини баҳолаш учун олинадиган намуна ва ўсимликлар сони 14-жадвалга мувофиқ олинади:

14-жадвал

Апробация майдони	Таҳлил учун умумий ўсимликлар сони			Ҳар бир намуна учун олинадиган ўсимликлар сони
	Нўхат ва ловияда	Тарвуз ва Қовунда	Бошқа сабзавот экинлари ва хашаки илдизмевалиларда	
5 гектаргача	300	200	500	50
5,1 дан 10 гектаргача	400	300	700	50
10,1 дан 20 гектаргача	500	400	1000	50

Изоҳ. уруғлик майдони 20 гектардан кўп бўлганда, Ҳар Қўшимча 10 гектар майдон учун 50 тадан ўсимлик олинади ва 20 гектар уруғлик майдони учун олинган намуналар билан бирлаштирилади.

223. Уруғлик навларининг морфологик белгилари Қуйидаги тартибда таҳлил қилинади:

ош лавлаги, шолғом, турп, пиёз ва илдизмевалилар ердан суғуриб олиниб, шу жойнинг ўзида гуруҳларга ажратилади;

карам, помидор, бодринг, Қалампир, бақлажон, полиз экинлари, Қовоқ, патиссон, шовул (отқулоқ), шивит (укроп), исмалоқ, салат ва бошқа кўкат экинлари илдизида турган вақтида таҳлил қилинади.

224. Навдорлик сифатини баҳолаш вақтида бутун майдон бўйлаб тенг тақсимланган ҳолда намуналар танлаб олинади.

225. Апробация комиссияси томонидан намуналарни бир-биридан тенг масофада, уруғлик майдонининг диагонали бўйлаб кетма-кетликда намуналар танлаб олинади ва наводорлиги баҳоланади.

226. Биринчи гуруҳга тегишли ўсимликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижаларида кўрсаткичлар олинган намуналарнинг умумий сони ва

фоизи ҳисоблаб чиқилиб, унда экин нав тозалиги кўрсаткичи ва бегона навлар аралашмаси миқдори кўрсатилади.

227. Тарвуз ва Қовуннинг навдорлигини баҳолашда уларни ҳар 10 та мевадан биттаси кесиб кўрилади, мева устки қисми, ранги ва уруғлари таҳлил қилинади.

228. Ош лавлаги илдизмеваларининг навдорлигини баҳолашда ҳар бир олинган намунанинг 50 фоиз илдизмевалари кесилган ҳолда ҳалқаси ва ранги кўздан кечирилади.

6. Касаллик ва зараркунандалар ҳамда карантин аҳамиятидаги касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлар билан зарарланганини аниқлаш

229. Уруғлик майдонларида касаллик ва зараркунандалар, шу билан бирга, карантин аҳамиятидаги касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлар билан зарарлангани апробация комиссияси томонидан аниқланади ҳамда таҳлил қилинади.

230. Уруғликларнинг зарарлангани ҳақидаги маълумотлар, уларга қарши курашиш тадбирлари тури ва сони ҳамда экинларнинг зараркунанда ва касалликлар билан зарарлангани фоиз ҳисобида далолатномада кўрсатилади.

231. Уруғликларни гуллаш давридан олдин кузатиш ҳамда ҳосилни йиғишдан олдинги навдорлик сифатини баҳолаш вақтида аниқланган касаллик ва зараркунандалар қуйидагича уч гуруҳга бўлинади:

биринчи гуруҳ – уруғлик билан ўтадиган карантин аҳамиятидаги касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлар киритилади, бунда ушбу гуруҳга кирадиган уруғлик билан ўтадиган карантин аҳамиятидаги касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлар мавжудлиги аниқланганда, уруғлик майдонлари яроқсиз деб топилади;

иккинчи гуруҳ – уруғлик билан ўтадиган қуйидаги ўсимлик касалликлари киреди:

карам уруғликларида томир бактериози билан зарарланиши кўпи билан 3–10 фоиз, альтернариоз 10–30 фоиз, фомоз 15–30 фоиз, сохта ун шудринг

касалликлари 10–15 фоиз бўлганда;

сабзи уруғликларида фомоз 5–10 фоиз, альтернариоз 5–10 фоиз, бактериоз 10–15 фоиз бўлганда;

лавлаги уруғликларида сохта ун шудринг 5–15 фоиз бўлганда;

помидор уруғликларида рак бактерияси 5–10 фоиз, бактериал доғланиш 10–15 фоиз ва вирус касалликлари 5–10 фоиз бўлганда;

бақлажон уруғликларида мева чириши 5–10 фоиз бўлганда;

бодринг ва қовун уруғликларида бактериоз 5–10 фоиз бўлганда.

Ушбу гуруҳга кирадиган касалликлар билан белгиланган меъёрлардан кўп миқдорда зарарлангани аниқланганда, элита ва репродукция уруғлар авлодли уруғлик майдонлари яроқсиз деб топилади.

учинчи гуруҳ – касалликлар билан зарарланган уруғлик майдонлари яроқсизга чиқарилмайди, лекин уруғлик майдонларида бегона навлардан тозалаш ишлари сифатли олиб борилади ҳамда касалликлар билан зарарланганлик миқдори аниқланиб, улар фоизларда кўрсатилади. Бундай уруғлик майдонларида тайёрланган уруғликларга қўшимча равишда кимёвий ва иссиқлик (термик) ёрдамида ишлов берилади ва шундан сўнг ушбу уруғликни лаборатория-синов натижаси асосида экиш мумкин.

Ушбу гуруҳга қуйидаги касалликлар киради:

а) очиқ уруғлик майдонларида:

карам уруғликларида – фузариоз, кила;

лавлаги уруғликларида – фомоз;

пиёз уруғликларида – сохта уншудринг, олачипор, бўғин чириши;

қовоқ уруғликларида – олачипор, сўлиш;

б) иссиқхоналарда:

бодринг уруғликларида – ун шудринг, сохта ун шудринг, оқ Ғуборли чириш, сўлиш;

помидор уруғликларида – баргларининг ҚўнҒир доҒланиши, фитофтороз, оқ чириш, кулранг чириш ва сўлиш.

7. Уруғликларни яроқсиз деб топиш ва уруғлик Ҳисобидан чиқариш

232. Уруғликлар Қуйидаги Ҳолларда яроқсиз деб топилади ва уруғлик Ҳисобидан чиқарилади:

уруғликлар нав тозалиги бўйича 15-жадвалда келтирилган меъёрларга ва амалдаги стандарт талабларига мос келмаганда;

баҲолаш жараёнида уруғлик майдонлари амалдаги стандарт ва бошқа норматив Ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бермаганда;

апробация натижасида уруғлик майдонлари Ҳолати “ёмон” деб баҲоланганда;

уруғлик майдонида биринчи гуруҳга кирадиган уруғлик билан ўтадиган карантин аҲамиятидаги касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлар мавжудлиги аниқланганда;

уруғлик майдонда иккинчи гуруҳга кирадиган касалликларнинг белгиланган меъёрлардан кўп миқдорда мавжудлиги аниқланганда;

уруғлик майдонида касалликлар уруғ орқали ўтиш эҲтимоли бўлганда;

навдорлик сифатини баҲолаш талаби бўйича бир йиллик уруғлик майдонларида нав тозалаш ишлари ёки икки йиллик уруғлик майдонларида кузги танлаш ишлари ўтказилмаганда;

экилган уруғликларнинг бирламчи Ҳужжатлари (экинбоплик хулосаси, юк хати ва бошқалар) мавжуд бўлмаганда.

233. Уруғликлар яроқсиз деб топилганда ва уруғлик Ҳисобидан чиқарилганда, апробация комиссияси томонидан ахборот тизими орқали

апробация далолатномаси тузилади ва тасдиқланади.

234. Уруғлик майдонларига тегишлилиги бўйича бирламчи Хужжатлар мавжуд бўлмаганда, апробация комиссияси томонидан баҳолаш ишларини рад этиш юзасидан далолатнома тузилади ёки ахборот тизими орқали асос келтирилган ҳолда рад этилади.

8. Уруғликларни наводорлик сифат кўрсаткичларига белгиланган меъёрлар

235. Уруғликларнинг наводорлиги 15-жадвалда келтирилган белгиланган меъёрларга мувофиқ бўлиши шарт:

15-жадвал

Экин тури	Уруғликларнинг категорияси бўйича наводорлиги, камида, фоизда			III категорияда аралашмалар ичида наводорлик даражаси аралашмаларга йўл қўйилади, кўпи билан, фоизда
	I	II	III	
хўраки ва хашаки тарвуз	99	98	90	1
бақлажон	98	97	92	1
қовун	99	97	92	3
қовоқча, цуккини, патиссон	95	93	85	1
оқбош ва қизилбош карам	98	97	85	3
гулкарам	98	95	85	3
кашнич	98	96	80	2
салат	99	98	95	1
пиёз	98	95	85	2
порей пиёзи	99	97	90	5
хўраки ва хашаки сабзи	98	96	85	2

бодринг	98	96	90	2
Қалампир	99	97	96	1
петрушка	97	95	80	1
редиска	98	95	85	2
турп	97	95	90	2
шолҒом	98	95	90	2
ош лавлаги	98	95	90	2
сельдерей	97	95	85	1
зира	98	96	80	2
помидор	99	98	97	1
ошҚовоҚ (ҚовоҚ)	95	93	85	3
шивит (укроп)	98	96	80	2
шовул (отҚулоҚ)	97	95	85	2
исмалоҚ	97	95	85	2
анис	98	96	80	2
арпабодиён, оҚ зира	98	96	80	2
райҒон	90	85	80	10
сабзавот ловияси	99,8	99	97	3
саримсоҚпиёз	99	98	95	4
ялпиз	98	96	85	3

Изоҳ. Бошқа сабзавот ва полиз экинлари турлари амалдаги миллий ёки халқаро стандартлар асосида нав тозалигига белгиланган меъёрлар бўйича навдорлик сифатини баҳолаш жараёнлари амалга оширилади.

9. Иссиқхоналарда уруғликларнинг навдорлигини баҳолаш

236. Апробация комиссияси томонидан уруғликларнинг дурагай уруғлари ота-оналик шаклларини апробациядан ўтказиш ҳамда гуллашдан олдин уруғликларнинг навдорлик сифатини баҳолаш 15-жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

237. Уруғлик майдонларида уруғлик етиштирувчи субъект томонидан бегона навлар мавжуд бўлганда, баҳолаш жараёнларидан олдин бегона нав аралашмаларидан тозалаш ўтказилади. Уруғлик майдонларида бегона ўтлар

мавжуд бўлганда ва касалликлар билан зарарланган ўсимликлар аниқланганда, доимий равишда нав тозалаш ишлари баҳолаш жараёнларидан олдин ва ундан кейин ҳам амалга оширилади.

238. Бодринг экиннинг дурагай уруғликларини етиштиришда отоналик шаклларида 3–4 марта нав тозалаш ишлари ўтказилади.

239. Биринчи нав тозалаш бодринг экини 5–6 донга чинбарг чиқарган вақтида ва ундан кейин ҳам олиб борилади. Бунда ҳамма бегона ва навга хос бўлмаган нав белгилари бўлган, касалликлар билан зарарланган, ривожланишдан орқада қолган ўсимликлар олиб ташланади.

240. Сабзавот экинлари навлари ва дурагайларини иссиқхонада етиштиришда қуйидаги навлараро ҳимоя масофалари белгиланади:

иссиқхонада бодринг экини етиштиришда ҳимоя оралиқлари, ўзаро иссиқхоналар оралиғи ва очиқ ердаги экинлар учун иссиқхоналар туйнукларида сим тўрлар бўлмаганда, оралиқ масофа 500 метр этиб белгиланади. Иссиқхона туйнукларида сим тўрлари мавжуд бўлганда, (асалари киришдан сақлаш учун) оралиқ ҳимоя масофа 50 метр этиб белгиланади;

помидор, ширин қалампир, бақлажоннинг ўзаро навлари учун камида 10 метр ёки иссиқхона ичида ҳар хил навлар экилганда, нав оралиги махсус ажратилган материаллар билан ажратилади.

241. Сабзавот экинларида наводорлик сифатини баҳолаш ишлари қуйидаги даврларда ўтказилади:

бодринг – ўсимликлар ёппасига мевага кирган вақтда ва айрим уруғликлари пайдо бўлган вақтда;

помидор, ширин қалампир ва бақлажон – ўсимликларда 90 фоиз мевалар етилиб пишган вақтда.

242. Уруғликларнинг нав тозалиги уруғлик майдонида намуналар олиш орқали таҳлил қилинади.

243. Иссиқхоналарда баҳолашни ўтказиш учун иссиқхонани кўндалангидан кетма-кет намуналар олинади. Навдорлик сифатини баҳолашда уруғлик майдонига тегишли бўлган намуналар ва ўсимликлар сони бодринг, помидор, ширин қалампир, бақлажон экинларида ҳар 1 000 м² иссиқхона учун 200 та ўсимлик (4 та намунада 50 та ўсимликдан), бундан катта майдонларда ҳар бир 200 м² уруғлик майдон учун 20 тадан қўшимча равишда ўсимлик танлаб олинади.

244. Дурагай уруғлик етиштиришда ота ва оналик шакллари нинг наводорлиги алоҳида баҳоланади.

245. Апробация далолатномасини расмийлаштириш вақтида дурагай уруғликни етиштириш усули қайд этилади (асалари билан чанглаш, қўлда чанглаш, уруғлантирувчи чангчиси олиб ташланган (кастрация) ёки уруғлантирувчи чангчиси олиб ташланмаган (кастрациясиз).

246. Ушбу Низомнинг 240-бандида кўрсатилган ҳимоя масофалари сақланмаган салбий ҳолатлар аниқланганда, иссиқхоналардаги уруғликлар яроқсиз деб топилади.

247. Навдорлик сифатини баҳолашда тегишли экинларда қуйидаги касалликлар миқдори кўп бўлганда, уруғлик ҳисобидан чиқарилади:

бодринг уруғликларида – мозаика ва бактериоз 5–10 фоиздан;

помидор уруғликларида – вирусли касалликлар (мозаика, стрик) 5 фоиз, қора бактерияли доғланиш 5–10 фоиз, бактерияли рак 10 фоиз, бундан ташқари поя чиришига йўл қўйилмайди.

10. Апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш

248. Баҳолаш натижалари бўйича ахборот тизими орқали ушбу Низомга 8 ва 9-иловаларга мувофиқ тегишлилиги бўйича апробация далолатномаси тузилади.

Апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш жараёнларида иштирок этган апробация комиссияси аъзолари ҳамда уруғлик

етиштирувчи субъект ўз имзолари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан апробация далолатномасини тасдиқлайди.

249. Ахборот тизимида апробация ва уруғликларнинг наводорлик сифатини баҳолаш натижалари бўйича ҳисобот автоматик тарзда шакллантирилади ва ахборот тизимидан фойдаланувчиларга кўриш имкони яратилади.

9-боб. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг экинбоплигини баҳолаш

1. Уруғликларнинг экинбоплигини аниқлашнинг умумий шартлари

250. Экинбопликни баҳолаш ишлари ариза берувчининг ахборот тизими орқали юборган мурожаатига асосан Марказ томонидан амалга оширилади.

251. Баҳолаш жараёнида уруғликларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида норматив-Ҳуқуқий Ҳужжатлар, халқаро синов усуллари, халқаро қоидалар (ISTA ва бошқалар), шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив Ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Марказ томонидан уруғликларнинг сифатини баҳолаш жараёнларида халқаро нормалар, қоидалар ва синов усулларида тўғридан-тўғри фойдаланишга рухсат этилади.

252. Уруғликларнинг экинбоплигини баҳолашда уруғликни норматив Ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслиги тасдиқланади.

253. Уруғликларнинг экинбоплиги бўйича синовлар Марказнинг аккредитациядан ўтказилган уруғчилик лабораторияларида амалга оширилади.

254. Синовларни ўтказишда амалдаги синов усуллари ва зарурат бўлган ҳолларда халқаро синов усуллари ҳамда (ISTA ва бошқалар) халқаро қоидалардан фойдаланилади.

2. Уруғликларнинг экинбоплигини аниқлаш бўйича ариза бериш, тақдим этилган ариза ва Ҳужжатлар тўпламини кўриб

чиҚиш Ҳамда таҲлил Қилиш

255. УруҒликларнинг экинбоплигини аниқлаш хизмати учун тўлов, уруҒликни экинбоплигини баҳолаш ишлари натижаларидан Қатъи назар, ариза берувчи томонидан Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда уруҒликларнинг экинбоплигини баҳолаш ишлари икки томонлама тузиладиган шартнома имзолангандан сўнг, шартнома шартларига кўра ушбу Низомнинг 296-бандига мувофиқ тўловлар асосида амалга оширилади.

256. Ариза берувчи уруҒликларнинг экинбоплигини аниқлаш бўйича ахборот тизими орқали электрон тарзда ариза беради.

Марказ томонидан Қишлоқ хўжалиги экинлари уруҒларининг экинбоплигини баҳолаш ушбу Низомга 15-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

257. Ариза берувчи ахборот тизими орқали мурожаат қилиб, ушбу Низомга 16-иловага мувофиқ шаклдаги аризани электрон равишда тўлдиради.

Mobil-ID иловаси орқали мурожаат қилганда ва ушбу Низомга 16а-иловадаги сўровнома тўлдирилганда, фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали рўйхатдан ўтказилади.

258. Аризага илова тариқасида ариза берувчи томонидан Қуйидаги Ҳужжатларни тақдим этиши талаб этилади:

уруҒликка оид рақамли QR-кодли ёрлиқ намунаси ёки уруҒлик Ҳақида тўлиқ маълумот;

маҳаллий тайёрланган уруҒликлар учун:

уруҒликларнинг навдорлик гувоҳномалари нусхалари;

маҳаллий тайёрланган уруҒликларнинг касалликлар ва зараркунандаларга қарши кимёвий дорилангани Ҳақида хулоса;

юқори авлод уруҒликлар етиштирилган Ҳолларда, ариза берувчи томонидан оригинал уруҒлар (1–2-йил ва уруҒ кўпайтириш кўчатзорлари)дан

етиштирилгани Ҳолатида, юқорида келтирилган Ҳужжатларга Қўшимча равишда нав муаллифи томонидан уруғликни кўпайтиришга рухсатномаси (илмий-амалий Ҳамкорлик шартномаси нусхаси), экиш олдидан уруғлик харид қилингани Ҳақида Ҳисобварақ-фактура нусхаси;

аввалги йилдан Қолдиқ (тиндирилган) уруғликлар учун:

экиш олдидан берилган уруғликнинг экинбоплик хулосаси (ёки экинбоплик сифати тўғрисида Ҳужжат) нусхаси;

импорт қилинган уруғликлар учун:

уруғликка тегишли хорижий фитосанитар сертификати, сифат сертификати, йўл-юк хати, Ҳисоб-фактура (инвойс);

импорт қилинган уруғликка тегишли карантин рухсатномаси ёки юкни очиб кўриш далолатномаси нусхалари.

Ҳужжатлар хорижий тилда расмийлаштирилган Ҳолларда, уларнинг давлат (ўзбек тили) тилига таржима қилинган ва белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

259. Ариза берувчи томонидан ариза ёки сўровнома тўлдирилиб, тасдиқланганидан сўнг, автоматик тарзда Марказга электрон шаклда юборилади.

260. Ариза ёки сўровномани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқлаш имкони бўлмаган Ҳолларда, тегишли имзоларни идентификация қилишнинг бошқа воситалари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) орқали Ҳам тасдиқланиши мумкин.

261. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган Ҳужжатлар Марказ томонидан кўриб чиқилади. Бунда аризанинг тўғри тўлдирилгани, Ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлиги Ҳамда аризага илова қилинган маълумотларнинг етарлилиги таҳлил қилинади.

262. Марказ Ҳужжатларни таҳлил қилади ва ариза қабул қилингандан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан ариза берувчини экинбопликни баҳолаш ёки рад этиш тўғрисида ушбу Низомга 17-иловага мувофиқ шаклдаги Қарор билан электрон тарзда хабардор қилади.

263. Қарор қабул қилинган кундан кейин ва ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилгандан сўнг, Марказ мутахассис(лар)и икки иш куни муддатда жойига бориб, уруғликларни идентификация қилади ҳамда экинбопликни баҳолаш синовларини ўтказиш учун намуналарни танлаб олинади.

264. Қуйидаги ҳолларда экинбопликни баҳолаш рад этилади (асосланган рад жавоби берилади):

ушбу Низомнинг 258-бандида талаб этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

уруғликларни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш учун зарур шарт-шароитлар (зарур материал ва воситалар, танлаб олинган намуналарни асосий ва назорат намуналарига ажратиш учун ёпиқ жой) ариза берувчи томонидан яратилмаганда;

уруғликларни идентификация қилиш ва намуна танлаб олиш жараёнида ариза берувчи (ёки унинг ишончнома орқали вакили) иштирок этмаганда ёки Марказ мутахассисларининг шахсан иштироки таъминланмаганда;

аризада ишончсиз, шубҳали, нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

идентификация қилиш натижаларига кўра уруғлик тури белгиланган намуна эмаслиги маълум бўлганда;

уруғлик амалдаги меъерий ҳужжатлар талаблари асосида (тозаланмаган, сараланмаган, калибрланмаган, дориланмаган, қадоқланмаган ёки махсус омборда сақланмаган ҳоллар) тайёрланмаганда;

уруғлик меъерий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келмаган ҳолларда, қадоқлаш бирликларининг ҳар бирига ёрлиқлар қўйилмаганда ва қадоқлаш ишлари нотўғри амалга оширилганда;

уруғликдан намуналар танлаб олиш тартибига риоя қилинмаганда;

уруғликни омборда сақлаш жараёнида намланиши оқибатида уруғликнинг мофорлаши ёки чириш ҳолатлари юзага келганда ёки умуман сақланишига салбий таъсир этувчи ҳолатлар аниқланганда;

селекция ишлари тугалланмаган, нав ва дурагай сифатида шаклланмаган уруҒликлар бўлганда;

дурагай уруҒ экиб, ундан Қайта дурагай ёки навли уруҒлик олинганда;

уруҒликнинг нави ёки авлоди бўлмаганда (аниқланмаганда);

импорт қилинаётган (ёки қилинган) уруҒликнинг сифати ва хавфсизлиги бўйича талаблар тасдиқланмаганда;

Ҳужжатларнинг сохталаштирилгани аниқланганда;

Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган бошқа Ҳолларда;

амалдаги меъёрий Ҳужжатлар талаби бўйича сақлаш ва ташиш Қоидаларига риоя этилмаган Ҳолларда.

265. Ариза берувчи экинбопликни баҳолашга рад жавобини олгандан кейин (уруҒликнинг синов натижалари салбий бўлган ҳолат бундан мустасно) аниқланган камчиликларни бир ой муддатда бартараф этиб, Қайта мурожаат қилиши мумкин. Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганда, шартнома шартлари бажарилмаган деб ҳисобланади ва хизмат кўрсатиш учун Марказга тўланган маблағлар қайтарилмайди.

266. Марказ баҳолаш ишларини қуйидаги Ҳолларда тўхтатиб туришга Ҳақли:

суд иш юритувидаги иш юзасидан баҳолаш ишларини вақтинча тўхтатиш тўғрисида тегишли суд Ҳужжати мавжуд бўлганда;

баҳолаш жараёнида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда, фаолиятини тўхтатганда ёки Қайта ташкил этилганда;

хатоларни тўғрилаш ва зарур Ҳужжатларни тақдим этиш учун ариза берувчига имкон (муддат) берилганда;

қўшимча экспертиза тайинланганда.

267. Баҳолаш жараёнларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш кунида ахборот тизими орқали ёки ариза

берувчининг ўзига юборилади.

Баҳолаш жараёнларини тўхтатиб туриш хизмат кўрсатиш муддати ўтиб кетишининг олдини олиш учун асос ҳисобланади.

268. Баҳолаш жараёнларини ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

269. Ариза берувчи, зарурат туғилганда, синов бошлангунга қадар ўз хоҳишига кўра ахборот тизими орқали баҳолаш жараёнларини тўхтатиши мумкин.

2. Идентификация қилиш, намуналарни танлаб олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш

270. Уруғликларни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш ариза келиб тушгандан икки иш кунидан кечиктирилмасдан Марказ томонидан жойига чиққан ҳолда амалга оширилади. Ушбу жараён ариза берувчи ёки унинг вакили иштирокида ўтказилади.

271. Уруғлик намуналарининг миқдори, намунани танлаб олиш, идентификация қилиш ва сақлаш тартиби амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади:

а) уруғлик тўдасини идентификация қилиш ва далолатнома расмийлаштириш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

Марказнинг ваколатли вакили (комиссия таркибида) буюртмачи ва унинг вакиллари иштирокида идентификация қилиш учун уруғлик сақланадиган жойга (омбор)га боради ҳамда уруғлик тўдасининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ сақланаётган-сақланмаётгани ва белгиланган талабларга мувофиқлигини (экинбоплик сифатини баҳолашни амалга ошириш тўғрисидаги қарор асосида) ўрганади;

ўрганиш жараёнида уруғликнинг келиб чиқиши, тайёрланган санаси, ҳосил йили, экин тури, нави, авлоди, тўда рақами, миқдори, қадоқланиши, ишлаб чиқариш тури, дорилангани, сақлаш ҳарорати ва шароити аниқланади ҳамда далолатнома расмийлаштирилади;

идентификация Қилиш жараёнида амалга оширилган ишлар тўғрисида фотосурат ёки видеолар Марказнинг масъул вакили томонидан электрон восита (планшет, бодикамера ва бошқалар) ёрдамида ахборот тизимига жойлаштирилди.

б) уруғлик тўдалари бўйича идентификация Қилиш ва намуналарни танлаб олиш Қуйидаги Ҳолатларда рад этилади:

уруғликлардан намуналар комиссия тузилмасдан танлаб олинган Ҳолатларда;

намуналар танлаб олишда тегишли мутахассислар шахсан иштирок этмаганда;

баҳоланиши кўзда тутилган уруғликка оид аризадаги маълумотлар (миқдори, экин тури, нави, авлоди, тўда рақами, тайёрлаш усули, қадоқлаш тури, фракцияси, дорилаш воситаси тури, ёрлиғи ва бошқалар) амалдаги Ҳолатга мос келмаганда;

стандарт ва бошқа меъерий ҳужжатлар талабларига мос (тўғри) келмаганда (ёки номувофиқ деб топилганда) ёхуд идентификация Қилиш натижасида уруғлик тури белгиланган намунага мос эмаслиги аниқланганда;

уруғликлар омборда сақлаш жараёнида намланиши оқибатида униб кетган, моғорлаган ёки чириш Ҳолатлари юзага келганда ёки уруғликлар сақланишига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи Ҳолатлар аниқланганда;

уруғликлар туганакларининг ўсимталари намуна танлаб олиш жараёнида зарар (шикаст етиш, синиб кетиш эҳтимоли бўлган) етадиган даражада ўсиб кетганда;

уруғликлар қадоқланмаган ва ёрлиқланмаганда;

бир уруғлик тўдасининг бир қисми бир тур дорилаш воситаси ва иккинчи қисми бошқа тур дорилаш воситаси билан дориланган бўлиб, аризада фақат битта дорилаш воситаси номи ёки иккала дорилаш воситаси алоҳида кўрсатилганда (икки ёки ундан ортиқ турдаги дорилаш воситалари бирга аралашма сифатида ишлатилгани бундан мустасно);

дурагай уруғликни экиб, ундан Қайта дурагай уруғлик олинганда;

уруғликларнинг нави ва авлоди бўлмаганда (аниқланмаганда);

уруғлик намуналарига оид Хужжатлар тўплами тўлиқ тақдим этилмаганда;

сақланаётган уруғликлар ўзаро икки хил навдаги ёки икки хил авлод (дурагай)га мансуб, шунингдек, турли ҳосил йилларига тегишли Қоплардаги уруғлари ўзаро аралашиб кетган ёхуд яқин масофада сақланган Ҳолатларда;

сақланаётган уруғликлар нав ва авлод жиҳатдан бир хил бўлганда, бироқ тўдаларни ўзаро бирлаштириш далолатномаси тузилмасдан, икки ёки ундан ортиқ тўда рақамларига мансуб Қопланган уруғликлар аралаштириб юборилганда;

уруғликлар талаб этиладиган Қадоқлаш бирлиги ёки Қадоқлаш турида бўлмаганда;

уруғликлар Қуруқ ва тоза бўлмаган, Ҳаво айланиши таъминланмаган ва зараркунандаларга Қарши ишлов берилмаган омборларда ёки уруғликлар учун талаб қилинган иқлим шароити билан таъминланмаган ва махсус совиткичли омборга эга бўлмаган очиқ жой ёки ноқулай шароитга эга омборларда сақланганда;

уруғликларни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш учун зарур шарт-шароитлар (танлаб олинган намуналарни асосий ва назорат намуналарга ажратиш ҳамда тайёрлаш учун ёпиқ жой, тегишли материал ва воситалар) ариза берувчи томонидан яратилмаганда;

шартнома талаблари ариза берувчи томонидан бажарилмаганда.

272. Идентификация қилиш натижасига кўра баҳолаш ижобий ёки салбий деб топилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
АГРОСАНОАТ МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
ҚОШИДАГИ “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ
МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ **ЭКИНБОПЛИК ХУЛОСАСИ**

_____ - **СОН**

Берилган вақти 202__йил “___” _____ дан амал қилиш муддати 202__йил “___” _____ гача

Буюртмачи номи: _____

Буюртмачи манзили: _____

Ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарилган давлати _____

1. Маҳсулотнинг ТИФ ТН коди _____, 2. Экин тури: _____

3. Нави: _____ 4. Авлоди _____,

5. Тўда (лот) рақами _____, 6. Миқдори _____ тн/кг

7. Рақамли QR-кодли ёрлиқ рақами: _____ дан _____ гача

8. Навдорлик хулосаси рақами № _____ санаси _____ нав тозалиги _____ фоиз

ЭКИНБОПЛИК ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ:

Т/р	Экинбоплик кўрсаткичлари номи	Белгиланган меъёрлар	Синов натижаси
1			
2			
3			
		

9. Экинбоплик хулосаси _____ га асосан берилди.

(синов баённомаси рақами ва санаси) 10.

Асос бўлувчи _____

_____га асосан берилди.

(Хужжатлар рақами ва саналари) 11. Хорижий холис

лабораториянинг синов натижаларини тан олиш _____ 12. Қўшимча

маълумотлар _____

Марказнинг _____

(бўлим бошлиғи Ф.И.О) Марказнинг ваколатли бўлими

бошлиғи Эксперт _____

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг навдорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги
низомга
20-илова

Намунавий шакли ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ
МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ “ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ
МУАССАСАСИ **ТАҲЛИЛ НАТИЖАСИ** _____-сон

Берилган вақти 20__йил “___” _____дан амал қилиш муддати 20__йил “___” _____
гача

Буюртмачи номи:

Буюртмачи

манзили: _____

Ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарилган давлати

1. Маҳсулотнинг ТИФ ТН коди _____, 2. Экин

тури: _____

3. Нави: _____ 4. Авлоди

5. Тўда (лот) рақами _____, 6. Миқдори _____ тн/кг

7. Рақамли QR-кодли ёрлиқ рақами: _____дан _____гача

8. Навдорлик хулосаси рақами № _____ санаси _____нав

тозалиги _____фоиз

СИНОВ НАТИЖАЛАРИ:

Т/р	Экинбоплик кўрсаткичлари номи	МҲ бўйича меъёрлар	Синов натижаси	МҲ бўйича меъёрларга мувофиқлиги
-----	-------------------------------	-----------------------	-------------------	--

1				
2				
3				
4				
			

Синов натижаси _____ га асосан берилди.

(синов баённомаси рақами ва санаси) _____ 10. Асос бўлувчи

_____ га асосан берилди.

(Хужжатлар рақами ва саналари) _____ 11. Қўшимча маълумотлар

_____ 12.

ХУЛОСА: _____ “Қишлоқ хўжалиги

экинлари уруғлари сифатини баҳолаш маркази” ДМнинг

ваколатли бўлими бошлиғи _____ (Ф.И.О) _____

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг навдорлик
ва экинбоплик сифатини
баҳолаш тўғрисидаги низомга
21-илова

Намунавий шакли

**СИНОВГА ОЛИНГАН УРУҒЛИКНИ ҚАЙТАРИШ
(ЧИҚИМ ҚИЛИШ) ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20__ йил “__” _____

(ариза берувчи)

(ариза рақами ва санаси)

Мазкур далолатнома 20__ йил “__” _____даги намуна танлаб
олиш далолатномасига мувофиқ тузилди.

Синов даврида бузилмаган
уруғлик: _____

(миқдори)

ариза берувчига қайтарилди.

Топширди:

Марказнинг масъул ходими

имзо

Ф.И.О.

Қабул қилди:

Ариза берувчи

имзо

Ф.И.О.

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг навдорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги
низомга
22-илова

Асосий экин (уруғлик пахта чигити, бошоқли дон ва картошка)лар уруғликларининг экинбоплигини баҳолаш ва экинбоплик хулосаси ёки таҳлил натижасини бериш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИ (тонна бўйича)

Т/р	Экин тури	Тўлов тури ва миқдори
1.	Уруғлик чигит, 1 тонна учун	базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи
2.	Уруғлик бошоқли дон (буғдой, арпа, сули, жавдар, тритикале ва бошқалар), 1 тонна учун	базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи
3.	Уруғлик картошка, 1 тонна учун	базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг экинбоплик сифатини баҳолаш ва экинбоплик хулосаси ёки таҳлил натижасини бериш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИ (назорат бирлик бўйича)

Т/р	Экин тури	Тўлов тури ва миқдори
1.	Уруғлик шоли, бир назорат бирлиги учун	базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,2 баравари
2.	Уруғлик маккажўхори, бир назорат бирлиги учун	базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари

3.	Уруғлик ем-хашак (беда, клевер ва бошқалар), бир назорат бирлиги учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 5,5 баравари
4.	Уруғлик соя, бир назорат бирлиги учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 9 баравари
5.	Уруғлик тамаки ва махорка (жўн тамаки), бир назорат бирлиги учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари
6.	Уруғлик каноп, бир назорат бирлиги учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари
7.	Уруғлик лавлаги (барча турлари), бир назорат бирлиги учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари
8.	Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари, бир назорат бирлиги учун: маҳсулотга қўйилган стандарт талабларига асосан назорат бирлиги тартибида аниқланганда	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг наводорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги
низомга
22-илова (давоми)

**Сабзавот-полиэ экинлари уруғликларининг экинбоплик сифатини
баҳолаш
ва экинбоплик хулосаси ёки таҳлил натижасини бериш бўйича
хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган ТЎЛОВ
СТАВКАЛАРИ (қодоқ сони бўйича)**

Т/ Р	Экин тури	Қодоқ сони	Тўлов миқдори
Қодоқ вазни 1 кг гача бўлганда			

1	Сабзавот-полиэ экинлари уруғликлари	2 000 донагача	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 7,5 баравари
		Кейинги Ҳар 1000 дона Қадоқ учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари
Қадоқ вазни 1,1 – 3 кг гача бўлганда			
2	Сабзавот-полиэ экинлари уруғликлари	1 000 донагача	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 7,5 баравари
		Кейинги Ҳар 500 дона Қадоқ учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари
Қадоқ вазни 3,1 – 10 кг гача бўлганда			
3	Сабзавот-полиэ экинлари уруғликлари	400 донагача	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 7,5 баравари
		Кейинги Ҳар 200 дона Қадоқ учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари

Қишлоқ хўжалиги экинлари
уруғликларининг наводорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги
низомга
23-илова

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази”
давлат муассасаси томонидан хорижий лабораторияларнинг
синов натижаларини тан олиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) хизматларидан фойдаланиш учун agrosert.uz ахборот тизимида рўйхатдан ўтади.	Хоҳишига кўра мурожаат қилинганда
2-босқич	Ариза берувчи	Ариза ёки сўровномани Марказга agrosert.uz ахборот тизими орқали юборади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Марказ	1. Ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, таҳлил қилади ва тан олиш ишларини амалга ошириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Икки иш кунида

		<p>2. Қабул қилинган Қарор тўғрисида Марказ томонидан ариза берувчи манзилига agrosert.uz ахборот тизими орқали хабарнома юборади.</p>	
4-босқич	Марказ	<p>1. Бирламчи Ҳужжатлари ва ёрлиқ (маркировка)ларида қайд этилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали уруғликларни идентификациялашни божхона маскани ёки божхона назоратидаги уруғлик сақлаш омборларида амалга оширади.</p>	Икки иш кунида
5-босқич	Марказ	<p>Синов натижалари тан олинганда белгиланган тартибда экинбоплик хулосаси ёки тан олинмаганда таҳлил натижаси электрон шаклда расмийлаштиради ва agrosert.uz. ахборот тизимига жойлаштиради.</p>	Бир иш кунида

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг навдорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги
низомга
24-илова

Импорт қилинган Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлик (уруғлик пахта чигити, бошоқли дон ва картошка бундан мустасно)ларига аккредитация қилинган учинчи (холис) томон хорижий лабораториясининг синов натижаларини тан олиш ва экинбоплик хулосаси бериш ёки рад этиш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИ

Т/р	Учинчи (холис) томон хорижий лабораториясининг синов натижаларини тан олиш	Тўлов тури ва миқдори
1	Муайян экин уруғлигининг тақдим қилинган синов натижасида қайд этилган экинбоплик сифати кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив ҳужжат талабларига тўлиқ мос келганда	базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари
2	Муайян экин уруғлигининг тақдим қилинган синов натижасида қайд этилган экинбоплик сифати кўрсаткичларидан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив ҳужжат талабларига мос келмаганда	базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари
3	Муайян экин уруғлигининг тақдим қилинган синов натижасида қайд этилган экинбоплик сифати кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив ҳужжат талабларига мос келиб, талаб қилинадиган қолган 1–3 та сифат кўрсаткичи қайд этилмаган бўлганда	базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари

4	<p>Муайян экин уруғлигининг тақдим қилинган синов натижасида қайд этилган экинбоплик сифати кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив ҳужжат талабларига мос келиб, талаб қилинадиган қолган 4 ва ундан ортиқ сифат кўрсаткичи қайд этилмаган бўлганда</p>	<p>базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари</p>
---	--	--

Қишлоқ хўжалиги экинлари
уруғликларининг наводорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолаш тўғрисидаги
низомга
25-илова

Намунавий шакли

Агросаноат мажмуи устидан назорат Қилиш инспекцияси
“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” ДМ
(Тошкент вилояти Қибрай тумани Бобур кўчаси 1-уй)

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари бўйича хорижий лабора
экинбоплик синов натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан о
АРИЗА _____ - сон**

_____ (ариза берувчи)

_____ (ариза берувчининг манзили)

НОМИДАН _____

_____ (раҳбарнинг Ф.И.О.)

шунини маълум қиладики, _____

_____ (экин тури)

_____ (уруғлик нави)

репродукция, _____

- партия (лот), _____

й

_____ (уруғлик авлоди)

_____ (партия рақами)

партия миқдори _____

кг _____

Қадоқ сони _____

дона/та-тури _____

_____ (ишлаб чиқариш тури, ишлов берилган пре

бўйича ишлаб чиқарил

_____ (ТИФ ТНкод)

_____ (хорижий ҳужжат номи)

Ушбу уруғлик (хорижий давлат, (холис) учинчи томон, аккредитация гувоҳномаси ёки лицензияси рақами)

Томонидан экинбоплик сифати бўйича синовлардан ўтказилган,

Ҳамда

— сон Ҳужжат расмийлаштирилган

(сифати бўйича хорижий Ҳужжат рақами ва санаси)

Мазкур уруфликнинг хорижий синов натижалари бўйича

(маҳаллий норматив Ҳужжат рақами

талабларига мослигини ўрганиб, Ўзбекистонда тан олинишини сўрайман.

Аризага илова: _____

(тақдим этилган Ҳужжатлар рўйхати)

СТИР: _____

телефон рақами _____

Ариза берувчи _____

(имзо)

Ф.И.О.

М.Ў

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навдорлик
ва экинбоплик сифатини баҳолашда рақамли QR-кодли
ёрлиқлаш, уруғликларни етиштириш ва реализация қилиш
билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари реестри
Ҳамда рейтингини юритиш
тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1-боб. Умумий Қоидалар

1. Ушбу Низом Вазирлар МаҲкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Ўзагроинспекция”) томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг (кейинги ўринларда – уруғликлар) сифатини баҳолашда уларни рақамли QR-кодли ёрлиқлаш (кейинги ўринларда – ёрлиқ), уруғликларни етиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг реестрини (кейинги ўринларда – реестр) ҳамда уруғликларнинг навдорлиги ва экинбоплиги рейтингини (кейинги ўринларда – рейтинг) юритиш тартибларини белгилайди.

2. Ушбу Низом уруғлик мақсадида реализация қилинадиган уруғликларга ҳамда уларни етиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ариза берувчи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уруғлик етиштирувчи, уларни реализация қилувчи ёки хориждан импорт қилувчи жисмоний ёки юридик шахс ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти;

идентификация қилиш – уруғлик тўдасининг ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга мослигини ҳамда норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар бажарилганини аниқлаш жараёни;

рақамли QR-код – ахборот тизими орқали қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини экинбоплик сифати, нав тавсифномаси, улар ҳақидаги маълумотларнинг янгиланиш характерига эга бўлган ҳамда идентификация қилинадиган маълумотлари рақамлаштирилган матрикс штрихли код;

рақамли QR-кодли ёрлиқ – ахборот тизими орқали қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини наводорлик ва экинбоплик сифати, нав тавсифномаси, улар ҳақидаги маълумотларнинг янгиланиш характерига эга бўлган ҳамда идентификация қилинадиган маълумотлар рақамлаштирилган матрикс штрихли кодга жойлаштирилган ва уруғлик қадоқларига тамғаланиш учун мўлжалланган махсус ёрлиқ;

таҳлил натижаси – қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари сифатини баҳолашнинг иккинчи босқичида аккредитация қилинган лабораторияда ўтказилган синов натижаларига кўра экинбоплик сифати кўрсаткичлари бўйича экиш учун яроқсиз ёки Ўзбекистон Республикаси Худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестри рўйхатига киритилиши мажбурий бўлган уруғликлар (пахта чигити, бошоқли дон ва картошка экини) киритилмагани аниқланганда расмийлаштириладиган ҳужжат;

уруғликлар – экиш учун фойдаланиладиган уруғликлар ва мевалар (ўсимликнинг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган қисмлари бундан мустасно);

уруғлик тўдаси – келиб чиқиши ва сифати бўйича бир хил бўлган уруғликларнинг муайян миқдори;

уруғчилик – уруғликларни етиштириш, сақлаш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар билан боғлиқ бўлган фаолият;

экинбоплик хулосаси – қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг сифатини баҳолашнинг иккинчи босқичида аккредитация қилинган лабораторияда ўтказилган синов натижаларига кўра экиш учун яроқчилигини

тавсифловчи ва экинбоплик сифати кўрсаткичлари мувофиқлигини белгиловчи Ҳужжат.

4. Реестр ҳамда рейтинг очиқ, шаффоф ва жамоатчиликка фойдаланиш учун очиқ маълумотлар базаси ҳисобланади.

5. “Ўзагроинспекция” қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) уруғликларни ёрлиқлаш бўйича уруғликларни етиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда – ариза берувчи)нинг аризасига асосан шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

6. Ариза берувчиларни реестрга киритиш ва рейтингини юритиш учун ариза берувчилардан тўлов ундирилмайди.

7. Ёрлиқланмаган маҳаллий ва импорт уруғликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши қатъиян тақиқланади.

8. Уруғликларнинг ёрлиқлари ва рақамли QR-кодлари ариза берувчилар томонидан қайта ишланиб шакллантирилишига (генерация), сохталаштирилишига ҳамда Марказ рухсатсиз ишлаб чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Уруғликларнинг ёрлиқлари ва рақамли QR-кодларининг сохталаштирилиши ҳолатлари аниқланганда, “Ўзагроинспекция” ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилади.

9. Уруғликларнинг ҳар бир қадоғи ва партияси учун Марказ томонидан ягона электрон ёрлиқ ишлаб чиқилади.

Ёрлиқлар ариза берувчининг танловига кўра Марказ ёки ўзининг имкониятидан келиб чиқиб, махсус қурилмаларда чоп этилади.

10. Ариза берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган уруғликларнинг импорт шартномаси тузилганда ёки маҳаллий карантин рухсатномаси олинганда, уруғликлар импорт қилиниб, божхона назоратидаги омборларга ўтказилганда, ариза берувчи уруғликларни

ёрлиқлаш учун ушбу Низомнинг 13-бандига асосан Ҳаракатларни амалга оширади.

Бунда ариза берувчи ёрлиқланадиган уруғликларни ёрлиқлашдан олдин амалдаги норматив Ҳужжатларга мувофиқ уруғликларни ишлаб чиқариши ва тўғри сақлаши лозим.

11. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи уруғчилик субъектлари уруғликлар экишга тайёрланиб, Қадоқланишидан олдин 10 иш кунда Марказга уруғликларни ёрлиқлаш учун мурожаат Қилишлари лозим.

2-боб. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини ёрлиқлаш

1. Уруғликларни ёрлиқлаш учун ариза Қабул Қилиш ва идентификация Қилиш

12. Уруғликлар ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ёрлиқланади.

13. Уруғликларни ёрлиқлаш мақсадида ариза берувчи ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани имзолаган Ҳолда ахборот тизими орқали Марказга юборади.

14. Ахборот тизими орқали аризани Қабул Қилиш ва якуний Ҳужжатларни ариза берувчига тақдим этиш рақамлаштирилган Ҳолда 5 та босқичда (ариза юбориш – шартнома имзолаш – хизмат кўрсатиш – тўловларни амалга ошириш – ёрлиқларни электрон тақдим этиш) амалга оширилади:

биринчи босқич – ариза берувчи ахборот тизими орқали Марказга ариза билан мурожаат Қилади;

иккинчи босқич – Марказ ариза келиб тушган санадан бошлаб бир кун муддатда ариза берувчининг Ҳужжатларига асосан электрон шартномани тақдим этади;

учинчи босқич – электрон шартномани иккала томон имзолаган вақтдан бошлаб бир кун муддатда ёрлиқлар лойиҳаси Марказ томонидан

тайёрланади ҳамда бу ҳақида ариза берувчига ахборот тизими орқали хабар юборилади;

тўртинчи босқич – шартнома шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш учун ахборот тизими орқали ариза берувчига инвойс тақдим этилади;

бешинчи босқич – ариза берувчи электрон тўловларни амалга оширгандан сўнг Марказ томонидан ариза берувчига бир кун муддатда ёрлиқ ёки QR-код лойиҳалари электрон шаклда ёхуд келишувга кўра уларнинг чоп этилган нусхалари тақдим этилади.

Бунда чоп этилган ёрлиқлар ва QR-кодларни Марказдан олиб кетиш харажатлари ариза берувчининг ўзи томонидан қопланади.

15. Ёрлиқ ва QR-код учун тўлов миқдорлари ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ белгиланади.

16. Ариза тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

“Mobil-ID” иловаси орқали ариза тўлдирилганда, фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификация қилинади.

17. Ариза ёки сўровномани имзолаш ёхуд электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (ишончли вакил, электрон имзо ва бошқалар) орқали ҳам тасдиқланиши мумкин.

18. Уруғликларни ёрлиқлаш учун аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) маҳаллий уруғликлар экишга тайёрланиб, қадоқланишидан олдин ариза берилганда:

уруғлик ишлаб чиқарувчининг номи ва юридик манзили, СТИР кўрсатилган гувоҳномасининг нусхаси;

уруғлик етиштирган субъектлар кесимида Қабул Қилган уруғлик миқдори ва уларнинг наводорлик гувоҳномаси;

экин тури, ботаник номи, нави, авлоди, Ҳосил йили, уруғлик миқдори, Қадоқлаш тури, вазни ва сони тўғрисидаги тасдиқланган ёзма маълумотнома;

б) хориждан импорт Қилишдан олдин ёки Қилингандан сўнг ариза берилганда:

нав ёки дурагай уруғликнинг тавсифномаси;

карантин рухсатномаси;

фитосанитар сертификати (хорижий);

уруғлик эканлигини тасдиқловчи Ҳужжат (хорижий сертификат);

учинчи (холис) томоннинг халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациядан ўтказилган лабораторияларнинг синов натижалари (мавжуд бўлганда).

19. Тақдим этилган Ҳужжатларга хорижий тилдан давлат тилига (ўзбек) таржима Қилинган ва тасдиқланган матнлар нусхалари илова Қилинади.

20. Ариза берувчи ёрлиқлаш учун бериладиган ариза билан бир вақтда экинбоплик хулосасини олиш бўйича ҳам ариза бериши мумкин. Экинбоплик хулосаси белгиланган тартибда берилади.

21. Ариза берувчи тақдим этган ариза ва унга илова Қилинган Ҳужжатлар Ўзагроинспекция ва Марказнинг масъул ходимлари томонидан бир иш кунида кўриб чиқилади. Бунда аризанинг тўғри тўлдирилгани, аризага илова Қилинган Ҳужжатлар тўпламида материаллар тўлиқлиги, етарлилиги ва амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги таҳлил Қилинади. Таҳлил натижаси ижобий бўлганда, ахборот тизими орқали идентификация Қилинади.

Марказ томонидан ариза Қабул Қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, ариза берувчига уруғликларнинг ёрлиқланиши ёки

ёрлиқланишни рад этиш тўғрисидаги хабарнома ахборот тизими орқали юборилади.

22. Марказ Қуйидаги Ҳоллардан бири мавжуд бўлганда, ариза берувчига асосланган рад жавобини беради ҳамда бир кун муддат ичида аризачига хабарнома юборади:

уруғлик тўдасини идентификация қилиш учун шарт-шароитлар (уруғлик сақлаш жойи аниқ кўрсатилмаган, сақлаш жойига киришга рухсат бермаган ёки уруғлик тўдасини кўриш имкони бўлмаган, ариза берувчи ёки унинг ишончли вакиллари иштироки таъминланмаган) ариза берувчи томонидан яратилмаганда;

идентификация қилиш жараёни вақтида аризага илова қилинган Ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқатда тақдим этилган уруғлик билан мос келмаганда;

тақдим этилган Ҳужжатлар ёки маълумотлар нотўғрилиги аниқланганда;

уруғликнинг нави, авлоди бўлмаган Ҳолларда.

23. Уруғликларнинг ёрлиқланиши бўйича қарор қабул қилинганда, Марказ ариза берувчига тақдим этган Ҳужжатларига асосан электрон шартномани ахборот тизими орқали тақдим этади.

Ариза берувчи томонидан электрон шартноманинг имзоланиши кейинги босқичга ўтишга асос бўлади.

Ёрлиқлаш учун уруғликлар ариза берувчи шартномани имзолагандан бир иш кунидан кечиктирмасдан Марказ томонидан жойига чиққан ҳолда идентификация қилинади.

24. Марказ томонидан идентификация қилиш жараёни ариза берувчи ёки унинг вакили иштирокида ўтказилади.

25. Уруғликларни идентификация қилиш жараёни амалдаги норматив Ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

26. Уруғликларни идентификация қилиш натижалари бўйича ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги далолатнома электрон восита (планшет) ёрдамида тузилади ва имзоланади.

Бунда имзолаш ишончли вакил, билдактилоскопия (бармоқ изи), электрон рақамли имзо ва бошқа воситалар орқали тасдиқланади ҳамда ахборот тизимига жойлаштирилади.

2. Ёрлиқ лойиҳасини ишлаб чиқиш ва маълумотларни рақамлаштириш

2.1. Маҳаллий етиштирилган уруғликларни ёрлиқлаш

27. Аризага илова қилинган ҳужжатларга идентификация қилиш натижалари мувофиқ деб топилганда, Марказ ёрлиқ лойиҳасини ишлаб чиқади.

28. Уруғлик авлодига кўра ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ белгиланган махсус ёрлиқ шакли танланади.

29. Танлаб олинган ёрлиқ шаклида ушбу Низомга 5а-иловага мувофиқ Қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ёрлиқни ишлаб чиққан Марказ номи, манзили ва логотипи;

ишлаб чиқарувчи номи;

экин тури ва ботаник номи;

маҳсулот номи;

нав номи;

нав авлоди ёки дурагай (ота-оналик шакллари) номи;

уруғлик тўда рақами;

Ҳосил йили;

Қадоқ оғирлиги ёки қадоқдаги уруғ сони;

махсус шифрланган комбинацияланган ҳарфи ва рақами;

ушбу банднинг 2–11-хатбошиларида келтирилган маълумотларнинг рақамлаштирилган матрик штрихли коди (QR-код).

Ёрлиқнинг юқори ўнг қисмидан диагонал бўйлаб пастки чап қисмига рангли (қалин чизиқ) чизиқ тортилади (уруғликнинг авлодига қараб).

Ёрлиқнинг қадоқ (қоплар учун) ичига бириктириладиган қисмида рақамли QR-код акс этирилади (қадоқнинг ташқи қисмидаги ёрлиққа шикаст етказилганда, ички қисмидан маълумотлар олинади).

30. Ёрлиқдаги рақамли QR-кодда қуйидаги қўшимча маълумотлар акс этирилиши мумкин:

нав ёки дурагай (ота-оналик шакллари)нинг тавсифномаси;

навдорлик гувоҳномаси;

экинбоплик хулосаси (мавжуд бўлганда);

31. Махсус шифрланган рақамнинг таърифлари:

бошланувчи “UZ” белгиси – Ўзбекистон Республикаси Қисқартмаси;

кейинги 2 та белги (рақам) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг махсус рақами;

кейинги 3 та белги (рақам) уруғлик ишлаб чиқарувчи субъектнинг махсус рақами;

кейинги 8 та белги (ҳарф ва рақам) уруғлик тўдасида қадоққа берилган комбинация серияли рақами.

32. Ёрлиқ уруғликнинг экин тури ва авлодига кўра қуйидаги жадвалларда кўрсатилган махсус рангда белгиланади.

а) уруғлик бошоқли донлар учун чоп этиладиган ёрлиқ шаклида акс этириладиган ранглари:

Уруғлик авлодининг	Уруғлик авлодининг	Иқтисодий Ҳамкорлик	Ёрлиқдаги ранги
-------------------------------	-------------------------------	--------------------------------	----------------------------

Қисқартма номи	номланиши	ва тараққиёт ташкилоти (OECD) талаблари бўйича номланиши	
ОУ	оригинал авлод	Pre-basic	оқ рангли, бинафша-ранг чизиқли
ЭУ	элита авлод	Basic	оқ / кулранг
РУ-1	биринчи авлод	Certified seed (1 st Gen.)	кўк / кулранг
РУ-2	иккинчи авлод	Certified seed (2 nd Gen.)	Қизил / кулранг
РУ-t	товар (маҳсулот) етиштиришга мўлжалланган авлод	Other generation	Қизил / кулранг

б) уруғлик чигит учун чоп этиладиган ёрлик шаклида акс эттириладиган ранглари:

Уруғлик авлодининг Қисқартма номи	Уруғлик авлодининг номланиши	Иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) талаблари бўйича номланиши	Ёрликдаги ранги
СЭ	суперэлита авлод	Pre-basic	оқ рангли, бинафша-ранг чизиқли
Э	элита авлод	Basic	оқ / кулранг
R-1	биринчи авлод	Certified seed (1 st Gen.)	кўк / кулранг
R-2	иккинчи авлод	Certified seed (2 nd Gen.)	Қизил / кулранг

R-3	учинчи авлод	Certified seed (2 rd Gen.)	Қизил / кулранг
F ₁	биринчи авлод дурагай	Other generation	Қизил / кулранг

в) уруғлик картошка учун чоп этиладиган ёрлик шаклида акс эттириладиган ранглари:

Уруғлик авлодининг Қисқартма номи	Уруғлик авлодининг номланиши	Иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) талаблари бўйича номланиши	Ёрликдаги ранги
PВ	бирламчи материал	Pre-basic	оқ рангли, бинафша-ранг чизиқли
S	супер-суперэлита		
SE	суперэлита	Basic	оқ / кулранг
E	элита		
A1	биринчи-авлод	Certified seed (1 st Gen.)	кўк / кулранг
A2	иккинчи ва кейинги авлод	Certified seed (2 nd Gen.), Other generation	кўк / кулранг

г) бошқа экин турларининг ёрлиқлари Иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) талаблари бўйича ҳамда махсус Ҳимояловчи белги (голограмма) билан чоп этилади.

33. Рақамли QR-кодли ёрлик ўлчами:

а) рақамли QR-код шаклининг ўлчами – эни 10 сантиметр, бўйи 15 сантиметр;

б) қадоқ ички қисмига бириктириладиган рақамли QR-код –2x2 сантиметр;

- в) тикиш қисми – 10x6 сантиметр;
- г) Марказ номи ва логотипи жойлашган қисми – 10x2 сантиметр;
- д) ташқи қисмига бириктириладиган рақамли QR-код – 4x4 сантиметр;
- е) махсус шифрланган рақам – 4x1 сантиметр;
- ж) уруғлик ҳақида асосий маълумот – 6x5 сантиметр.

Изоҳ. Қадоққа бириктириладиган рақамли QR-кодли ёрлиқ ўлчами қадоқлаш турининг ўлчамидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда ўзгариши мумкин.

34. Уруғлик ишлаб чиқарилиб, қадоқлангандан сўнг ариза берувчидан олинган ушбу уруғлик ишлаб чиқарилган санаси ва кимёвий ишлов берилган препарат номи тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, уруғлик сифати баҳолангандан сўнг берилган “Экинбоплик хулосаси” ёки “Таҳлил натижаси” Марказ томонидан ахборот тизими орқали ёрлиқлардаги QR-кодга электрон тарзда жойлаштириб борилади.

Импорт қилинадиган уруғликларни ёрлиқлаш

35. Аризага илова қилинган ҳужжатларнинг идентификация қилиш натижалари ижобий бўлганда, Марказ томонидан ушбу Низомга 5б-иловага мувофиқ рақамли QR-код лойиҳаси ишлаб чиқилади.

36. Рақамли QR-кодга қуйидаги маълумотлар киритилади:

рўйхатга олинган реестр рақами;

экинбоплик хулосаси (мавжуд бўлганда);

нав ёки дурагайнинг тавсифномаси;

ариза берувчи номи (импортёр) ва юридик манзили, хорижий ишлаб чиқарувчи корхона номи ва давлати, уруғликнинг экин тури, ботаник номи, лот (партия) рақами ва вазни (нетто), нав ёки дурагай номи, авлоди, ҳосил йили, тайёрланган вақти, уруғлик миқдори, қадоқлаш тури, уруғлик қадоқлар сони (агар уруғликлар донабай қадоқланган бўлса қадоқдаги

уруғлик сони ва вазни), уруғлик кимёвий ёки биологик ишлов берилгани
Ҳақидаги маълумот.

37. Уруғлик экиш учун импорт қилингандан сўнг, Марказ томонидан
уруғлик сифатини баҳолаш натижасида берилган “Экинбоплик хулосаси” ёки
“Таҳлил натижаси”, шунингдек, карантин рухсатномаси, фитосанитар
сертификати ва уруғликнинг экинбоплик сифати кўрсаткичлари акс этган
хорижий Ҳужжат (мавжуд бўлганда)лар ахборот тизими орқали QR-кодга
электрон тарзда жойлаштириб борилади.

38. QR-код ва ёрлиқ шакли икки иш куни давомида тайёрланади ва
мавжуд маълумотлар жойлаштирилади.

39. QR-код ва ёрлиқларга жойлаштирилган маълумотларнинг тўлиқ ва
тўғри киритилгани Марказ томонидан кўриб чиқилади.

Қарор ижобий бўлганда электрон тарзда “QR-код ва ёрлиқларни
рўйхатга олиш реестри”дан ўтказиш ва чоп этиш бўйича Қарор қабул қилади.

3. Тайёрланган QR-код ва ёрлиқларни чоп этиш

Ҳамда тақдим этиш

40. Ёрлиқлар ёки рақамли QR-кодлар қабул қилинган Қарор асосида,
аризадаги уруғлик тўдасининг қадоқ сонидан келиб чиқиб, махсус
ҳимояланган қоғозларга (ёки галограммали) чоп этиш ускунасида,
тасдиқланган ёрлиқ ёки рақамли QR-кодлар “QR-код ва ёрлиқларни рўйхатга
олиш реестри” бўйича кетма-кетликда серияли рақамлар қўйилган
ва маълумотлар қайд этилган ҳолда Марказ томонидан чоп этилади.

41. Тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

QR-код ва ёрлиқларни чоп этиш ускунасига эга бўлган тадбиркорлик
субъектлари Марказ томонидан тақдим этилган QR-код ёки ёрлиқ
лойиҳаларини белгиланган тартибда чоп этиши мумкин;

ариза берувчи ўзининг уруғликлари учун ҳимоя воситасига эга қоғоз
ёки галограммали ҳимоя воситаларини қўллаши мумкин. Бунда ариза
берувчи Марказни огоҳлантириши ҳамда ҳимоя воситасига эга ёрлиқдан
нусха топшириши керак;

уруфликларнинг бошқа шахслар томонидан QR-код ёки ёрлиқларини сохталаштириш ҳолатлари аниқланса, ариза берувчи бу ҳақда Марказга ўрнатилган тартибда хабар юборади. Бунда Марказ икки кун муддатда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабарни юборади;

импорт қилинаётган уруфликларни ишлаб чиқарувчининг Ҳудудида ёрлиқлаш ишларини амалга ошириш учун ариза берувчининг аризасига асосан Марказ томонидан тайёрланган ва рўйхатдан ўтказилган рақамли QR-кодлар электрон тарзда тақдим этилиши мумкин.

Бунда ариза берувчи электрон тарзда олинган рақамли QR-кодларни уруфликларни хорижий ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчига юборади, уруфликнинг ҳар бир қадоғида яққол кўринадиган қисмига рақамли QR-кодларни бириктириш (ёпиштириш) ва уларни ташиш ва сақлаш жараёнларида шикаст етказмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

42. Марказ томонидан ариза берувчига чоп этилган серияли рақамланган QR-код ва ёрлиқлар шартнома шартларига мувофиқ электрон шаклда юк хати асосида тақдим этилади.

43. Марказ томонидан ёрлиқ ва QR-кодга киритиладиган маълумотлар электрон шаклда ахборот тизими орқали онлайн тарзда янгиланиб ҳамда қўшимчалар киритилган ҳолда тўлдириб борилади.

44. Ёрлиқда ушбу Низомда белгиланмаган бошқа маълумотларни акс эттирилишига йўл қўйилмайди.

4. Шикаст етган QR-код ва ёрлиқларни қайта тиклаш, тақдим этиш ва йўқ қилиш

45. Ариза берувчи ташиш ва сақлаш жараёнларида механик шикаст етказилган ёрлиқлар сони ва серияси бўйича далолатнома расмийлаштиради ҳамда Марказга далолатнома нусхасини юборади.

46. Уруфлик тўдасидаги қадоқларга берилган ёрлиқларнинг умумий миқдорига нисбатан икки фоиздан кўп бўлмаган ташиш ва сақлаш жараёнида механик шикаст етган ёрлиқлар бепул қайта чоп этилади,

шикастланган ёрлиқлар сони икки фоиздан кўп бўлганда, шартномага асосан ёрлиқлар тўлов асосида қайта чоп этилади.

47. Қайта тикланган ёрлиқларга олдин берилган серияли рақамлар қайта қўйилади ва “QR-код ва ёрлиқларни рўйхатга олиш реестри”да дубликат берилгани тўғрисида қайд этилади.

48. Ушбу қайта ишланадиган уруғликларни қайта қадоқлаш учун ушбу Низомнинг 13 ва 16-бандларига асосан Марказга ариза бериш орқали ёрлиқларга буюртма қилинади.

Уруғликларни қайта қадоқлаш учун ариза берувчининг берган аризаси асосида янги чоп этилган ёрлиқларга Марказ томонидан “Ёрлиқларни рўйхатга олиш реестри”да навбатдаги серияли рақамлар бериш орқали қайта рўйхатдан ўтказилади.

49. Ишлаб чиқарилган (қадоқланган) уруғлик тўдаси экинбоплик сифати бўйича номувофиқ деб топилганда ва ариза берувчи томонидан ушбу уруғлик тўдасини қайта тозалаш ва саралаш имконияти бўлиб (уруғлик чигит бундан мустасно), қайта ишлаш белгиланганда, аввалги ёрлиқлар ариза берувчи томонидан рўйхат асосида ёқиш орқали йўқ қилинади ва фотосуратлари илова қилинган ҳолда расмийлаштирилган тегишли далолатномани Марказга топширади.

50. Ариза берувчининг тақдим этган ёрлиқларни йўқ қилиш далолатномаси ва илова қилинган фотосуратлари асосида ёрлиқлар Марказ томонидан “QR-код ва ёрлиқларни рўйхатга олиш реестри”да олдин рўйхатга киритилган серияли рақамларига “йўқ қилинган ёрлиқлар” белгисини қўйиш орқали ҳисобдан чиқарилади.

51. Ишлаб чиқариш жараёнида уруғлик материали етишмаслиги ҳисобига кам ишлаб чиқарилган, лекин ишлаб чиқариш олдида берилган ариза асосида олинган ёрлиқларга нисбатан ортиб қолган ёрлиқлар ариза берувчи томонидан ёқилади ҳамда ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома (фотосуратлари билан бирга) имзоланади. Бунда далолатномани расмий хат орқали бир ойда камида бир мартаба Марказга юборади.

Марказ томонидан “Ёрлиқларни рўйхатга олиш реестри”га олдин рўйхатга киритилган серияли рақамларига “Ҳисобдан чиқарилган” белгисини қўйиш орқали ишлаб чиқарувчида ортиб қолган ёрлиқлар Ҳисобдан чиқарилади.

52. Ишлаб чиқариш жараёнида уруғлик материаллари тўлиқ ишлаб чиқарилмаслиги Ҳисобига кам ишлаб чиқарилган ва қолган уруғлик материаллари кейинги экиш мавсумига сақлашга қолдирилгани натижасида ишлаб чиқариш олдидан берилган ёрлиқлар бўйича ариза берувчи расмий равишда Марказга рўйхат асосида серияли рақами кўрсатилган ёрлиқларнинг сақлашга қолдирилганлиги хабарини юборади.

Марказ томонидан “QR-код ва ёрлиқларни рўйхатга олиш реестри”да олдин рўйхатга киритилган серияли рақамларга “ишлаб чиқарилмаган уруғликлар ёрлиқлари” белгиси қўйилади.

53. Барча маълумотларни ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилади.

54. Ариза берувчилар тақдим қилинган ёрлиқлар ва рақамли QR-кодларни қадоқларга бириктириш (ёпиштириш) ва Ҳисобини юритиб бориш бўйича Марказга ҳар чорақда Ҳисобот бериб боради.

55. Марказ ёрлиқлаш ишларини амалга оширилгани тўғрисида “Ўзагроинспекция”га ҳар чорақда Ҳисобот бериб боради

56. Ушбу Низом уруғлик мақсадида реализация қилинадиган ва ўз эҳтиёжи учун фойдаланиладиган уруғликлар ҳамда уларни етиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун тенг ва мажбурий Ҳисобланади.

57. Марказ томонидан тақдим этилган QR-кодлар ҳар қандай шароитда қадоқланган уруғлик идишларига бириктирилиши (ёпиштирилиши) шарт.

58. Қуйидаги ҳолатлар аниқланса, ёрлиқлаш қоидалари бузилган деб Ҳисобланади:

ёрлиқланмаган уруғликларни олиб кириш (импорт қилиш), сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш;

сохталаштирилган ёки олдин ишлатилган ёрлиқнинг Қўлланиши (ишлатилиши);

ёрлиқлаш бўйича Ҳисоботни Марказга юборилмаслик;

нотўғри (ёлфон ёки асосланмаган) маълумотларни юборган ҳолда рақамли ёрлиқланган уруғликларни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш;

нуқсонли (шикастланган) ёрлиқларни Ҳисобдан чиқариш ёки қайта ёрлиқлаш талабларини бузиш;

ушбу Низомда белгиланмаган талаблар бўйича ёрлиқланган уруғликларни ишлаб чиқариш ва олиб кириш (импорт қилиш).

Юқоридаги ҳолатлар қонунбузилиши сифатида баҳоланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

59. Уруғликларни ёрлиқлаш мажбурияти ариза берувчилар зиммасига юклатилади.

60. Уруғликларнинг ёрлиқдаги матнининг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун ариза берувчи жавоб беради.

61. Импорт қилинган уруғликлар ёрлиқланмаганда “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштириш тақиқланади.

62. Ариза берувчи ўз эҳтиёжи учун экин майдонига экиладиган уруғликларнинг ёрлиқланиши ва QR-код бириктирилишини таъминлаш юзасидан масъул ҳисобланади.

Ўз эҳтиёжи учун тайёрланган ёки импорт қилинган уруғликларнинг белгиланган тартибда ёрлиқланмаган ва QR-код бириктирилмаган ҳолда экилишига ва реализация қилинишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навдорлиги ва экинбоплиги рейтингини ҳамда ариза берувчиларнинг реестрини юритиш

1. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навдорлиги ва экинбоплиги рейтингини юритиш

63. “Ўзагроинспекция” томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида маҳаллий тайёрланган ҳамда импорт қилинадиган уруғликларнинг наводорлиги ва экинбоплигини баҳолаш рейтинг (кейинги ўринларда – рейтинг) шакллантирилади ва юритилади.

64. Рейтинг ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ схема асосида юритилади.

65. Рейтинг қуйидаги баҳолаш мезонлари бўйича аниқланади (балл ҳисобида):

а) маҳаллий тайёрланган уруғликларга нисбатан (максимал 100 балл):

маҳаллий тайёрланган ва экинбоплик сифати кўрсаткичлари ижобий баҳоланган уруғликларнинг авлоди бўйича – 5 баллдан 15 баллгача;

маҳаллий тайёрланган ва экинбоплик сифати кўрсаткичлари ижобий баҳоланган уруғликларнинг ҳажми бўйича – 5 баллдан 20 баллгача;

ариза берувчи томонидан маҳаллий тайёрланган уруғликларнинг экин турлари сони бўйича – 5 баллдан 15 баллгача;

ариза берувчи томонидан маҳаллий тайёрланган уруғликларнинг сақланиши учун омборлар ва махсус омборлар (совиткичлар) мавжудлиги бўйича – 5 баллдан 15 баллгача, мавжуд бўлмаганда “0” қўйилади;

ариза берувчиларда уруғликларни қайта ишлаш цехи мавжудлиги бўйича – 5 баллдан ва 15 баллгача, мавжуд бўлмаганда “0” қўйилади;

ариза берувчи томонидан маҳаллий уруғликларнинг тайёрлашда соҳавий малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бўйича – 5 баллдан 10 баллгача, мавжуд бўлмаганда “0” қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳудудларининг турли тупроқ-иқлим шароитлари учун экишга тавсия этилгани (районлаштирилгани) бўйича – 5 баллдан 10 баллгача, киритилмаганда “0” қўйилади;

б) импорт қилинган уруғликларга нисбатан (максимал 100 балл):

импорт Қилинган ва экинбоплик сифати кўрсаткичлари ижобий баҳоланган уруғликларнинг авлоди бўйича – 5 баллдан 15 баллгача, мавжуд бўлмаганда “0” қўйилади;

импорт Қилинган ва экинбоплик сифати кўрсаткичлари ижобий баҳоланган уруғликларнинг ҳажми бўйича – 5 баллдан 20 баллгача;

ариза берувчи томонидан импорт Қилинган уруғликларнинг экин турлари сони бўйича – 5 баллдан 15 баллгача;

ариза берувчи томонидан импорт Қилинган уруғликларнинг сақланиши учун омборлар (махсус омборлар, совиткичлар) мавжудлиги бўйича – 5 баллдан 15 баллгача, мавжуд бўлмаганда “0” қўйилади;

ариза берувчи томонидан импорт Қилинган уруғликларни Ўзбекистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш жараёнида соҳавий халқаро экспертларнинг жалб қилингани бўйича – 5 баллдан 15 баллгача, эксперт жалб қилинмаганда “0” қўйилади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида экишга тавсия этилгани (районлаштирилгани) бўйича – 5 балл ва 10 балл, киритилмаганда “0” қўйилади;

уруғликлар сифати бўйича халқаро ташкилот (лаборатория)лар сертификатларининг мавжудлиги бўйича – 5 балл ва 10 балл, мавжуд бўлмаганда “0” қўйилади.

66. Рейтинг натижалари автоматик равишда ахборот тизимида қуйидаги категорияларга ажратилади:

“А” – 100-86 балл тўплаганда – аъло;

“В” – 85-70 балл тўплаганда – яхши;

“С” – 69-56 балл тўплаганда – қониқарли;

“D” – 55 балл ва ундан паст тўплаганда – қониқарсиз.

67. Рейтинг Марказга уруғликларнинг экинбоплигини баҳолаш жараёнида ариза берувчиларнинг тақдим этадиган ҳужжатлари асосида

(зарурий Ҳолларда Қўшимча маълумотлар сўраб олинади) ахборот тизимида шакллантирилади ва юритилади.

68. Ахборот тизимидаги баҳолаш мезонлари асосида рейтинг баҳолаш ишлари ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ тартибда автоматик равишда амалга оширилади.

69. Рейтинг баҳолаш натижалари асосида тўпланган баллар бўйича автоматик равишда ахборот тизимида ушбу Низомга 7а-иловага мувофиқ категорияларда белгиланади.

70. Рейтинг натижалари (категориялар) реестрда акс эттирилади.

2. Ариза берувчиларнинг реестрини юритиш

71. “Ўзагроинспекция” томонидан рейтинг баҳолаш натижалари асосида реестр шакллантирилади ва юритилади.

Реестр шакллантирилиши ва тўлиқ юритилиши “Ўзагроинспекция” томонидан доимий назорат қилиб борилади.

72. Қуйидагилар реестрни шакллантириш ва юритишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

уруғликларнинг навдорлик ҳамда экинбоплик сифати бўйича шаффоф ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

рейтинг натижалари бўйича маҳаллий ва импорт уруғликларни эркин муомалага чиқариш билан шуғулланадиган субъектлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар (номи ва давлати) тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиб бориш ҳамда республика ҳудудидаги уруғликдан фойдаланувчи истеъмолчиларга етказиш;

ички бозордаги фаол субъектлар ва уларнинг ишончилиги юзасидан ахборот шаффофлигини таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва экспортбоп уруғликлар етиштиришга замин яратиш;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида софлом рақобат муҳитини яратиш.

73. Реестр ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ схемага кўра юритилади.

74. Шакллантирилган реестр “Ўзагроинспекция”нинг “uzagroin.uz” ахборот тизимида эълон қилиб борилади. Ушбу реестр ижтимоий тармоқларда ҳам ёритиб борилиши мумкин.

Бунда ҳар йили 1 мартга қадар уруғликларни реализация қилувчи тадбиркорлик субъектлари рейтинги ҳамда реестри расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинади ҳамда доимий янгиланиб борилади.

75. Реестрда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

ариза берувчиларга нисбатан:

ариза берувчининг номи;

давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси рақами;

ариза берувчининг манзили, телефон рақами, электрон почтаси, веб-сайти;

уруғликни ишлаб чиқарувчи субъект номи;

уруғлик ишлаб чиқарилган давлат номи;

рейтинг категорияси.

76. Рейтинг баҳолаш натижалари ҳамда реестр давлат тилида юритилади.

77. Ҳар бир ариза берувчи электрон тарзда рўйхатга олинади ва уларга реестр рақами берилади ҳамда санаси белгиланади.

78. Рейтинг баҳолаш натижалари якунига кўра ариза берувчиларнинг реестри юритилади.

79. Қуйидаги ҳолатларнинг бири аниқланганда, улар ариза берувчилар реестрдан чиқарилади ва бу ҳолат юзасидан “Ўзагроинспекция”нинг расмий веб-сайтида эълон қилинади:

ариза берувчилар томонидан сохталаштирилган маълумотлар тақдим этилганлик ҳолати аниқланганда;

ариза берувчининг реализация қилган уруғликларидан асосли шикоят келиб тушганда ва шикоят ўз исботини топганда;

ариза берувчиларнинг расмий равишда фаолиятини тўхтатиш ёки реестрдан чиқариш бўйича муурожаати келиб тушганда.

80. Реестр ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ тартибда юритилади.

4-боб. Яқунловчи Қоидалар

81. Уруғликларни ёрлиқлаш, навдорлик ва экинбоплик сифати рейтингини юритиш ҳамда ариза берувчиларнинг реестрини шакллантириш жараёнларида юзага келадиган низолар Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

82. “Ўзагроинспекция” ва Марказ уруғликларни ёрлиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида норматив-ҳуқуқий Ҳужжатлар ҳамда халқаро норма ва Қоидаларга мослаштириб боради.

83. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Қонунчилик Ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг наводорлик
ва экинбоплик сифатини
баҳолашда рақамли QR-кодли ёрлиқлаш,
уруғликларни етиштириш ва реализация қилиш билан
шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари реестри
Ҳамда рейтингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини ёрлиқлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Марказга ахборот тизими орқали ариза юборади.	Йил давомида
2-босқич	Марказ	<p>1. Аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, таҳлил қилади ва ёрлиқлаш ишларини амалга ошириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>2. Ёрлиқлашни амалга ошириш юзасидан имзоланган электрон шартномани ариза берувчига юборади.</p>	Бир иш кунида
3-босқич	Ариза берувчи	Электрон шартномани имзолайди.	Бир иш кунида

	Марказ	<p>1. Электрон шартнома имзолангандан сўнг, ёрлиқлашни амалга ошириш учун уруғлик тўдаларини тақдим қилинган Ҳужжатлардаги маълумотларга мувофиқ эканлигини ўрганиш учун идентификация қилади.</p> <p>2. Идентификация қилишнинг ижобий ёки салбий натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради, ёрлиқлашни амалга ошириш ёки рад этиш юзасидан ариза берувчига хабарнома беради.</p> <p>3. Ёрлиқларнинг лойиҳасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва чоп этиш бўйича қарор қабул қилади.</p>	Бир иш кунида
4-босқич	Марказ	<p>1. Тўловни амалга ошириш учун ариза берувчига инвойс тақдим этади.</p>	Бир иш кунида
	Ариза берувчи	<p>2. Шартнома шартлари асосида тўловни амалга оширади.</p>	Бир иш кунида

5-босқич	Марказ	Ёрлиқларни ариза берувчига электрон ёки чоп этилган ҳолда тақдим қилади.	Бир иш кунда
----------	--------	--	--------------

СТИР рақами _____
_____ Ариза берувчи _____
_____ (раҳбарнинг Ф.И.О.)

М.Ў

Телефон рақами _____
(имзо)

20__ йил “__”

Қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғликларининг наводорлик
ва экинбоплик сифатини
баҳолашда рақамли QR-кодли ёрлиқлаш,
уруғликларни етиштириш ва реализация қилиш билан
шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари реестри
Ҳамда рейтингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

**Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларига рақамли QR-
кодли ёрлиқ етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатганлик
учун ундириладиган ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИ**

Т/ Р	Хизмат тури	Миқдори	Тўлов тури ва миқдори
Марказ томонидан чоп этилганда:			
1.	Рақамли QR-кодли ёрлиқ бериш (оддий)	1 донаси учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизи
2.	Рақамли QR-кодли ёрлиқ бериш (голограмма ёки Қўшимча Ҳимоя воситасига эга)	1 донаси учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 0,4 фоизи
3.	Рақамли QR-код бериш	1 донаси учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 0,05 фоизи
Электрон Ҳолда тақдим этилганда:			
1.	Рақамли QR-кодли ёрлиқ бериш	1 донаси учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 0,025 фоизи
2.	Рақамли QR-код бериш	1 донаси учун	базавий Ҳисоблаш миқдорининг 0,012 фоизи